

Нодирабегим ИБРОҲИМОВА

Ёшлик ҳикоялари

Мен Нодирабегимнинг ижоди билан билан Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказилган “Истеъдод мактаби” VIII Республика ёш ижодкорлар семинарида танишган эдим. Зеро, “йилт” этган истеъдод учқунига ўз вақтида кўрсатилган эътибор, ғамхўрлик яқин келажакда ўзининг катта самараларини кўрсатиши шубҳасиз. Марк Твен сўзлари билан айтганимизда: “Минг-минглаб даҳолар ёки бошқалар томонидан, ёки ўзлари томонидан англалмаганликлари туфайли номаълумликда ўтиб кетадилар”. Бугунини, эртанги кунини ўйлаган, адабиёти яшаётган юрт эса бундай “исрофгарчиликка” йўл қўёлмайди, албатта.

Семинарнинг наср шўъбаси иштирокчилари орасида Нодирабегим Иброҳимова ўз истеъдоди билан тенгдошлари орасида “ярқ” этиб ажралиб турди. Нодирабегим университетни тугаллаб, беш-олти йилдан бери марказий матбуотда ишлаб келади, айрим ҳикоялари олис Ҳиндистонда, Америкада инглиз тилида нашр этилган. Унинг “Ёнингдаги бахт” ҳикоялар тўплами эса Наср ижодий кенгаши тавсияси билан “Биринчи китобим” лойиҳасида “Чўлпон” нашриётида чоп этилди. Ҳар қалай, Нодирабегим бежиз О. Генрининг асарларини ўзбекчага ўғирмаётганга ўхшайди, бу жараёнда сўзга сиқиклик, тасвирларда шафқатсиз истеҳзо маҳорати таржимонга юққандай...

Нодирабегимнинг адабиётни эрмак эмас, қисмат деб билишига умид қилган ҳолда ушбу ҳикоялар тўплами ҳам ўз мухлисларини топишини ният қиламиз. Ундан ёшлар учун ибратли, таъсирли ва замонга мос ҳикоялар ўрин олган.

Абдуқаюм Йўлдошев, ёзувчи.

Тошкент - 2018

Сўз боши

ЁМҒИР ОСТИДА

Дардан шошиб чиқдим. “Ана холос”, – деб юбордим ёмғир аёвсиз қуяётганини кўриб. Аксига олиб, бугун бир кўрғазма ташкилотчилари билан суҳбат уюштиришим керак эди.

Шундай ёмғирда бориш шартмикан-а? Бугун бормай қўяверсам-чи?

Йўқ, эртанги дарсга бирор нима тайёр бўлиши керак! Мени фикримдан қайтармоқчи бўлгандай ёмғир ҳам савалаб қуярди. Соябонимни очдим-у, бекатга югурдим. Автобус кеп қолар... Ногоҳ бекат ортида турган, ёмғирда ивиб кетган бир йигитга кўзим тушди. Соябони ҳам йўқ экан, панага ўтса бўлмасмикин? Анчадан бери турибдиёв, қалин, қоп-қора сочлари сувга яхшигина бўккан. Нигоҳи эса бир нуқтадан узилмайди – баланд оппоқ девор...

Деворда бирор нима борми, деб роса тикилдим – бегард. Йигит охири зерикдими ёки чарчадими, бекат ўриндиғига – ёнимга чўкди. Шу пайт кўрғазма томон борувчи автобус ҳам келди. Чиқишим керак... Ўрнимдан турдим. Йигит хўрсинди... Тўхтадим. Автобус кетди. Мен жойимга қайтиб ўтирдим. Шу дамда мени кўрғазмадан ҳам нотаниш йўловчи кўпроқ қизиқтирар эди. Балки у ҳам бир дардкашга муҳтождир...

– Тинчликми, ака?

У “менга гапираяпсизми” дегандай қаради. Бироз ўтиб сўз котди:

– Нима, сиз сира ташвишга дуч келмайсизми?

– Бўлиб туради. Лекин... уни енгиш керак. Сиз эса ўзингизни...

– Хароб қиялманми?

– Ўзингиз ҳам биларкансиз-ку! Нега бундай бўлди, деб ўйланавермай муаммони ҳал этиш йўллари излаш керакдир, балки...

– Йўқ, нега бундай бўлди, деб ўйлайман мен. Чунки шундай бўлиши керак эди.

Уни ҳал этиш йўли ҳам йўқ. У энди ёнимга қайтмайди...

– Ҳа... демак, севги дарди денг?

– Севги! Эҳтимол, севги бу туйғу олдида ожиздир.

– Муҳаббатингиз шунчалик кучли экан, нега унда айрилдингиз?

– Ким билади? Бу фақат Яратганга маълум. Ўзи шундай – гўзал хилқат бевафо бўлади.

– Демак, севганингизга вафо етишмабди-да?

– Ҳа... у мени жилмайибгина ташлаб кетди. Усиз яшолмаслигимни биларди... Севгимиздан кечиб кетди-я! Жавоҳирингни ташладинг-кетдинг!

Йигитнинг кўзларидан томчилар шашқатор оқа бошлади, худди бугунги ёмғирдай... Нима деяримни, нима қиларимни билмай қолдим. “Бир қизга ҳам шунчаликми?” – деб ҳам ўйладим.

– Нега мана бу деворга тикилиб тургандингиз?

– Чунки... девор ортида унинг уйи бор.

– Чиқишини пойладингизми?

– Йўқ... У чиқмайди. Ёмғирни яхши кўрарди, шунинг учун ёнига келдим. Аммо девор ортига ўтишга юрагим бетламайди...

– Ҳа, одамлар кўрса яхши бўлмайди. Бировнинг уйига берухсат кириш...

– Менга рухсат шарт эмас. Энди керакмас... Шу пайтгача иккимиз кимларнингдир рухсатию буйруқларига бўйсуниб яшадик. Охири нима бўлди?! Ҳатто бирор марта кўлидан ҳам тутолмадим...

– У ҳозир... турмушга чиққанми?

– Турмушга чиқсаям розийдим. Ахир бир кун қолганди тўйига. Лекин у истамади! Менга хиёнат қилолмади...

– Ундай бўлса... Нега мунча қийналасиз?

Йигит ўрнидан турди.

– Мен ундан хабар олиб келай...

– Майли... Унга салом айтинг.

Йўловчи кетди. Девор ёқалаб кетди... Эшиги қаердайкин, билмадим. Мен ҳам кетдим. Кўрғазмага эмас, уйимга. Бирор “нима” ҳам ёздим: “Девор ортида”.

Менга ҳануз жумбоқ эди, не бор эди девор ортида? Йигитни эса бу ерда бошқа учратмадим. Балки ёмғир яна ёққанида кўрарман уни? Жавобсиз саволларимга жавоб берар у?

Ёмғир шу бўйи бошқа ёғмади... Орадан бир ой ўтди. Ҳаво иссиқ. Ўша бекатдаман. Девор оқланяпти. Ҳашарчилардан сўрадим:

– Девор ортида ким яшайди?

– Ҳеч ким яшамайди. Бу ер безабонлар макони. Қабристон...

“Қабристон?!”

Девор ортидан аёл нолаеси эшитилди: “Эҳ, болам-а... нималар қилиб кўйдинг? Тўйингни кўролмаган онанг ўлса бўлмасмиди? Оҳ, Жавоҳирим...”

ҚАЙТИБ БЕРИЛГАН БАХТ

– Анави қиз ким бўлди? – ҳамкасбини туртди Комил.

Қизларнинг кимлигини билиш тугул, ҳатто уларга бир бор қайрилиб қарамайдиган Комилнинг саволидан Зокир таажжубланди. У ўртоғи имо қилган тарафга қаради. Сочлари узун, думалоқдан келган кулча юзлари тиниқ, нозик-ниҳол бир қиз эшик олдидаги компьютерда ишлаб ўтирарди.

– Уми? Янгилардан. Кеча директор ҳузурида кўргандим. Яқинда ўқишни тамомлабди. Аввал ҳам амалиёт ўтагани келиб турарди.

– Кўрмаган эканман.

– Кўзинг монитордан узилмаса қаердан ҳам кўрардинг? Синовдан ўтса, ишга олиб қолишар.

– Ҳа... яхши бўларди, – яна қизга тикилди Комил.

– Тинчликми? Бир кўришда юракдан урдими, дейман, – кулди Зокир. – Лекин... у фақат ўтирганда кўзингга чиройли кўринади-да...

– Бу нима деганинг?

– Оқсоқ. Бир оёғини судраб босади. Шундай ҳуснини бузиб туради-да. Бўлмаса аллақачон ўзим илинтирган бўлардим, – атай дўстининг жиғига тегди Зокир.

– Шундайми? – Комилнинг ичи зил кетди. Йўқ, уни ёқтириб қолгани учун эмас, бечора қизга юраги ачишди.

Зокир бу қиз Комилни энди қизиқтирмаслиги аниқ, деб хаёлидан ўтказди. Аммо тушлик маҳали Комилнинг қиз тарафга бораётганини кўриб хайрон қолди.

– Салом, – Комил тутилиб гап бошлади, – янги келган экансиз... Мен амалиётчилар билан ишлаш бўлимиданман.

Ҳа, Комил чинданам шу бўлимдан эди, бироқ талабаю амалиётчилар учун сира вақт ажратмас, бу ишларни Зокирга юкларди.

– Ассалому алайкум, – қиз ниҳоят ишхона ходими билан танишганидан хурсанд бўлиб, жилмайди.

– Исмингиз, қаерни битириб келдингиз? Ўзингиз ҳақда маълумот берсангиз, менга ҳам осон бўларди, – Комил шу баҳона қизни яқиндан билишга уринди.

– Гунафша Назарова бўламан. Шу йил иқтисодиёт олийгоҳини тамомладим. Ўқиб юрган кезларим шу ерда иш ўрганганман. Синов муддати билан ишга олишди. Бугун биринчи иш куним эди.

– Ҳа, ундай бўлса яхши. Мендан нима ёрдам керак бўлса, марҳамат. Келинг, энг аввал тушлик баҳона сизни ошхонамиз билан таништираман...

Тушликдан сўнг Комил қизга корхонани кўрсатди. Иш жараёнини эринмай тушунтирди, ходимлар билан таништирди. Ҳа, қиз чиндан ҳам оқсар экан. Йигит буни кўрмаганга олди, қизга ноқулай бўлишини истамади.

Эртаси ҳам, индини ҳам Комилнинг Гунафшадан айрилгиси келмади. У бир нималарни тушунтириш баҳонасида қизнинг иш столи ёнида тез-тез пайдо бўларди. Комилнинг ёрдами сабаб қиз ишни тез ўрганди: уни корхонага қабул қилишди.

Комил қизни севиб қолганини тушунди. Лекин... шу «лекин» уни чўчитарди. Қани энди, Гунафша бошқа қизлардек расо юра олса... Иккиси узукка кўз қўйгандек жуфт бўлишарди. Аслида Комил уни шу ҳолича ҳам ардоқлаб, бир умр бирга яшашга рози. Чунки Гунафша уни севади. Комил буни унинг кўзларидан илғаган. Бироқ... ота-онаси, қариндошу оғайнилари нима деркин? Табиийки, “сенга соғ қиз қуриб қолганми?” деб оғзига уришлари аниқ. Мана биттаси Зокир.

– Жиннимисан? – деди Комил гапини тугалламасдан аввал у. – Танишдинг, юрдинг, бўлди-да энди. Шунчаки вақт ўтказиш учун десам, тоза юракдан урибди-ю. Қўйсанг-чи, оғайни, тўйингда судралишиб юришинг қолганди ўзи... – хиринглади Зокир.

Ҳамкасбининг охирги гаплари жаҳлини чиқарса-да, Комил ўзини босди. Кўчада бўлганида бир мушт тушириб аламини оларди. Сухбатдан сўнг Гунафшага нисбатан янада яқинроқ сезди ўзини.

– Гунафша, – бир куни ишдан сўнг сайр қиларканлар, Комил жиддий тарзда гап бошлади, – мана, танишганимизга ҳам бир йил бўп қолди. Сизга бир гапни айтишим лозим...

Қиз “гап” мазмунини сезиб, йўлкаларга ўйчан тикилди.

– Шу пайтгача ҳаётим бўшлиқдан иборат эди. Нимадир етишмасди... Сизга аввал ҳам айтгандим: бирор қизга кўнглим қўйган эмасман. Ошналарим кўксингда юрак эмас, ҳисоб-китоб машинаси жойлашган, деб кулишади. Ҳа, хаёлим фақат ишда бўларди. Аммо... сизни учратдим, барчаси ўзгариб кетди. Қалб қалбга туташса, уни ажратиб бўлмас экан. Менинг кўнглим фақат сизни дейди. Жавобингизни интизор бўлиб кутмоқда...

Гунафша бундай дил изҳорини кутмаганди. У ҳаяжон билан кўнглини эзаётган фикрларни тўкиб солди:

– Комил ака... шунча пайт сиздан узоқлашишга уринмай, эплай олмадим. Аслида... бошида кўнглимга қаттиқ туришим керак эди. Сабабини биласиз... Мен сиздек ақлли, кўркем, ҳар томонлама тўқис йигитга ўзимни мос билмайман. Ҳар гал бугун Комил ака билан гаплашмайман, деб ишга келардим, сизни кўргач... Қачонлардир бенуксон қиз эдим. Лекин бугун... шу ҳолдаям мени севсангиз, севгингиз учун раҳмат. Қалбимда умид, ишонч, меҳр, вафо туйғуларини уйғотдингиз. Муҳаббатимизга қарши чиқишларини биламан. Мени ташлаб кетсангиз, ўзга қиз билан бахтли бўлсангиз, мен сиздан ўпкаламайман. Чунки, биламан, уйингиздагилар буни ёқламайди. Агар мен...

– Тўхтанг! – Комил қизни кўлларида тутиб, ўзига қаратди. Гунафша кўз ёш тўкарди. – Асло бундай сўзларни айтиб ўзингизни ерга урманг. Ҳаммада камчилик бор, ҳамма ўз нуқсонини билади. Баъзиларда бу яққол кўринса, баъзиларда яширин. Менда ҳам хатолар йўқ эмас... – Комил бошини ҳам қилди. – Мени рад этманг, совчи юборай. Онам билан бугун гаплашаман. Тўғри, аввалига қийин бўлади. Биласиз, отамдан эрта айрилганмиз, онам менга суяниб қолган. Лекин кўндираман, менга ишонинг. Суйганини аро йўлда ташлаб кетадиган номардлардан эмасман. Сиздан бошқани демайман.

Шу куни ҳам қувонч, ҳам ҳадик дилларини титратганча хайрлашишди. Гунафша уйига боргач, яқин сирдоши – онасига Комил ҳақда айтиб берди. Ҳалокатдан сўнг қизини сира чин дилдан кулганини кўрмаган она йигитни батафсил суриштирди. Қизининг унда кўнгли борлигини сезди. Онага осонми? Олти йил аввалги ўша фалокат қизининг қувончини ҳам олиб кетди. Югуриб-елиб мактабга бориб келадиган, шаддод ва қувноқ қиз бирдан чўкиб қолди. Ярим йилча касалхонада ётди. Бироқ у ердан оқсоқланиб чиқиб келди... Гунафшадан кўра кўпроқ она қуюнди. Мана, энди совчи кутади. Унга қизи бахтли бўлса бўлди. Она жилмайиб, тиззасига бош қўйган қизининг сочларини силади.

– Комилака жудаям яхши инсон. Ҳаётимга бир нажоткор фариштадек кириб келди... Қачонлардир бир шайтон йўлдан урган банда туфайли оқсоқликка ҳукм қилингандим. Энди эса... Худойим қувончимни қайтарди. Комил акам орқали...

Айни пайтда Комилнинг уйида осилган қовоқлару, аччиқ сўзларга дуч келиш мумкин эди. Йигит кутганидек, онаси қиз ҳақда аввалига жилмайиб тинглади, аммо “лекини” айтилгач, тумтайди. Камига йиғлади, сўнг урушди, кейин ялинди... Аммо Комил оёқ тираб туриб олди.

– Мен рози бўлсам ҳам амакию холаларинг кўнмайди, – охирги қуролини ишга солди она.

– Уларни ҳам ўзим кўндираман, – ён бермади йигит.

Баҳс яна давом этди. Узоқ мунозарадан сўнг йигит онасини бир мартагина ўша қиз билан кўришишга кўндирди.

– Билиб қўй, бир марта! Агар ёқмаса, бошқа уни демайсан. Сенга тузук қиз қуриганми? Келиним ошхонага бориб чой дамлаб келгунича икки соат кутишим қолганди ўзи! Қўл-оёғи чаққон келиним бўлади, деб орзу қилгандим-а...

– Гунафша эпли қиз, ойи. Қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Ҳали кўрасиз, сиз айтган қизлардан ҳам афзаллигига ишонч ҳосил қиласиз.

Учрашув ҳақда Гунафшага айтилмади. Комил онаси Замира опани ишхонасига олиб борди ва ўзини ичкарига киргизиб юборди. Аёл билмаган киши бўлиб, қизнинг иш столига яқинлашди ва бир нималарни сўради. Очиқкўнгли, самимий ва хушфеъл бу қизни бир кўришда ёқтириб қолганини сезган она ўзидан хайратланди. Кейин эса қиз ҳақда ишхонадаги аёллардан суриштирди. Ҳамма мақтади. Биров камчилигини эслаб ҳам ўтирмади. Қизнинг юришига разм солди. “Чўлоқ эмас экан-ку, хайтовур. Бир оз

оқсаркан.” Аёл қизга ҳам ачинар, ҳам чўчирди. “Майли, қиз-ку яхши экан. Оиласини бир кўриб, суриштириб келаман, балки ўғлимнинг тақдири шудир”.

Бир неча кундан сўнг Замира опа қизнинг уйига равона бўлди. Бундан Комилнинг ичи шодликка тўлган, қувончини Гунафшага етказганди. Ўша учрашувдан сўнг онаси хийла ўғлига ён берган, «оиласиям дидимдагидек бўлса, ўйлаб кўрамиз», деб ишончини орттирганди. Ишқилиб, севганининг онаси ҳам маъқул бўлсин-да...

Аёлни Гунафшанинг онаси кутиб олди. Элчилик ҳақида маълум қилинган шекилли, тузоғлиқ дастурхонга таклиф этилди. Гунафшанинг онаси Сабоҳат Замирахонга таниш кўринди, лекин эслай олмади. Ўз навбатида Сабоҳат ҳам аёлни кимгадир ўхшатди. Лекин “у эмасдиоров”, деб ўйлади, қаттиқроқ тикилишга эса тортинди. Чойлар узатилгач, Замирахон ўғли ҳақида сўз бошлади. Бирга ишлашлари, танишиб қолишгани, шу сабаб элчиликка келганини билдирди. Сўнгра бирдан... кўзи китоб жавонидаги портретга тушди. У ерда... Сабоҳатнинг бундан беш-олти йил аввалги, ёнида қизи, ўғли, хўжайини билан тушган сурати бор эди. Таниди! Шу заҳоти Сабоҳатни таниди. Йиллар уни анча ўзгартирган экан, мана у! Ўша аёл.

– Сиз... ҳалиги, – тугилди Замирахон, – касалхонада... ўғлим билан... Қизингиз ҳалокатга учраганди...

Сабоҳат тахмини тўғри чиққанини билди. Ҳа, қаршисида ўша, бир вақтлар қизи Гунафшанинг бахтсиз ҳалокатига сабаб бўлган йигитнинг онаси ўтирарди!

Ўшанда Гунафша мактабни битириб, ўқишга тайёрланиб юрган кезлари эди. Бир куни ўқув марказидан қайтаётиб, автоҳалокатга учради. Дарси куннинг иккинчи ярмида бўлгани учун кеч тушиб қолганди. Машинани бошқарган йигит маст ҳолатда рулга ўтирган, тор кўчада қизни уриб юборганди. Оёқлари машина тагида қолган қиз ҳушини йўқотган. Ёш йигит нима қиларини билмай, онасига қўнғироқ қилган. «Тез ёрдам» чақириш ҳақида эса ўйламаган, чунки айби учун жавоб беришдан кўрққан. Йигит онасининг кўрсатмасига биноан қизни машинага солди-да, касалхонага элтди. Шифокорлар қизни жонлантириш бўлимига олиб кириб кетдилар. Замирахон қизнинг сумкасидан телефон рақамлари дафтарчасини топиб, онасига қўнғироқ қилди.

Сабоҳат етиб келганида қизнинг аҳволи бироз ўнганганди. Замирахон ўшанда умрида қилмаган ишни қилди. Сабоҳатнинг оёқларига йиқилиб, ўғлининг устидан ариза ёзмастикни илтимос қилди. Ёлғиз фарзанди қамалиб қолса, кўтара олмаслигини, турмуш ўртоғи вафот этганини айтиб йиғлади. Сабоҳатнинг дийдаси қаттиқ эмасди. Фарзанд доғини тушунарди. Қизи омон қолгани, уни ўз вақтида шифохонага етказганлари учун ўша йигитни кечирди. Шикоят қилмасликка сўз бериб, мелиса ходимлари келмасдан аввал Замираларни кетказиб юборди.

– Яхшилигингиз ерда қолмайди, – деганди ўшанда Замира. – Бир куни учрашиб қолсак, албатта қайтараман...

Гунафша кўзларини очди. Ўнг оёғи мажақланганди. Текис юриб кетолмади. Товон қисми ўпирилиб кетган экан...

Замирахон ўғлини минг койиди. Ўқишга ҳуши йўқ, ошналари билан машина ҳайдаб тараллабедод юрадиган, бунинг устига ичиб олиб кўчада муштлашадиган ўғилнинг исми Комил эди...

Комилнинг ўша воқеадан сўнг кўзи очилди. Бир бегуноҳ одамнинг ўлимига сабабчи бўлиб қолиши мумкин эди. Хато қилди... Шундан сўнг у батамом ўзгарди. Эски дўстлари билан алоқани узиб, ўқишга берилди. Талаба бўлди, тўрт йил мобайнида онаси у ҳақда бирор ножоиз гап эшитмади. Ишга киргач янада маъсулиятли одамга айланди.

Уйда отаси йўқлигини билдирмайдиган бўлди.

Гунафша эса дастлабки икки йил ҳаётдан умидини узиб, ўзини шу кўйга солган кимсага лаънат айтиб яшади. Сўнг тақдирига кўникди. Ўқишга кириш бахти насиб этгач, ҳаётига маъно кира бошлади. Янги дугоналар орттирди. Мана, ишга жойлашгач... муҳаббатини учратди.

Сабоҳат опа ўтган кунларни эслаб кўзига ёш олди. Замирахон бошини ҳам қилди.

– Бир куни учрашамиз, дегандим-а, Сабоҳатхон. Мана, тақдир ўйинини кўринг. Комил ўғлим ҳозир батамом бошқа йигит. Ўша ишлардан сўнг ўзгарган. Ичкилик деганига яқинлашмай кўйган...

– Биладан... қизим у ҳақда гапирган. Мақтайди нукул... Аммо бу гаплардан Гунафша хабар топса...

– Йўқ, йўқ. Яхшиси, улар билмай кўя қолишсин. Гунафшани ўғлимга узатинг, қизим деб олиб кетай. Олдингиздаги қарзимни узай: Гунафшахонни энг бахтли келинчақлар қаторига киритай. Ўғлим билан саодатли бўлишсин. Комилга ҳам айтмайман. Келинг, Сабоҳатхон, сир сирлигича қолсин.

Сабоҳатга ҳам шу маъқул эди. Қизи ҳозир бахтиёр. Агар Комил қачонлардир ўзини азоблар чоҳига ташлаган инсон эканини билиб қолса... яна бахтсиз ҳаётига қайтади.

Аёллар хайрлашишди. Комилнинг амакилари қизнинг отаси билан ҳам ўзаро танишишгач, бир-бирларига маъқул бўлишди. Бир-икки борди-келдидан сўнг нон синдирилди. Ўша куни Комил ва Гунафшадан бахтли инсон йўқ эди дунёда...

– Мана, сизга айтгандим-ку, Гунафша. Сиз бўлса, онамдан чўчиб юргандингиз. Онам меҳрибон аёл. Сизни бир кўрибок ёқтириб қолдилар. Ҳеч қандай қаршилиқ бўлмади...

– Ҳа, Комил ака, бахтимга бунчалик осон ва тез эришаман, деб сира кутмагандим. Худди тушга ўхшайди-я...

– Сизни севаман, Гунафша. Дунёдаги энг бахтли аёлга айлантираман, кўрасиз!

Гунафша қизарди. Юзларини қўллари орасига яшириб, қувонч кўз ёшларини беркитди.

...Бир ҳафтадан сўнг тўй. Комил ва Гунафша келин кўйлак танлаш баҳонасида яна учрашишди. Ундан аввал эса хиёбонда айланишди.

– Икки инсоннинг йўллари бирлашар экан, ўртада бирор сир қолмаслиги керак, – гап бошлади йигит. – Агар менга айтадиган бирор гапингиз бўлса, айтиб олинг. Мен ҳам... ўз ўрнида сўзлаб бераман.

– Сир... – қиз ўйланиб қолди.

– Сир бўлмаса, мен билмаган ўйларингиз, кечинмаларингиз билан ўртоқлашинг.

– Кечинма... Унда майли. Сизга ҳалокатга учраганим ҳақида деярли гапирмаганман.

Чунки эслашни истамасдим. Бугун кўнглимни бўшатаман. Биласизми, ширакайф ҳолатда мени уриб юборган одам ҳақда кўп ўйлардим. Ҳа, у маст эди. Юзини кўрмаган бўлсам-да, ҳаракатларини илғаганман. Ўзини бошқара олмай, машинани тўғри мен томон ҳайдаган. Дастлабки йиллар уни қарғаб ўтдим. Мен бу аҳволда, у эса яйраб-яшнаб ҳеч нима бўлмагандек юргандир, деб. Онам ўша тунда уларни кечириб кўйиб юбормаслиги керак эдилар. Чунки ўша одамга айтар гапларим кўп эди. Ичимда қолиб кетди. Йигитнинг онаси ялиниб, ўғлини асраб қолган...

Гап шу ерига келганда Комил сергак тортди. Чунки... бу унга олис ўтмишидаги ўша хатосини ёдга солганди. Ишқилиб... тасодиф бўлсин, дея саволга тутди:

– Ўша куни қайси сана эди?

– 12 июнь 2007 йил. Бу кун ёдимдан чиқмайди.

Ўша! Комил туйқус бошига гурзи билан урилгандек ўрнидан туриб кетди. Кўз олдидан аввал ўша хотиралар, сўнг қиз билан танишган пайтлари тез-тез ўта бошлади.

– Нима бўлди, Комил ака?

– Ҳеч... давом этаверинг, шунчаки... дардингиз менга жуда яқиндек.

– Ҳа, шундай бўлганди. Кейинчалик уни эсламай кўйдим. Барини тақдирга йўйдим. Бироқ... сизни учратгач, сизга кўнгил кўйгач, ўша одамдан миннатдор бўла бошладим. Балки ўша ҳалокат содир бўлмаганида биз учрашмасмидик... Чунки мен ўша йилиёқ бошқа олийгоҳга кириб кетар, сизларнинг корхонангизга ҳам бормасмидим. Бир ёмон воқеа ортида нимадир яхшилик бўлар экан. Мана, мен сизни топдим.

– Топдингиз... Бахтлимисиз?

– Албатта.

– Агар... – Комил кўз ёшларини билдирмаслик учун юзини анҳорга буриб сўзларди, – агар ўша одамни кўриб қолсангиз, нима дердингиз?

Гунафша кулди.

– Сизга раҳмат! Комил акам билан бугун бахтлиман. Одамнинг бахтига биров тўғаноқ бўлолмас экан, бахтни инсон ўз қўллари билан яратаркан, дердим. Шунча йил сизни айблаганим учун кечиринг, аслида сиз ҳам бу фалокатни истамасдингиз-ку, деб тасалли берардим. Балки у ҳам қийналиб юрган бўлармиди?

– Ҳа, қийналган. Ахир... қийналмай бўладими?

– Тўғри. Хўш, энди навбат сизга. Сирингиз борми?

– Сирим... бор. Сирим шундаки, – Комил ҳаётларини ёлғон билан бошламаслик учун дадил қадам ташлади, – чиндан ҳам қийналдим. Ўша хатойим учун ўзимни айбламаган куним бўлмади: “ўша қиз омонмикин?” деб кўп ўйлардим. Қоронғуда юзига ҳам эътибор бермадим, эслаб қолсам бўлмасмиди, бир кун кўриб қолганимда кечирим сўрардим, дегич хаёллар ҳам кезарди миямда. Сизга азоб берганим учун мени кечиринг. Аслида бу нуқсон меники. Менинг айбим... Ўша тараллабеод, кўча йигити бўлган Комилни кечиринг. Сиз... мени тарбияладингиз. Ўша хатойим сабаб кўзларим очилди. Тақдир сизни менга яна бир бор рўпара қилди...

Гунафша лол бўлганча, Комилдан кўзларини узолмай қолди. Тақдирнинг бундай ўйинини ҳар иккиси ҳам кутмаган, шу сабаб анчагача сукут ичра қолишди. На йигит, на қиз бир сўз дейишга журъат этишолмасди... Ичидаги икки куч билан олишган қиз ахийри ўрнидан турди:

– Комил ака... келин кўйлак танлашга борамизми?

Йигит билан қиз йўлка бўйлаб бирга кетдилар. Шундан сўнг улар бу мавзуда бошқа сўз очишмади...

Комил аҳдида турди. Тўйдан сўнг Гунафша дунёдаги энг бахтли аёл санади ўзини...

МУҲАББАТ ВА САВДО

– Шу чиройинг билан ҳар қандай шахзодани олдинда тиз чўктириб, умр бўйи тиллага кўмилиб яшайсан, – дейишарди дугоналари унга ҳавас ила боқиб.

– Бу чиройинг ҳали сенга бахтсизлик келтирмасайди, – дейишарди дугоналари унга ҳасад билан қараб.

Жамила эса бу гапларга парво қилмасди. Чунки у ўзини гўзал ҳисобламас, чиройидан сўз очганларга, “Худонинг яратган оддий бир бандасиман-да” деб кулиб қўярди.

“Шундай нодир жавоҳирни ким қўлга киритаркин”, дея гаров боғлаган йигитлар ҳам кўп эди. Аммо ҳалигача қизни бирор йигит билан кўрганлари, гаплашганини сезганлари йўқ. Уни ошқора, ундан ҳам кўпроқ пинҳона севган йигитларнинг ҳисоби-чи... Бу паҳлавон қишлоқ йигитлари ичида Шавкат бойваччанинг ўғли Мавлон етакчи эди. Қани унинг олдида биров қизга зимдан кўз ташлаб кўрсин-чи!

– Барибир Мавлон Жамилани ҳеч кимга бермайди, овора бўлиб юрманглар, – дейишарди йигитнинг ошналари.

– Кўз олайтирганини Мавлон “кўпкари” қилиб шундай тепадикки, исмини ҳам эслолмай қолади, – дерди ҳойнаҳой Мавлондан калтак еганлар.

Бу гаплар Жамиланинг қулоғига етиб бормасмиди? Борарди, албатта. Ҳар қандай чиройли қиз ҳам бундай мардона қасамлардан суюнмайдими? Суюнади, лекин Жамила эмас. Унинг орзусидаги шахзода бутунлай бошқача эди...

Янги ўқув йили бошлангач, коллежга пойтахтдан бир ўқитувчи йигитни жўнатишганини айтишди. Ўқитувчилар тайёрлайдиган институтда ўқиганмиш, ўзи бошқа вилоятлик бўлсаям, чекка бир қишлоқда ёшларга таълим беришни истаб келганмиш. Бу гапни эшитган қишлоқ аҳли тоза кулишди. Шундай пойтахтни ташлаб, топиб келган жойини қарангу, буни...

Жамиланинг касб-ҳунар коллежини битирар йили эди ўшанда. Йигит уларга тарихдан сабоқ бера бошлади. Унинг бошқа домлаларникига ўхшамайдиган аллақандай сеҳрли маърузаси ўқувчиларни тек қотириб, дарс тинглатарди. Улар орасида энг билимга чанқоғи ҳам Жамила бўлди.

Коллежни битириш арафаси. Май охирлаб, иссиқ ёз кирар пайт. Ҳамма ўқувчилар битириш кечасига тайёрланиш билан банд. Қишлоқдаги ягона, Шавкат бой ташаббуси билан қурилган тўйхона бугун коллеж битирувчилари учун ажратилган. Оқшом тушиб, ҳамма битирувчилару домлалар йиғилгач, қишлоқдаги илк ёшлар базми очиб берилди. Авваллари бунақа кечалар қаёқда эди? Мана, янги домланинг таклифи билан диплом бериш маросими ҳам ташкил этилди.

Мавлон бу ернинг хўжасидек гердаиб юрибди. Ўзи коллежни икки йил олдин тугатган, институтга эса тоби келмади, мана, қишлоқнинг энг олди бекорчиларидан. У аслида Жамилага дилрозини айтмоқ истагида бу ерда ҳозир эди.

Тантанали диплом топшириш маросими тугагач, рақс бошланди. Барча ўзи билан ўзи: кимдир даврада тинмай сакрайди, кимдир севимли устози билан хайрлашади, кимдир келажакдаги орзуларини дўстига сўзлайди, кимдир эса зимдан муҳаббатини кузатади.

Охирги қатордагилар ичида ўша янги устоз ҳам бор. Бу кўз қарашлар ярим йилдан бери негадир пинҳона. Лекин кўздаги дилдагини яширолармиди? Қанчалик яширишга

уринмасин, бу нигоҳлар ўзига қадалганини сезмайдами Жамила? Сезганда қандок. Ахир ўзининг ҳам юрагини сирли туйғулар забт этган бўлса!

Устоз ва Жамиланинг йўқолиб қолганини биров сезмади. Ошналари билан “қиттай” олволган Мавлон ҳам бу ерга нега келганини эслолмайдиган даражага етганда, уйига судраб кетишди.

Сой бўйи... Қишлоқда нечта севишган бўлса, ҳаммаси шу ерда изҳор айтиб, изҳор эшитган бўлса ажаб эмас. Бугун улар орасига янги жуфт кўшилди. Лекин... бошқалардан фарқли равишда, улар жим. Фақат кўзлар сўзлашади. Йигит гапга нўноқми ё қиз уятчанми, ким билади? Лекин шуниси аниқки, гаплашмасалар-да, улар бир умр бирга бўлишга келишиб олганлар. Бу келишувга тиллар эмас, юраклар қасам ичган.

Қишлоқда гап турармиди? Ёз адоғига етмай, Жамиланинг “кўзи кўру қулоғи кар” бўлгани аён бўлди. Ҳамма ҳайратда эди. Шундоқ чиройли қиз... қаердаги нимжон, одмигина, кўзойнакли, доим битта кўйлагу шимда юрадиган бу йигитни ёқтириб қолиши мумкинми? Бунинг устига етим экан. Исми ҳам ўзига мос: Олим.

– Ўзи дарсада бир-бирига кўз сузиб ўтиришларидан маълум эди, – дейишди ўқувчилар.

– Домла ҳам ичидан пишган экан. Нега келиб-келиб бу ерга келди десак, нияти бузук экан, яшшамагурни! – дейишди ўқитувчилар.

Янги ўқув йилидан Олим дарс ўтмайдиган бўлди: қаршилик қилишди. Ўз ўқувчисининг «бошини айлантиргани» учун қишлоқдан бадарға бўладиган бўлди. Айниқса, Жамиланинг уйидагилар буни билгач, ўқитувчининг олдига бориб, айтадиганини айтишди.

– Икки дунё бир бўлсин, илло, қизимни узоққа, таг-зоти номаълум келгиндига бермайман!

Жамилани бўлса уй қамоғи кутарди. Йигит кетар куни, уйдан яширинча бир амаллаб чиққан қиз аянчли воқеа устидан чиқди. Қишлоқ четида йиғилган Мавлон бошчилигидаги йигитлар Олимни дўппослашарди. Кўзойнаги учиб кетган йигит уларнинг хумордан чиқишларини кутиб тишини тишига босганди. Жамила югуриб бориб уни муштлардан пана қилди.

– Қўлинг синсин, Мавлон! – деб бақирганини ҳамма, гўё бутун қишлоқ эшитди.

Ошналари олдида нафсонияти ерга урилган Мавлон қизга яқинлашиб деди:

– Олақол, етимчангни. Лекин билиб қўй, ҳали оёғимга тиз чўкиб ялиниб келасан! Ўшанда... ўзим биламан нима қилишни. Қадримни билмадинг! Хор бўласан!

Йигит кетди. Қиз қолди.

Жамила яшайдиган ҳовли эшигининг турумини бузаётган совчилар сийраклашди. Ҳамма қизнинг биров билан «гаплашиб кўйганидан» хабардор-да. Шундай бўлса-да, ҳафтада бир совчи юборишдан чарчамайдиган Мавлон бўлиб ўтган гапларга қарамай, қиздан воз кечмади. Қизининг “қилиғидан” кейин ташвишга тушган ота-она бу сафар Мавлонга розилик беришди. Жамила нон синдирилгандан сўнг бундан хабар топди.

Индамас одамдан чиқаркан-да ўзи бутун бало. Тўйга уч кун қолганида Олимни қишлоқда кўришибди. Ўша куниёқ уйида пашша учса сезадиган Каромат опа Жамиланинг уйдан қандай чиқиб кетганини сезмай ҳам қолибди. Хуллас, йигит қизни олиб қочиб кетгани маълум бўлгач, бутун асрга етгулик гап топилди қишлоққа.

Шаҳарда ижарага уй топишиб, Олимнинг дўстлари иштирокида кичиккина ўтириш – тўй бўлиб ўтди. Никоҳдан ҳам ўтишди. Олимнинг курсдош қизлари Жамилага “гувоҳ”, “янга” бўлишди.

Ота-она қизидан воз кечганини қишлоққа маълум қилди. Ҳамма ундан воз кечдию... Мавлон қароридан қайтмади. Ўқишга кириш баҳонасида пойтахтга кетди. Кирибдиям. Аслида эса шаҳарда фақат Жамиланинг изини қидирди. Олим ўзи ўқиган институтда дарс бераётган экан. Зимдан кузатиб ижарадаги уйигача топиб борди. Жамилани «дом» пастида ёлғиз учратди ҳам.

– Ярим йилдан бери бўларинг бўлгандир. На тўй, на оқ фотиҳа. Яшайдиган жойингни аҳволи... Етар энди. Менам ўқишга кирдим: юристликка! Ўтган гапларни унутдим, сенга ўзим уйланаман, сени ҳалиям севаман!

Жамила бир сўз демади. Қаҳрли кўзларидан жавоби маълум эди. Мавлондан ижирганиб ўтиб кетди.

Жамила бахтли эди. Жамила бахтсиз эди. Бахти севимли инсони ёнида эканлиги, бахтсизлиги ота-она олдида айбдорлиги... Олим эса умрида меҳр кўрмай ўсганиданми, еттинчи осмонда кезар, Жамиладек ёри борлигига баъзан ишонмасди ҳам.

Ўзи шунақа экан. Оғзи ошга етди, деганда... Олимни ишдан қайтаётганда йўловчи машина уриб кетибди. Бу ҳам етмагандек, ҳайдовчи Худо беҳабар эканми, йигитни ташлаб қочибди. Одам сийрак кўчада, шом қоронғусида жабрдийдани дўконга нонга чиққан аёл кўриб қолмаганида, Жамила бевага айланарди.

Шифохонага етиб келган Жамиланинг ёлғизлиги жуда билинди. Пойтахтда ҳеч кимни танимайдиган жувон кимга суянсин? Эрининг яшаб кетишидан кўра ўлими аниқ. Зудлик билан операция қилинмаса... лекин бунинг учун катта пул керак экан.

Жамила қишлоққа бориб ота-онаси қаршисида тиз чўкиб, минг маломат эшитиб бўлса-да пул олиб келишга рози эди. Лекин олис вилоятга қачон бориб келади? Бирдан хаёлига Мавлон келди. Ўзи ҳам ҳайрон, нега уни эслади? Пешонаси тиришдию, лекин унда пул кўплигини ўйлаб, уни нега ёдга олганини англади. Қаерда ўқир эди? Юрфакда, деганди-я.

Эрта тонгда институт эшиги ёнида ўтирган, кўзлари олазарак Жамилани кўрган Мавлон шу кунга таҳсинлар айтди.

– Сендан ёрдам сўраб келдим, Мавлон. У кишининг аҳволи оғир. Менга пул керак... қарзга, барини қайтарамиз, илтимос, қишлоқдошлик ҳаққи!

Мавлоннинг ҳафсаласи пир бўлди. У Жамила эридан айниб, ўзининг паноҳига келганига юз фоиз ишонганди.

– Ёнимга ялиниб келасан, дегандим-а? Айтганим бўлди! Лекин овора бўлма. Менга эринг эмас, сен кераксан!

– Номард экансан!

– Хоҳласанг... бераман қанча истасанг. Аммо берарнинг олмоғи ҳам бор. Айтганимга кўнармикинсан?

– Истаганингни сўра!

...Жамила сўралган пулни олиб борди.

Бир ой ўтиб Олим оёққа турди. Ёнида эса жилмайиб турган Жамилани эмас, ҳамширани кўрди. Уйга руҳсат теккач, уйдан ҳам тополмади хотинини. Қишлоқдан суриштирди... ўша ерда экан.

– Жамила қочоқ эси кириб қайтиб келибди! Домла ўлакса қилиб урганмиш... – дейишди ярим қишлоқ.

– Ундай эмас, Жамила биров билан юриб кетган экан, Олим тўрвасини тутқазибди, – дейишди қолган ярим қишлоқ.

Ота-она кўнгли тош эмас. Оёқларига тиз чўккан қизларини кечиришди. Эрта-

индинига совчилар келди. Мавлон томондан. Узоқ тортишувдан сўнг қиз тараф таслим бўлди. Тўй ҳаракати бошланди...

Мавлон шаҳарга кетиб, икки кунда қайтиб келди. Ёнида Олим... Кўрганлар Мавлон Олимнинг кўзини куйдиришга олиб келибди-да, деб томошанинг давомини кутишди. Тўй ўша – қишлоқдаги ягона тўйхонада бўлди. Келин ястаниб даврага чиқди. Ёнида эса... савлат тўкканча домла турарди! Мавлон куёвжўра. Ҳамма лол, ҳамма ҳайрон. Бу сирдан фақат Мавлон тарафу, Жамила тараф хабардор. Келин-куёв катталардан оқ фотиҳа олиб, ўриндиққа чўкишди.

Мавлон гердайган йигит, лекин тошюрак, номард эмас. У севади, лекин севганини йиғлатмайди. У икки гул ўртасига тушадиган тиканак бўлишдан кўра куйиб кул бўлишни афзал билади. У севгани бахтидан кулади. У Жамила Олим учун ҳар қандай шартга розилигини эшитган куни уларнинг муҳаббатига тан берган! Мавлон томондан келганлар Олимнинг номидан совчиликка келишганди. Мана, бугун Жамила билан тузилган “савдо”лари ҳам пишди. Энди уларни севинч кўз ёшлари билан шаҳарга кузатиб қолишади...

Қишлоқдагилар бу сафар нима дейишга ҳайрон. Охир-оқибат ҳамма икки ёшнинг муҳаббатига тан беришдан бошқа илож топмади...

ЁНИНГДАГИ БАХТ

Нимадир бўлди-ю, Нафиса ўша куни кир ювиш машинасини ололмай қайтди. Ўзи ҳам билмайди, балки эри билан бирга чиқмагани учун аччиқ қилдимиз? Нима бўлганда ҳам, уйига қуруқ қайтди. “Эрта-перта оларман, қочиб кетмас”, ўзини юпатди у.

Уйга келиб, ювиниш хонасига кирди-да, бир четда уюлиб турган кирларга кўзи тушиб, “Нега олиб келавермадим-а”, деб яна ўйланди. Бу фикрлардан чалғий деб, овқатга уннади. Сувини қуйиб қўйиб, дарров уйининг орқасидаги боғчадан қизчасини олиб чиқди. Дастурхон тузаб турганди ҳамки, уйга эри кириб келди. Негадир ҳорғин кўринади, бугунги иши кўнгилдагидек кечмадимикин, хаёлидан ўтказди Нафиса.

– Ассалому алайкум, Раҳим ака, чарчамай келдингизми?

– Тузук, – деди эри костюмини унга узатиб, ювиниш хонасига ўтаркан. – Ие, кир машина олмадингми? – деди бироздан сўнг қандайдир қувонч аралаш.

Нафисанинг ичидан қиринди ўтди. Доим шунақа қилади: Нафисага ёқмайдиган иш бўлса, у қувонади. Аслида ҳар сафар эри унинг кўнглини кулгу билан кўтарай деб ҳазиллашар, аммо бу сафар Раҳим чиндан ҳам хурсанд эди.

– Ҳа, кўнглимга ёққани учрамади...

– Яхши... сениям кўнглинг сезгир-да, Нафис.

Эрининг бу оҳангда гапириши аёлга маълум – бир нима илтимос қилмоқчи.

– Муддаога ўтақолинг, энди, дадаси, – деди дастурхонга ўтиришгач.

– Хуллас, бугун ишларнинг бари тахт бўлди-ю, бирозгина пул етмай турибди. Мўлжалимдан сал баланд нархда экан.

Нафиса қошини чимирди. Билади, эри ҳам бу кунни узоқ кутган, кўп меҳнат қилган. Агар бугун ўша ускунани сотиб ололса, кичик тадбиркорлик фирмасига ҳам сал шабада тегарди. Ахир шу ускунасиз ишлари юришмай турганди-да.

– Яна қанча керак экан? – ютиниб сўради Нафиса.

– Икки миллионча...

Нафиса чой янгилаш баҳонасида ошхонага ўтди. Аёл бир йилдан бери ўша “ҳамма ишни ўзи қиладиган” кир ювиш машинаси учун пул йиғади. Ҳар ойлигидан 60-70 мингга бир четга яширади. Ахир эри билади-ку, буни қанча кутганини! Мана, энди пули қандайдир тақир-тукур учун сарф бўладиган бўп турибди. Эри унинг ичидагиларни уққандай, ичкаридан овоз берди:

– Ишимиз юришиб кетса, бир-икки ойдаёқ даромаддан сенга зўр кир машина олиб бераман, Нафис, хўп деякол, энди, гўзалим!

“Ана, аврашга ўтди”, ўйлади Нафиса. Эҳ, нимаям қиларди, беради-да шу ўлгур пулни.

– Майли, – деди ичкарига киргач, – ўзингиз биласиз.

Раҳимга ҳам хотинининг феъли маълум. “Ўзингиз биласиз”, дедими, демак, у эрига тамоман қарши.

– Сўз бераман, хотинжон, биринчи даромадим сеники!

Хуллас, ўша куни Нафиса шалвираб қолаверди. Эрталаб эрини ишга кузатгиси ҳам келмай, боши оғриётганини баҳона қилиб ётиб олди. Раҳим унга бош оғриқ дори билан сув келтириб мажбуран ичирди-да, “қизимизни ўзим боғчага ташлаб ўтаман”, деб чиқиб кетди. Тўрт йиллик турмуши давомида эрини бирор марта ҳам нонуштасиз ишга жўнатмаган Нафиса афсусланиб турса-да, кир машина хаёлига келиши билан улар тумандек тарқаб кетарди. Сал туриб, эринчоқлик билан кийинди. Мактабдаги иши иккинчи сменадалиги учун шошмай эшикдан чиққанди ҳамки, бир қизга туртиниб кетаёзди.

– Кечирасиз, –узр сўради қиз, – Аҳмедов Раҳим шу ерда турадиларми?

– Ҳа, – деди Нафиса ҳайрон бўлганча.

– Мана, ташхис натижалари чиқди, – қиз унга конверт тутқазди.

Нафисанинг ёдига тушди, тунов куни эри қорни оғриётганлигидан шикоят қилганди. Аёл қатик ичиб юринг, ошқозонингиз бузилган, дедию барибир кўнгли бўлмай, шифохонага юборди. Жавобни ўзлари уйга ташлаб кетишади, деб айнан шу шифохона манзилини берганди эрига. Мана, дарров тайёр бўлибди.

Нафиса қизга раҳмат айтди-да, эшикни очиқ қолдириб, остонада уни ўқишга тутинди. Кўп жумлаларга тушуниб-тушунмай, касаллик номини излай бошлади. Бирдан кўзлари “саратон” деган сўзга тушди-ю, юраги орқасига тортиб, чўккалаб қолди...

...Раҳим ишдан қайтса, овқат тайёр эмас. Аста хотинига разм солди. “Ҳалиям хафа”, ўйлади у ва Нафисанинг бурнидан чимдилади.

– Қовоғингизни очинг, энди, ишим битди. Раҳмат, хотинжон!

Аёл синиқ жилмайди-да эрини кучди.

– Арзимади. Бу нима бўпти. Ахир сизга... жонимни ҳам...

– Ҳай-ҳай жонингиз ўзингизга керак, чунки ўзингиз менга кераксиз, унутманг, хўпми!

Эрининг сизлаб мулозамат қиладиган одати бор: кайфияти чоғ бўлганда шунақа қилади.

– Узр, овқат қилолмадим, сиз билан бугун бир жойга борсак. Қизимизга синглим қараб туради, бугун бир айланайлик...

Нафиса эрини ўша севишган пайтлари доим бориб турадиган тамаддихонага

таклиф этди. Охирги марта ўтган йили Нафисанинг туғилган кунда ўтиришгандиёв. Кейин эса... рўзгор билан ўралашиб, бу ерга келмай ҳам қўйишди. Эрининг кайфияти янада кўтарилди. “Бу дардни фақат хурсандчилик, бахт билан енгил мумкин... бошқа ҳеч нима”, хаёлидан ўтарди Нафисанинг.

“Нега айнан унинг эри бўлиши керак?” Бу фарёд қанчалик бўғзини куйдирмасин, аёл сездирмасликка уринарди. Бугун кўз олдида эри билан ўтган дамлари жонланиб чиқди. Илк танишувлари, муҳаббат изҳорлари, энг гўзал кун – тўйлари, фарзанди туғилганида Раҳимнинг қанчалар шодлангани... Наҳот, булар якунига етса! Наҳотки, бахтининг санокли онлари қолган бўлса?! Билади, Нафиса билади бу касаллик ҳақида. Шунинг учун ҳам бағри хун. Ўтган йили бир ҳамкасби шуни деб оламдан кўз юмганди.

Йўқ, эрига айтмайди. Айтишнинг кераги йўқ. Аммо ўша сўнгги кунгача уни энг бахтли инсонга айлантиради. Ҳа, сўнг эса... билади, эрисиз ҳаётнинг унга кераги йўқ. У ёғига эса қуруқ шарпаси яшайди, ҳа, агар қизи бўлмаганида-ку, эрининг ортидан...

Раҳим эса қатиқ ичиб, ошқозони оғримай қолганидан гапирарди. Ўша кеча Нафиса илк бор ношукур эканлигини сезди. Нега шу пайтгача эри ёнида соғ-омонлигига, қизалоғи ота-онали, бекаму кўст яшаётганига ақалли бирор марта шукур қилмади. Кир машинани деб эрига терс қарагани-чи? Ҳатто нонушта тайёрлаб бермади-я. Унинг кўнглини оғритди қандайдир матоҳни деб!

Уйга қайтишгач, эри ўша шифохонадан сўз очиб қолди.

– Жавобини билиб келсаммикин?

– Йўқ, йўқ, – деди аёл шоша-пиша. – Айтдингиз-ку, оғримаяпти, деб. Сиз соғломсиз, менга ишонинг.

Раҳим жилмайиб қўйди-да, аёлини беозор кучди...

Орадан бир ҳафталар ўтгач, Нафиса эрини айланиб-ўргилиб ишга кузатгач, эшик қаттиқ тақиллади. Очса, ҳалиги шифохонадан натижаларни олиб келган қиз. Аёлнинг юраги така-пука бўлди. “Эй, худойим, тинчлик бўлсин-да”

– Кечирасиз, – минг хижолат билан тилга кирган қиз аёлга кўзларини тикди. – Мени эслаяпсизми?

Нафиса бош ирғади.

– Мен ҳалиги... ўшанда... таҳлил натижалари алмашиб қолган, кўринади.

Нафисанинг боши айланди. Бу қиз унинг устидан кулаяптими? Қанақасига адаштиради, бари равшан эди-ку! Эрининг исми ҳам бор ўша қоғозда.

– Қанақасига, ахир...

– Ўша пайт бошқа бир мижоз ҳам анализ топширганди. Ёнма ён турганди... ким билади, кимдир таҳлилларни чалкаштириб... У одамга касали йўқлиги ҳақида қоғоз юборгандик. У одам қайта текширтириб, саратонга йўлиққанини билди. Эрингиз яхшими ўзи? – Қиз ҳамон хижолат чекарди. – Яхшиям, анави киши қайта текширтди, шунда билиб қолдик. Хуллас, эрингизни қайта текшириб кўрсак. Балки англашилмовчиликдир...

Нафиса нега деганига қўймай, ошқозонингиздан хавотирдаман, деди-да ўша куниеқ Раҳимни шифохонага етаклади. Жавобини сабрсизлик билан кутарди. Раҳимни ишига жўнатиб юборди. Ниҳоят, ҳамширадан жавобларни олди-да, қўллари титраб унга кўз югуртирди. Ҳеч нимани тушунмай, ҳамширага узатди.

– Ҳеч қандай касаллик йўқ. Фақат кўпроқ суяк овқат есин, ошқозонига оғирлик қилаяпти.

...Нафиса уйга келиб, белига фартукни ўради, мастава қилишга киришиб кетди. Бугун дунёдаги энг бахтли аёл ўзи эканлигини, унга эридан бошқа ҳеч нима керак

эмаслигини ҳис этар, кир машина ҳақида эса ўйлашни ҳам истамасди.

ИШҚНИНГ ИЛИҚ ТАФТИ

Кутубхона иккинчи уйи эди унинг. Бу ернинг ўз тафти бор, илиқ тафти... Баъзан кун ўтганини ҳам сезмай ўтираверади. Ёнидаги стулни ҳам “банд” этган. Тушдан сўнг бу ерда ўқувчилар кўпаяди. Жой етишмайди мўъжазгина бу кутубхонада. Аммо шунда ҳам ҳеч ким унинг ёнига ўтирмайди. Қандайдир... жирканиш бор бунинг ортида. Одамлар ўзини сал тортади уни кўриб. Чунки... нозиккина, оппоқ бармоқлари иштиёқ билан китоб варақлаётган бу қизнинг юзи кўрқинчли даражада куйган. Илгариги инжа, олча лаблар бугун қорамтир тусда, камон қошлар найза киприкларнинг эса ҳатто изи ҳам йўқ. Куйган юзда фақатгина чарос кўзлар чарақлаб туради, холос...

Ҳар гал бу ерга келганимда биринчи бўлиб уни излардим. Топгач негадир тин олардим-да, китоб ўқишга тутинардим. Зериккан пайтларим эса уни кузатардим... Чарос кўзли қизнинг кўлида қалин китоб. Синчиклаб қарайман: «Телба», Достоевский. Деярли тугаллаб қопти. Бу қиз билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Ботинида нима зоҳир, қалби не деб уради... ким деб? Номалум. Фақат кутубхоначи аёлгина унга яхши муомалада бўлади. Сўраган китобини бенавбат топиб берар, унинг жойини келгунича асрарди. Кутубхонанинг илиқ тафти бор эди. Чарос кўзли қиз келибдики, илиқ тафти бор...

Бир кун у келмади. Эртасига ҳам... Бўш ўрни бир ҳафтача қаровсиз қолди. Сўнг янги аъзолар эгаллади. Баъзан уни эслаб қолишарди.

– Ҳалиги куйган қиз кўринмай қолди-я?

– Эҳтимол оқ отда шаҳзодаси келиб олиб кетгандир?

– Ким билади, ким билади...

Жавондаги муштоқ китобларгина хўрсинади... улар билади-да, қизнинг юрак сирларини. Вақт ўтиб чарос кўзли қиз, куйган қиз, бебахт қиз номи унутилди. Балки мен ҳам унутардим. Токи жавондан «Телба»ни топмагунимча. Уни кўлимга олишим билан ичидан бир нима ерга тап этиб тушди. Кундалик. Бежиримгина. Варақладим, турли саналар ва битиклар... Орасида бир сурат: юзидан илиқ тафт уфуриб турган баҳордай нафис қиз. Бениҳоя гўзал – содда ва самимий гўзал. Кўзлари таниш ... чарос ва чақноқ кўзлари. Сурат орқасида чиройли хуснихат: «2008 йил. Баҳор. Бегзод акамга эсдалик учун». Битикларга кўз ташлайман – деярли беш йиллик умр хотиралари. Кундалик охирида эса мактуб.

«Қадрли Бегзод ака! Бу дард мени кундан-кун ўз домига тортмоқда. Кўзларимни бир лаҳзага юмсам ҳам ўша воқеа гавдаланаверади. Жон-жаҳди билан юзимга ташланаётган олов... Мана, неча ойки сизнинг мактубларингизни жавобсиз қолдирмоқдаман. Нима ҳам дердим, Бегзод ака? Навбатчилик куним касалхонада ёнгин чиқди. Биласиз, болалар шифохонаси, ёрдам келгунча беморларни ташқарига олиб чиқишга шошилдик. Битта палата тўрт томондан оловга беланган экан, ичида 4 яшар болакай... Оташ қаърига кирганим эсимда. Қолганини билмайман – ёнаётган дераза рахи юзимга тушганмиш, эшитишимча. Энг муҳими... болакайни асраб қололдим. Бир ой касалхонада даволандим. Энди мен... сиз суйган Чарос эмасман. Бу сўзларни сизга ёзолмадим. Буни битишга менинг қўлларим, ўқишга эса сизнинг кўзларингиз чидамас эди. Ишдан кетдим, ўша воқеани такрор-такрор эслашни истамасдим. Кунларим кутубхонада ўтаяпти. Мени

малолсиз қабул қиладиган макон ҳам шугина энди. Яқинда сиз ҳарбий хизматдан қайтасиз. Биламан, келибоқ мени излайсиз. Бироқ кўришмасликка аҳд қилдим. Энди сизга муносиб Чаросингиз эмасман. Мени унутинг, изламанг. Хайронман, нега бу хатни ёзаяман ўзи? Ахир уни барибир сизга ҳеч қачон бермайман-ку?! Юрагингиз алам чекмасин. Мен тоққа – холаманкига кетаяпман. Қачон қайтаман, номаълум. Соғинчларим сизни омон сақласин. Бахтли бўлинг. Чарос».

Кундаликни жойига – китоб қаърига беркитдим-да, жавонга қўйдим. Мактубни эса сумкамга. Чарос келади, албатта келади...

Уни кўп кутдим. Ниҳоят кунлардан бир кун...

– Кечирасиз, опа, Чарос исмли қиз шу ерга аъзо эмасми мабодо? – кутубхоначи аёлдан синиқ товушда сўради бир йигит. Аёл унга тикилди.

– Бу ҳалиги Чаросми? Юзлари...

– Ҳа, ҳа, ўша... – йигитга жон кирди. – Чарос... у қаерда? Шу ердами?

– Йўқ, анчадан бери кўринмайди.

Йигит яна маъюс тортди.

– Уни суриштириб кутубхонага бораётганидан хабар топдим. Кутубхоналарни кезиб чикдим. Бу охиргиси эди... аммо у йўқ.

Йигит кетишга чоғланди. Мен ҳам ўрнимдан турдим. Ёнига яқинлашиб ўша мактубни тутқаздим.

– Бу сизнинг номингизга...

Кўп ўтмай Чарос келди. «Телба»дан кундалигини олиб кетди. Ёнида ўша йигит... Чарос турмушга чиққач шу кутубхонада ишлай бошлади. Мўъжазгина бу кутубхонанинг тафти бор эди. Илиқ тафти...

ЙЎЛОВЧИ

– Кўзингизга қарасангиз-чи, ҳой! – йигит тармозни қаттиқ босгач, ҳозиргина машинасининг тагига кириб кетишига бир баҳя қолган йўловчига бақирди. Сўнг дарҳол автомобилдан тушиб, йўл ўртасида қаққайиб турган ўзи тенги йигитнинг ёнида ҳозир бўлди: – Кармисиз, нима, сизга гапираяпман? Сал қолса, босиб кетардим...

– Яхши бўларди...

Маъюс шивирлаш ҳайдовчи йигитнинг шаштини пасайтирди. Йўловчи ўйчан нигоҳларини узоқларга тикканча чайқалиб юра бошлади. “Аниқ бир фалокатга йўлиқади, маст кўринади”, ўйлади ҳайдовчи.

– Юринг, манзилингизга ташлаб қўяман.

Аммо йўловчи уни эшитмагандек тентираб кетаверди. Ҳайдовчи унинг биллагидан ушлаб, машинаси томон судради.

– Ўтиринг! Бу алфозда кўчада қоласиз! Изғиринни қаранг ўзи...

Йигит унга бўйсуниб машинага ўтирди. Унчалик маст ҳам эмас экан, қандайдир ҳардамхаёл...

– Қаерга борамиз? Манзилингизни айтинг.

– Энди борар манзилим йўқ... Муҳаббат номли уйдан ҳайдашди. Қаҳратонда қолдиришди...

Йўловчи йигитнинг телбанамо сўзларидан ҳаётида қандайдир ёмон ҳодиса юз

берганини англаган ҳайдовчи унинг ҳолатини сал тушунгандек бўлиб, машинани ўз уйи томон ҳайдади.

Уйига етиб келгач, йигитни меҳмонхонага бошлади. Аччиққина кўк чой дамлади. Йўловчи ўзи бир дардқашга муҳтож эканми, суҳбатлари ярим тунгача чўзилди.

– Бугун у менга таклифнома тутқазди... шунчаки, худди ўртағизда ҳеч нима бўлмагандек. Қизиқ, бу хабарни эшитиб юрагим тўхтаб қолса керак, деб ўйлагандим. Ҳалиям яшаяпман...

– Бевафо денг... – ҳайдовчи йигит бошини сарак-сарак қилди. – Эҳ, бу замон қизларига ишонч йўқ ўзи. Шунинг учун менам қизларга ишонмай, келин танлашни онамга топширгандим. Ўзларига ёққан қизни танладилар. Яқинда тўйимиз... Ҳақиқий севги-муҳаббат тўйдан сўнг пайдо бўлади. Сиз бу ўткинчи ғам-аламга кўпам берилманг, дўстим. Вақт барига даво.

– Беш йиллик муҳаббатимга вақт қачон даво бўлар экан? «Нега» деган саволдан кутула олармикинман? Энди бировни у каби сева олармикинман? – йўловчининг кўзига ёш келди. Билдирмаслик учун чойдан хўплади.

Ҳайдовчи унинг елкасига қокди:

– Ўзингизни қўлга олинг! У кўз ёшларингизга арзимас экан. Такдир сизнинг фойдангизга ишлаган: бир субутсиз жуфтдан кутқарибди.

Йўловчи аламли кулди. Қўйнидан таклифномани чиқариб ғижимлаб ирқитди.

– Қачонлардир «сизни севаман» деб пичирлаган лаблар, қулоқларимни қитиқлаган зулфлар, шу каби қаҳратонда қўлларимни иситган кафтлар, фақат менга қадалган нигоҳлар... энди тамоман бегонага насиб этмоқда. Аммо у буни шунчалик табиий қабул қилдики... муҳаббатимиз учун курашишни истамади. Ота-онасининг сўзидан чиқа олмаслигини айтди.

– Шунча вақт... нега ўзингиз совчи юбориб розиликларини олмагандингиз?

– У тенгим бўлганида биз аллақачон бирга бўлардик. Дунёда мансаб, пул, бойлик деган нарсалар ҳам борки, ҳамиша муҳаббат йўлига ғов бўлиб келган. Унинг отаси сарфлаган бир кунлик пулни ота-онам бир ойда ҳам топа олишмайди. Лекин мен доим ўз кучимга ишониб келганман! Кунни кеча лавозимим кўтарилди. Энди отаси розилик берар, деб севганимдан суюнчи олишга ошиқдим. У эса... «суюнчи»ни аллақачон ҳозирлаб қўйган экан!

– Ҳа... қиз бола кўп ҳолатда отасига қарши чиқа олмайди. Уни ҳам тушунинг.

– Такдир... ҳай, майли. Тунда сизни ҳам безовта қилдим. Энди кетай...

– Эрталаб кетарсиз. Ёки элтиб қўяй...

– Раҳмат, ҳожати йўқ. Уйим шу атрофга яқин. Онам кутиб қолгандир...

Икки йигит қуюқ хайрлашди. Йўловчи негадир енгил тортган, совуқ ҳаво захри юзини чимдиласа-да, шахдам кетиб борарди. Бу изғирин унга нима бўпти? Ҳали ҳаётида баҳорлар келади...

Ҳайдовчи йигит бўлса уни кузатгач, меҳмонхона диванига чўзилди. Ўз ҳаёти, бўлажак умр йўлдоши ҳақда ўй сурди. Бор-йўғи икки марта кўришган бўлсалар-да, бу қиз ўзига ипдек боғлаб олди. Йигит у билан бахтли бўлишига ишонади...

Шу пайт кўзлари стол тагида ётган бояги таклифномага тушди. Йўловчи уни қолдириб кетибди. Беихтиёр уни очди. Очдию... ҳайрат тўла кўзларида боягина ёниб турган туйғу ўрнини кучли оғриқ эгаллади: ўша сана, ўша ресторан, ўша...

Таклифномада ўзи ва бўлажак рафиқасининг исм-шарифи ёзилган эди...

ВИДО

– Анов келин яна улингиз билан гаплашяпти, хай, тулинг! – пинакка кетган чолини туртди Улбўлсин ая.

– Оббо, тагин эсига тушипма! – сесканиб кетди Мўмин чол. – Бир жилдан бери унутиб кўйган, девдинг-ку, кампир.

– Бир Худо биледи. Унутдими, жўкми, билмадим-у, хозир оғилга кирсам, пичир-пичир... мундоғ мўраласам, «Тўхтасин ака», деб гап бошлаб турибди. Тагин бизга билдирмай гаплашиб юрган чиқмасин. Айтувдим-а, буни бир нима қилайлик, деб!

– Бировга кўнмаса нима дейсан? Уч жил бўлди, остонамиздан кетмади, омон бўлгур. Биттагина боласи бўлсаям, майлийди...

– Хаҳ, улим-а, – қароқларини этаги билан артди Улбўлсин ая, – ортидан бир из қолганида, келинни кет, дермидим. Кечаям қаттиқ койидим. «Эр қил, эр қил, ёшинг ўтяпти! Энди йигирма иккига кирдинг, жонинг омон бўлгур»... Қайда дийсиз, отаси, бошини эгиб жим тураберади. Кетмайди.

– Ўзидан сўрадингма? Тўхтасин билан гаплашяпсанми, деддингма?

– Йўғ-а, кўрқдим.

– Энағар табиб даволадим, деганди-ку ахир!

– Азайимхон ҳам жинларни қувдим, энди келмайди, деганди, алдабди ҳаммаси. Фолбинга ишониб қўй сўйдим. Мушкулқушод ҳам тушурдим. Неча марта ўқиттирдим, дам солдирдим. Лўли кампир уй ичини тутатиб чиқди. Қайдам, отаси... яна топишволди булар.

– Ўтган сафарга ўхшаб... – чол томоқ кирди.

– Юрагимни хижил қилманг, – кампир ташқарига олазарақ боқди. – Ҳамма арқонларни обчиқиб ёққанман ўшанда. Арқон уйга кирмасин, деб мол-холни ҳам йиғиштирдик-ку... яна оғилга кирвопти.

– Хабар ол мундоғ, гап сотгунча...

Кампир ёшига ярашмаган чакқонлик билан айвондан тушиб, яна оғилга қараб чопиб кетди.

Аммо Санам аллақачон у ердан чиқиб, кир ювишга ўтирганди. Ая унинг ёнига бориб бир нима дейишга ботинмади. Аввал ҳам неча гаплашишга уринган, аммо келини сир бой бермайди. Бирдан кампирнинг эсига ён қўшнисининг пойтахтда ўқиб келган ўғли тушди. Айтишларича, зўр дўхтирмиш. Шаҳарда об қоламиз, дейишсаям, йўқ, деб шу чекка қишлоғига қайтиб келибди. Туман шифохонасига ишга жойлашди. Ўзи-ку, Улбўлсин ая дўхтирларга унча ишонмайди. Аммо начора, ўзи билган чоралар кор қилмади. Чиқмаган жондан умид, балки шу бола билар келинининг дардини.

Кечки маҳал қўшнисиникига ўтди. Йигит ишдан келган экан, унга бор гапни айтди.

– Ҳм... тушунарли. Келинингизнинг аҳволи жиддий, хола. Рухшуносга кўрсатиш керак.

– Унинг нимаси энди, болам?

– Одамнинг руҳини даволайди. Келинингизнинг жисми соғ, аммо кўнгли шикаста. Бизда бундай мутахассислар йўқ, афсуски. Тошканга борсангиз, ўзим адресини бераман, яхши рухшунос бор. Рухий касаллар шифохонасини топиб борсангизлар бас.

– Вой, ўлай, жиннихонами?

– Йўқ, хола, ундай деманг. Рухий ҳаста дегани жинни эмас. Ҳали кўрасиз, даволангач, келинингиз ҳеч нима кўрмагандек бўлиб кетади.

Шу бўлдию, чолини кўндириб, ая келинини олди-да, қайдасан пойтахт, деб йўлга тушди. Ўйлаганидан анча узоқ экан. Умрида даштидан нари чиқмаган ая шаҳарга келиб гангиб қолди. Кўча-кўйда учраган одамдан манзилни суриштириб шифохонани ҳам топиб келишди. Санам эса доимгидек жим, гўё бу ерга уни эмас, қайнонасини даволагани келишгандек, анграйиб ўтирарди.

Беморни қабул қилган рухшунос уни обдон текширди. Сўнг Санамдан ҳаммасини бир бошидан гапириб беришини сўради.

– Шу... – мунғайиб гап бошлади келин, – Тўхтасин акам ўлди. Тўйдан бир ой ўтиб ўлди. Лекин мен учун тирик эди. Шундан буён ёнимда. Негадир уни ҳеч ким кўрмайди, фақат мен гаплашаман. Энам ҳам, отам ҳам кўрмайди, гаплашсам уришади. Гаплашма, дейди. Гаплашсам у киши хафа бўлади.

– Ҳар куни кўрасизми уни? – сўради рухшунос.

– Ҳа.

– Нималар ҳақда гаплашасиз?

– У киши гапиради, мен эшитаман. Мени севиб қолиб, уйимизга тош отгани, кучугимиз қувлагани, нариги қишлоқлик йигитлар билан муштлашгани... барчаси эски хотиралар.

– Ҳар куни бир хил мавзуда гаплашасизмиларми?

– Ҳа, деярли шу.

– Бир марта «сени олиб кетаман», дегани-чи? – гапга аралашди ая. – Айтмайсанми, Санам шуларни? Фолбинга айтувдинг-ку!

– Ҳа... бир-икки марта.

– Ўз жонига қасд қилишга уринганми? – аяга юзланди рухшунос.

– Ҳа-да! Тўхтасин акам билан кетаман, деб... сал қолса жувонмарг кетарди буям. Ўзи етади биттасини топширганим, – кампир йиғлашга тушди. Ҳамшира уни тинчлантириш учун хонадан олиб чиқиб кетди.

– Хўш... айтинг-чи, у сиз истаган пайт кўзингизга кўринадими? Ёки тўсатданми?

– Соғинганимда... эслаганимда...

– Тушунарли. Бугун кўрдингизми?

– Эрталаб кўрувдим.

– Ҳозир-чи?

– Йўқ.

– Кўринса менга айтинг. Шу ерда кутамиз...

Аммо Тўхтасин акаси ҳадеганда келавермади. Санам худди у эшикдан келадигандек кўзларини ўша ёққа тиккан. Кампир ҳам ўтирган жойида пинакка кетди. Аммо рухшунос сабр билан беморни кузатарди.

– Аналар... – бир пайт Санам жонланди.

– Айнан қаерда?

– Эшик ёнида.

– Яхши, – рухшунос аста беморга яқинлашди. – У билан доимгидек гаплашавиринг... Санам хол-аҳвол сўрагандек бўлди. Бу ерга нимага келганини айтди.

– У бу ердан кетишимни истаяпти... – деди аёл шифокорга қараб.

– Табиий. Чунки ўзингиз ҳам шуни истаяпсиз. Унга жавобини ўзингиз биладиган бирор савол бериб кўринг-чи...

– Майли... – ўйланди Санам, – биринчи марта қаерда учрашганмиз?

– Хўш, нима жавоб қайтарди?

– Соё бўйида, деди.

– Сўранг-чи яна, у соё бўйига нега келганди?

Санам бироз жим қолди.

– Билмас экан...

– Тўғри. Чунки бунинг жавобини сизам билмайсиз, Санам. У фақат сиз билган саволларга жавоб бера олади. Ўзингизни қизиқтирган, аммо билмаган хоҳлаган саволингизни бериб кўринг, у жавоб беролмайди...

Санам сергакланди, саволлари кўп эди, чоғи.

– Ўшанда сизга берган рўмолим ҳозир қаерда, Тўхтасин ака? Қаерга яширгансиз, уйдан чиқмади... Мактубларим-чи? Сизникини асраб қўйибман. Нега тўйдан сўнг ўзгариб қолгандингиз? Нега ичардингиз? Ҳайдовчи... ҳайдовчи сизни ўзини машина тагига ташлади, дейди. Наҳот, шундай қилгандингиз? Нима учун? – Санам йиғлаб юборди. Рухшунос унинг тинчланишини кутди.

– Хўш, жавоб бердимми?

– Йўқ...

– Бу саволларга ҳеч ким жавоб беролмайди, синглим. Чунки турмуш ўртоғингиз вафот этган. Бари сирларни ўзи билан олиб кетган. Сиз эса... сиз уни кўришни истаяпсиз. У арвоҳ ҳам, жин ҳам эмас. У хаёллар маҳсули. У сизнинг тасаввурларингиз. У билан ўзингиз соғинган, кўмсаган онларни гаплашасиз. Ўзингиз эшитишни истаган саволларни берасиз. Ишонинг, Санам, бари рўё. Тиббиёт тилида буни галлюцинация дейишади. Кўзингизга кўринади, холос. Имкон берсангиз, сизни даволаймиз. Шу ерда бир ойча ётиб муолажа оласиз. Бари ўтиб кетади, хаёллар сизни тарк этади.

– Тўхтасин акамни кейин кўрмайманми? – умидсизланди аёл.

– Бир умр ўзингиз билан ўзингиз гаплашиб яшамоқчимисиз? Сизни телбага, жиннига чиқаришади. Афсуски, у эрингиз эмас. Шунча йилдан бери эримнинг арвоҳи деб ўйлаб келгансиз, аммо бундай эмас. Ҳаётдан тўйган маҳалингиз жонингизга қасд қилишни ўйлагансиз, бу сизнинг қарорингиз эди. Яна шу ҳолат такрорланишини хоҳлайсизми?

– Йўқ... асло.

– Унда ҳаётни бошидан бошланг. Ўтмишни унутиш, келажакка қараб олға юриш керак. Мутахассисларимиз бу борада сизга ёрдам беришади, ишонинг.

Санам розилик билдирди. Улбўлсин ая «келинимни тузатиб берсангиз бас, худога топширдим уни», деб қишлоғига қайтди.

Роппа-роса бир ойдан кейин Санам ўзи кириб келди уйига. Чол-камбир уни кўтаринки кайфиятда кутиб олишди. Тўрга ўтириб қўйиб саволга кўмишди.

– Бари яхши, – деди камгап келин жилмайганча. – Улингизни кўрмай қолдим. Менга кўп ёрдам қилишди. Аллақандай бошқачаман.

– Юзингизга ранг кириб, жонланиб қопсан, – келинининг елкасини силади қайнонаси. – Бўёғига тинч бўл.

– Ишга кирмоқчиман, эна, ота! Рухшунос амаки ишласанг яхши бўлади, деди. Анов цехга мени олишармикин?

– Олади, болам, олади. Олмаса, отанг боради. Ҳалиям хурмати баланд чолимни. Тўғрими, отаси?

Мўмин чолнинг хурматига ўша куниёқ Санамни қишлоқдаги қандолат цехига

ишга олишди.

Кечки овқатдан сўнг хонасига кирган Санам енгил тин олди. Авваллари фақат Тўхтасин акаси билан бўлажак ширин суҳбатлари ёди билан уйкуга кетса, энди эртанги янги иши ҳақда ўй сурарди. Ўзи зўр пазанда бўлиб кетса, қизлар бошчилигида цех очишни орзулади. Ним жилмайганча кўзларини юмган эдики...

– Келдингми, Санам, кута-кута зерикдим, – деган овоздан чўчиб кўзларини очди.

Қараса... қаршисида Тўхтасин акаси ўтирибди.

– Бари хаёл! – бошини силкитди аёл, – ҳозир... – у шоша-пиша сумкасидан таблетка олиб оғзига ташлади. Кўзларини маҳкам юмди. – Кўришни истамайман. Ахир... эсламаган эдим. Бас. Ҳозир ўтиб кетади... шунчаки тасаввурлар. Сиз йўқсиз!

Кўзларини қайта очди, бироқ марҳум эри ҳамон кулиб ўтирарди.

– Бекор дори ичиб, ошқозонингга жабр қилма, Санам. Бир ойдан буён қайтишингни кутаман. Ўша кунги суҳбатдан кейин ортга қайтворгандим. Балнисада юрагим сиқилди. Сени роса аврашдим, мени хаёл деб?

– Чинданам хаёлсиз! – Санам юзини ўгирди. – Хайрлашганман сиз билан. Тўхтасин акам ўлиб кетди. Сиз эса йўқ нарсасиз.

– Тушунсанг-чи, жоним... сенсиз қаерда кетаман? Аросатда қолдим. Кўнглимни узолмадим сендан.

– Ўзимни алдаяпман... аросатда эмассиз, аллақачон самоларга учиб кетгансиз.

– Менга ишонмаяпсан-а? Агар ўшанда саволларингга жавоб берганимда тинч яшолмасдинг. Бу чинданам арвоҳ билан гаплашаркан, деб атрофингни журналистлар, дўхтирлар, илмий текширувчилар қуршаб оларди! Кейин кўргин, ўлган эрим билан, хотиним билан гаплаштириб беринг, деб остонамизда одамлар ётиб олишарди. Ҳамма ёқда шов-шув... сени ҳоли жонингга қўйишмасди. Яхшиси, улар истагандек, хаёллар маҳсули бўлишни маъқул кўрдим.

– Ундай бўлса... нега мени ташлаб кетдингиз? Бунинг жавобини ҳамон билмайман. Сиз ҳам билмайсиз, чунки сиз менинг хаёлимсиз.

– Хаёл эмаслигимни исботлайман, Санам... У кунларни эслаш менга осон эмас. Фақат сену менга аён ширин хотиралар ҳақда суҳбатлашиш ёқимлироқ эди. Тўйдан сўнг... бироз мазам бўлмай шифокорга борганим эсингдами? Ўшанда мени обдон текширган дўхтирлар менга бепушт ташхисини қўйишди! Эшитишинг ўзи даҳшат эди. Ахир сен билан ширин фарзандлар кўришни нақадар орзу қилардик... Ўша куни тўйгунча ичдим. Аммо сенга айтолмадим. Шамоллабман, деб қўя қолдим.

– Тўғри... – сергак тортди Санам, – буйрагингиз оғрирди. Шунчаки совуқдан, дедингиз.

– Нима қилай, Санам, болалиқдан кўпқари ўйнаб, йигитларнинг олди бўлиб юрардим. Бу иснодга чидолмасдим. Сени талашган йигитлар олдида бир умр қисик тил билан юришни ўйладим. Нима хаёл билан билмадим... оёқларим катта йўл томон бошлади, елдек учаётган машина сари талпиндим. Афсусдаман... эл ичида қаддим букилса-да, сени ташлаб кетмаслигим керак эди.

– Тўхтасин ака! – ўрнидан туриб, эри сари талпинди аёл. – Сиз, бу чиндан ҳам сизмисиз!?

– Айтгандек... менга азиз рўмолинг, азиз мактубларинг оғилхонадаги эски сандиқ ичида. Отамдан яшириб ўша ёққа йиғардим... Энди эса... сен билан видолашгани келдим, Санам. Мен марҳум, сен эса тириксан. Тириклар қатори яшашинг керак. Ўзимни ўйлаб тинчингни бузганим учун кечир. Алвидо... бахтли бўл, омон бўл, Санам!

Тўхтасин кўздан йўқолди. Санам тура солиб, оғилга чопди. Чанг босган сандик ичида бир талай хатлар ва қизил рўмоли турарди... У эрини неча маротаба бор овозда чақирди. Аммо садо бўлмади. Мактубларни бағрига босган аёл унсиз ерга чўкди...

Келинининг оғил тарафда «Тўхтасин ака!», деб ҳайқираётганини эшитган чолкамбир чўчиб уйғонди. Дўхтирларнинг давоси кор қилмаганидан аттанг қилган Мўмин чол кампирини оғилга боришга ундади. Улбўлсин ая ҳам хушёр ётган эди, ковушини илиб оғилга чопди. Аммо у ерда Санам йўқ эди... Ерда қизил рўмол товланиб ётарди. Шошганча келинининг хонасига мўралади. У ерда Санам кўзларини юмганча ёстик кучоқлаб ухларди.

— Хайрият-эй... — ёқасига туфлади ая, — қулоғимизга эшитилди, шекилли.

...Шундан сўнг Санам эрини бошқа кўрмади.

САМОДАГИ МУҲАББАТ

1

—Севинч ниҳоят ўқишга кирибди! Эртага шаҳарга кетаркан, -деб суюнчилади Дилбар онасини.

—Ҳайрият... тўрт йилдан бери уринади-я бечорагина. Ахийри ниятига етибди-да.

—Ҳали катта доктор бўлиб қишлоғимизга қайтганида ҳамманинг ҳаваси келсинки! Қизини ўқишга юбортирмай эрга берворганлар бир афсусланади...

—Севинчинг ҳам ўқишга кираман деб қанча совчиларни қайтарди. Ишқилиб, келгунича ўзига мос йигит топилсин-да.

—Топилади, она. Шундай чиройли ва ақлли дугонамга ҳали турнақатор совчилар келадики...

—Айтганинг келсин.

Дилбарнинг ҳавас билан гапирган сўзларини уй ичида тинглаб ўтирган Бахтиёр шахд билан ҳовлига чиқди:

—Севинч опам кетарканми?!

—Ҳа, укажон. Қанийди, менам у билан кетсам...

—Сен энди тек тур, қизим. Фотиҳали қиз бунақа гапларни айтмайди.

Она ва қиз суҳбатларини давом эттириб, Бахтиёрнинг дарвозадан чиқиб кетганини сезишмади ҳам.

2

—Севинч опа, яхшимисиз? Кетаяпсизми?

—Вой, Бахтиёр! Одамни чўчитиб юбординг, -ариқ лабида кир чайиб турган Севинч ёқасига туфлади. -Опанг китобларини олиб келишга юбордимми? Ўзим тушдан кейин уйлариңизга бормоқчи эдим.

—Кетаяпсизми? —яна сўради Бахтиёр аллақандай ўкинч билан.

Севинч қаршисида бир вақтларги бола Бахтиёр эмас, мўйлаблари сабза уриб ўспирига айланган йигит турганини энди пайқади.

—Ҳа, кетяпман.

—Нега? Шу ерда қолсангиз бўлмайдимми?

—Мен шифокор бўлмоқчиман. Одамларни даволайман...

—Мен... сиз кетсангиз мен нима қиламан?

Йигитчанинг саволидан Севинч ўнғайсизланди. Болалиқдан қалин дугонаси ва унинг укаси билан беркинмачоқ ўйнаш жони дили эди. Вақт ўтиб Бахтиёр Севинчни кўрса юзига қизиллик югурадиган, гап тополмай ўзини олиб қочадиган бўлди. Кейин эса унинг эшиги тагидан кунда ўтиб бир кўргачгина ўз маҳалласига бурилишни одат қилди. Мана энди анчадан бери юрак ютиб юзма юз гаплашишга ўзида куч топди.

—Нима қилардинг, Бахтиёр? Сенам ўқийсан. Мактабни битирдинг-ку... Ким бўлмоқчисан ўзинг?

—Сиз кетсангиз... унда менам Тошкентда ўқийман.

Севинч кулди.

—Омадингни берсин.

—Севинч опа... сизга шу мактубни ҳеч беролмасдим. Кетишингиздан олдин ўқиб кетинг, -йигитча шундай деб ариқдаги майсалар устига бир қоғоз қўйди-да, ўзи югуриб кетди.

Севинч Бахтиёрнинг бу ҳолатидан ҳайрон бўлганча мактубни ўқиди.

“Севинч опа! Сиз ҳаётимдаги ягона севинчимсиз. Биламан, ёзганларим сизга ғалати туюлади. Эҳтимолки, бунақа мактубларни сиз кўпини олгандирсиз. Лекин юрагингиз ҳамон ўзгаларга кулфлигини биламан. Қани энди дилингиз калити менда бўлса... Афсус, Вақт аталмиш буюк куч шу ерда адашган. Менинг ёшим 18да, сиз эса 22дасиз. Ўртамиздаги тўрт ёш доим мени сиздан узоқлаштириб келган. Муҳаббат ёш танламайди, деб тўғри айтишган экан. Мен сизни яхши кўраман, чунки...”

Севинчининг юраги ғалати ҳисларга тўлди. Чинданам у кўп мактублар олган. Аммо сени севдим, сенам мени сев қабалида ёзилган тўмтоқ изҳорлару уларнинг соҳиби билан сира иши бўлмасди. У фақат яхши ўқишга интилди. Вақт адашиши мумкинми? Ахир табиат сира янглишмайди. Бахтиёр ҳали ёш... Гарчи туйғулари пок бўлса-да, шамол каби ўткинчи бўлиши мумкин.

3

Севинч айтганидек, тушдан сўнг Дилбарларникига йўл олди. Дугонасидан сўраб олган айрим китобларни қайтарди. Бўлажак талабанинг кетиши олдидан Дилбарнинг онаси ош дамлаган экан. Дастурхонга ўтиришди.

—Бахтиёр кўринмайдимми? -таомдан сўнг Севинч Дилбардан сўради.

—У индамас доимгидек томда. Тепада ўтирволиб нима хаёл суради, хайронман.

—У билан ҳам хайрлашай дегандим.

—Ҳозир чақираман унда.

—Кўявер, ўзим чиқаман.

Севинч ўрнидан туриб ҳовли адоғидаги нарвон томон юрди. Тепага кўтарилиб, Бахтиёрнинг том устида осмонга қараб ётганига кўзи тушди. Яқинроқ борса, кўзлари юмук. Ухлаб қолган кўринади, қиз ёзиб қўйган мактубини унинг ёнига қўйди-да, ўзи секин тушиб кетди...

Бахтиёр кўзини очганида шом тушай деганди. Шарт ўрнидан тураётганди, ёнида ётган қоғоз шитирлади. Дарҳол қўлига олди.

“Бахтиёр! Туйғуларингни камситмоқчи эмасман. Уларнинг тоза ва самимийлигига ишонаман. Аммо бизнинг ўртамизда ўзинг айтганингдек тўрт йил мавжуд. Бунинг ениги бўладими? Вақт ўтиб ҳақиқий севингни учратарсан. Сени хурмат қиламан. Ҳозир сенинг вазифанг фақат ўқиш, ҳаётда ўз ўрнингни топишдан иборат. Омадингни берсин. Севинч.”

Бахтиёр мактубни авайлаб чўнтагига бостирди. “Ҳали туйғуларим чинлигига

ишонасиз, Севинч опа...”

4

Севинч Дилбарга кўп мактуб ёзарди. Уни онасига ўқиб бераётганда Бахтиёр ҳам тингларди. Ўқиши етти йил давом этишини билиб олган Бахтиёрнинг кўнгли чўкиб кетди. Қишлоқдан шаҳар марказигача бир соатлик йўл эди. Бахтиёр бориб кўрай, деса ҳеч гап эмас. Аммо... аввал тўрт йилни енгиш керак.

Бахтиёр ўша йили томдан тушгани йўқ. Китобларини ҳам тепага кўчиртириб олиб, фақат ўқиди. Уйдагиларига “Тошкентдаги учувчилар тайёрлайдиган ўқишга кираман”, деди. Ким ҳам учувчи бўлишни орзу қилмаган дейсиз. Ота-она бу ниятни ҳам ўсмирликка хос тилакка йўйишди. Бу орада Севинч уйига неча марта келиб кетди. Ҳатто Дилбарни ҳам кўргани келди. Аммо Бахтиёрни учратолмади.

Тошкентга бориб имтиҳонларни топшириб қайтган Бахтиёр ҳаммадан суюнчи олди: у ўқишга кирибди! Ишониб-ишонмай уни пойтахтга жўнатган ота-онаси «ҳамма бало индамаслардан чиқади, ўзи» деб ўғилларининг пешонасидан ўпишди. Кўп ўтмай Бахтиёр Тошкентга жўнаб кетди.

Севинч ҳамбухабардан четда қолмади. У Бахтиёрни табриклаш учун дугонасиникига шошилди. Бироқ кечикибди. Йигит аллақачон кетган экан. “Ўсмирликка хос туйғулар шамолдек ўткинчи бўлади...” жилмайди Севинч ҳазин. “Омадингни берсин, Бахтиёр”.

5

Орадан тўрт йил ўтиб кетди. Севинч бу пайтда бешинчи курсда ўқирди. Ёши 26дан ўтган қиз хонадонига кўпда совчи келмасди. Дугонаси айтганидек, номзодлар турнақатор бўлиб кетмади. Икки болали бўлган Дилбар эса вақт топиб, дугонаси билан учрашиб турарди. Севинч жуда ёлғиз эди. Ўқишдан кейин ишига шошар, қишлоққа онда-сонда келиб кетарди.

Бахтиёр. Севинч уни тез-тез эслаб турарди. Уни ўқишни битириб қишлоққа қайтди, дейишди. Лекин бу ерда қололмас экан. Уни пойтахтда ишга олиб қолишибди. У энди космосга чиқармиш. “Самолётларда осмонга чиқиб бўлибди, буёғига мўлжали коинот экан!” дейди Дилбарнинг онаси қўшнилариغا мактаниб.

Севинч Бахтиёрнинг Тошкентда ўз бахтини топиб кетганига ишонарди. Шу йиллар ичида улар бирор марта тўқнашишмади. Севинчнинг онаси уни узатиш дардида, Севинч бўлса ўқишини битириб, пойтахтга кетиш илинжида. Нега бу қарорга келди ўзи? Бахтиёрни кўриш учунми?.. Ўзи ҳам билмайди. Лекин ҳар замон йигитнинг берган мактубини ўқишни, сатрларни кўзини суришни канда қилмайди. Севинч опасини унутиб юборган ўша Бахтиёрни кўп эслайди.

6

Икки йил ўтиб Севинч дипломини қўлига олди. Қувончини кимлар биландир бўлишгиси келди. Аммо юрагига яқин одом тополмай вилоят марказидаги хиёбонга борди. Кўлдаги оққушларни кузатиб, анча ўтирди. Мана, у азалий орзусига етди: шифокорлик бўсағасида турибди. Севинч ўрнидан турганди ҳамки, ўриндиқ орқасида турган шарпа соясига кўзи тушди. Секин ортига назар ташлади. Бир йигит.

—Салом, Севинч.

—Салом... -қиз уни танимайроқ юзига тикилди.

—Мени танимадингизми? Бахтиёрман...

Ҳа, ҳа, ўша! Бу ўша Бахтиёр-ку? Йиллар одамни шунча ўзгартираркан. Қаршидаги турган кап катта йигит аллақачон 25 ёшни уриб қўйган, келишган ва ўктам эди.

—Ўзгариб кетибсан... сиз. Бахтиёр, кўришмаганингизга ҳам анча бўлди.

Яхшимисиз?

—Раҳмат, яхши. Сиз эса сира ўзгармагансиз. Ҳа, роппа роса етти йил бўлди. Севинч... табриклайман, ўқишни тамомлабсиз.

—Раҳмат. Ўзингиз... ишляпсизми?

—Ҳа. Таътил олиб қишлоққа келгандим. Сизни ҳам бир кўриб кетай дедим.

—Йўқлаганингиз учун ташаккур.

Севинч ва Бахтиёр у ёқ бу ёқдан бироз суҳбатлашишди. Сўнгра биргаликда қишлоққа қайтишди. Қиз уйига кириб кетаркан, йигит унга мактуб тутқазди.

—Буни уйда ўқирсиз...

Юзига қизиллик югурган Севинч йигитга қарашга уялиб шоша-пиша уйга кириб кетди. Кирдию... онасига дуч келди.

—Уйга совчи келган, қизим. Хонангга кира қол...

Севинч ўз хонасига қамалди. Юрак дукури ҳаммага эшитилаётгандек хона бурчагига бориб ўтирди. Қўлларида япроқдек титраётган мактубни ўқишга тутинди.

“Севинч. Сизни етти йил кутдим. Аниқроғи, Вақтни енгишга уриндим. Биламан, сиз ҳамон мендан тўрт ёш каттасиз. Бундай кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Аммо... муҳаббат аталмиш туйғуга Вақтнинг аҳамияти йўқ экан. Сизни яхши кўраман. Мен сизни топиш учун учувчилик касбига қадам қўйдим. Биласизми, самода Вақт тушунчаси йўқ. У ерда йиллар ҳам, кунлар ҳам, саналар ҳам йўқ. Ҳатто тун ва кун йўқ. Аммо самода муҳаббат борлигига ишонаман. Агар узатган қўлларимга қўлларингизни берсангиз, сизни ўша самоларга олиб чиқаман. У ерда бизнинг ёшимиз теппа тенг бўлади. У ерда сиз мендан катта, мен сиздан кичик бўлмаймиз. Фақат бир бора ижозат берсангиз бас. Уйингизга онамни юборган эдим. Розилингизни интизор кутаман. Бахтиёр”.

Севинч кўзларида ёш билан мактубни бағрига босди...

7

Севинч ва Бахтиёрнинг тўйи бўлди.

“Ўтирган қиз ўрнини топаркан-да”, дейишди қишлоқ аёллари.

“Йигит тушмагур келинчакни ҳам пойтахтга олиб кетаркан”, дейишди улар яна.

Ҳа, улар ота-оналарининг оқ фотиҳасини олиб, пойтахтга йўл олишди. Бахтиёр рафикасини Самога олиб чиқишга сўз берган эди. У сўзининг устидан чиқди: муҳаббат самосида улар бир умр бахтли яшашди.

ЎН ЙИЛ КУТИЛГАН МАКТУБ

Қиз йўлдаги чақир тошлар нозик шиппагидан ўтиб, оёғини тилишига қарамай елиб бормоқда. Бугун бир ой тўлди. Азамат бир ойдан сўнг почтага боришини, юборган мактубини олишини тайинлаган. Почта сой оралаб чиқилса, унча узоқ эмас. Фақат онаси холасиникидан келгунча бориб келса бас. Қизгина Азаматсиз яшолмайди. Азамат ҳам шу: армияга кетгунча кун бўйи қизнинг маҳалласидан нари кетмади. Афсуски, фақат сувга чиқиш баҳонасида бир муддат кўришиб олишарди. Шундаям гаплашиш қаёқда? Қишлоқ жой бўлса... Эҳ, севги қурғур бунча шоштирмаса? Илк мактубнинг гашти бошқачамикин ё?

Феруза почтага кириб оқ рўпарада ўтирган –қошлари ингичка терилган, лаблари қизилга бўялган нозиккина қизга кўзи тушди. Бу қиз ҳақида орқаваротдан эшитган: болалигида ота-онаси ажрашгач, онаси билан шаҳарга кетган экан. Яқинда онаси вафот

этиб, отаси қишлоққа қизини олиб келибди. Қиз хушмуомала ва чакқон бўлгани учун маҳалла оқсоқоли уни почтага ишга қўйибди. Бунинг устига Азаматларга ён қўшни. Феруза ийманибгина, ўзига хат келган-келмаганини сўради.

—Так, бир минут, -қиз қошларини чимириб, хатларни текширди. – Сизга ҳеч нима йўқ.

Ферузанинг ҳафсаласи пир бўлди. Оёғини базўр судраб уйига қайтди. Янаги ҳафтани кутгунча нақ бир йил ўтгандек туюлди. Ҳа, бу сафар аниқ мактуб олади. Ҳали, аччиққина қилиб жавоб ёзсинки... шунча интиқтиргани учун! Почтага боргач, яна ўша қизга кўзи тушди. Бу сафар танишиб ҳам олди. Исми Зарина экан, ёши қизниқидан биттага катта.

—Афсуски, хат йўқ, -қизнинг муддаосини эшитган Зарина бошини сарак -сарак қилди, -Азамат акадан кутаяпсизми?

Феруза ярқ этиб унга қаради.

—Ҳа... Қаердан билдингиз?

—Вой, Азамат акадек йигит кимни севишини билмасак ўлибмизми? Биз ҳам қишлоқда янги эмасмиз.

Феруза бу янгилик бутун қишлоққа маълум бўлгандек уйига бошини эгиб қайтди. Келаси ҳафта ҳам, ой ҳам почтага қатнашидан фойда бўлмади. Ким билади, балки йигит ёзган хатлар адашиб бошқа жойга кетгандир. Ахийри ўзи хат ёзишга киришди.

—Шу хатни жўнатсангиз, -Феруза Заринага кимтиниб конвертни тутқазди, -Ўзи Азамат акадан хат келаяптими?

—Ҳа, кўп келади. Ота-онасига дарров етказиб бераман. Кейин...

—Нима кейин...

—Буни айтиш менга ноқулай-да...

—Айтаверинг, бемалол.

—Бир-иккита қизнинг номига ҳам келади, олиб кетишади.

Феруза довираб қолди.

—Ким... кимларнинг номига?

—Буни айтолмайман, касбим йўл қўймайди. Узр.

Қиз уйга маҳзун алфозда қайтди. Шундан сўнг почтага бошқа бормасликка аҳд қилди. Ахир ишонган Азамати шундай қилиши мумкинми? “Биргина сени севаман”, дерди-ку, “Осмонимдаги ферузам” деб атаганлари наҳотки ёлғон бўлса? Наҳотки... наҳот, севги бир зумлик, сўнг нутилгич...

Орадан ойлар ўтди. Бу орада Ферузага ярим энлик хат ҳам келмади. Қиз энди севги масаласига нуқта қўйиб, бор эътиборини ўқишга қаратди. Отасининг оқ фотиҳасини олиб пойтахтга йўл олди. Насибаси қўшилган экан, тиббиёт билим юртининг талабасига айланди. Ўтмишда қолган юрагидаги доғни йиллар ювиб кетмади, қайтанга у катталашиб бораверди. Шу сабаб севги изҳор қилган йигитларнинг бирортасига кўнгил қўёлмади. Энди унинг ёри –шифокорлик, оиласи эса касалхона эди. Биринчи курслигида Азаматнинг ҳарбийдан қайтганини эшитди. Аммо қизни излаб келмади. “Демак, рост экан, мендан кўнгли совугани аниқ”, тан олди Феруза. Қишлоққа таътилда борар, шунда ҳам Азаматга дуч келиб яраси тирналишини истамас; тезда шаҳарга қайтарди. Энг азоблиси учинчи курсдалик пайти бўлди. Дугонасида Азаматнинг уйланаётгани ҳақидаги хабарни эшитди.

—Кимга? –базўр сўради Феруза. Аммо шу он бу ҳақида суриштириб, ўзига жабр қилаётганини англадию, берган саволининг жавобини тинглашни истамади.

—Ўша мактуб ёзган қизларининг биригадир-да, майли, бахтли бўлсин!

Азамат ҳақида айтган сўнги гапи шу бўлди.

Тиббиёт ўзини фидо қилишни талаб қилади. Бу сўзлар Ферузага аталган эди. У ўзининг ёнган кўнглини шикасталарга фидо қилди. Шу тариха, дардини унутди. Ёши ўттизга қараб кетса-да, турмушга чиқиш сўзи луғатида йўқ эди. Ота-онаси гапира-гапира фойдаси йўқлигини тушуниб, қизни тинч қўйишди. Шаҳарда Феруза тинч: ҳеч ким уни ғийбат қилмайди, ортидан гапирмайди. Иложи бўлса, кечаю кундуз шифохонада. Азаматни ҳар куни туш кўради: ўша сойда биринчи марта дала гулларини қўлига тутқазган онни қайта-қайта кўраверади.

Бир куни касалхонага оғир аҳволдаги беморни келтиришди. Феруза врач сифатида дарҳол кўрсатмалар берди. Бемор эркак 35 ёшлар атрофида, автохалокатга учраганди. Юзи қонга беланган, зўрға нафас оларди. Ҳайриятки, уни сақлаб қолишди. Операциянинг ижобий ўтганини эшитган Феруза ҳам одатига кўра, беморнинг ёнига кирди. Палата эшигини очдию, кўзларини шифтга қаратиб ётган... бир одамнинг... жудаям таниш одамнинг қаршисидан чиқди.

—Азамат...

Бу шивир шунчалик паст товушда айрилса-да, бемор эшитди. Ўша овознинг эгасини ҳам дарҳол таниди. Танидию...

—Сен...

Феруза йиғлаб юбормаслик учун палатадан тезда чиқиб кетди. Аммо чиқолмади. Хонасига кириб, ўкраб йиғлади. Сўнг унинг олдига бошқа кирмади. Аммо ҳамкасбларидан аҳволини суриштириб турди. Тузалиб бораётганини эшитиб, кўнгли таскин топарди. Аммо негадир уни кўргани ҳеч ким келмади. Кейин билса, оиласи қишлоқда экан, Азамат уларга хабар беришни истамабди. “Сиқилишмасин”, дегандир-да ўйлади Феруза.

Лекин орадан бир ҳафта ўтиб, унинг палатасига бир аёл келди. Феруза уни узоқдан кўрди. Чиқишини бир четда кутиб турди. Бу аёл унинг рафиқаси эканлигига ишонар, ичидаги бир нима унинг қандай эканлигини кўришга ундарди. Ўн йил давомида унинг қалбида рашк туйғусини тутатиб келган одам билан ниҳоят кўришади. Ўн дақиқалардан кейин аёл палатадан чиқди. Юзлари оқарган, мадори йўқ эди. Феруза унга синчиклаб қаради: қошлари ингичка терилган, лаблари қип-қизил бўялган. Нозиккина жуссаси ўзини анча ёш кўрсатади. Зарина... бу ўша почтачи қиз.

Кимдир унга тикилиб турганини сезган Зарина ҳам ярқ этиб ён тарафига қаради. У ҳам Ферузани бир зумда таниди: у деярли ўзгармаган, ўша ўзи ҳасад қилган, Азаматнинг ақл хушини олган -лаби устига кўндирилган холи ҳам ўша-ўша эди.

—Феруза... –Зарина қуйилиб келаётган кўз ёшларини тўхтатишни истамади. –Ниҳоят учрашдингларми? Мен тортиб олган Азаматни Худонинг ўзи қўлингга топширибди-ку! Мен ношуд эса...

Феруза уни хонасига бошлади. Заринага сув бергач, у Ферузанинг қўлларидан ушлади:

—Мени кечир, Феруза... сенга ноҳақлик қилдим. Севгим учун курашайман, деб ўзимни овутдим. Аммо... барини айтишим керак. Ўшанда... ўшанда биринчи марта ёнимга келганинда, тизамда турган Азаматнинг мактубини сендан яширдим. Чунки уни яхши кўрардим. Қишлоққа келган кунимок севиб қолгандим. Армиядан биринчи бўлиб сенга хат ёзибди. Мен аламимдан хатини очиб ўқидим. Сенга айтган ишқ тўла гапларидан ичим ёнди. Бу муҳаббатни сенга беришни истамадим.

Феруза кўзларини катта-катта очганча, гўё туш кўраётгандек ёки Зарина бу

гапларни унга таскин бериш учун айтаётгандек туюларди. Ахир канақасига? Азамат... наҳотки, Ферузага хатлар ёзган бўлса?!

-Кейин яна кўп хат келди. Бари сенинг номингга. Уларни ўқирдим ва яшириб қўярдим. Бир куни унга хат олиб келдинг, эсингдами, Феруза? Ҳа, уни жўнатдим, фақат ўзим ёзиб жўнатдим. Сенинг номингдан ёздим! Ўша пайтлар нақадар худбин эдим, Феруза? Хатда бошқасини севиб қолганингни, уни унутишингни сўраб ёздим. Азамат шундай бўлса-да, сенга хат ёзаверди, ёзаверди! Охири яна номингдан хат ёздим. Бу гал севганинг билан шаҳарга ўқишга кетаётганингни, унга турмушга чиқишингни айтдим.

—Ахир... нега?! Наҳотки шундай қилишга қўлинг борди, Зарина? Мен... менинг қанчалик қийналганимни била туриб?

—Мени тингла, Феруза... Азаматнинг айтган гаплари ҳам етади, сен ҳам дилимни яралама. У армиядан қайтгач, тушқун аҳволга тушиб қолди. Онасига яқин бўлиб олгандим, ҳар куни уйларига чиқиб, ишларига қаралашардим, кўзларига яхши кўринишга уринардим. Азамат кимга уйланишининг фарқи йўқ, дегач онаси мени танлади. Осмонларда учардим, энди Азамат меники, деб! Аммо адашибман. Ўн йил давомида Азамат асло меники бўлмади. У доим сени ўйлаб яшади... қийналиб яшади. Тақдирни жазосини кўрки, Аллоҳ менга фарзанд ҳам ато этмади.

—Сен... оҳ, Азамат!

—Яқинда сенга ёзган мактубларини яширган жойимдан топиб олди. Уни йўқотишга қўлим бормаганди, унда соҳир туйғулар мужассам эди. Сўнг... қилган қилмишларимни тан олдим. Ўзим ҳам қийналиб кетгандим. Азамат акам уйдан чиқиб кетди. Роса изладим, шаҳарга –сенинг ёнингга кетганини тахмин қилдим. Сўраб-сўраб топганим шу ер бўлди...

Феруза шилқ этиб стулга чўкди. Унинг кўзига Зарина ҳам, касалхона ҳам кўринмас, ўтган ўн йил давомида нафрат билан севган ёрининг ўз каби азобда яшагани ҳақида ўйларди.

—Мана... –Зарина унга бир даста хат тутқазди, -мен ишимни яхши бажаролмадим. Мактубларни ўн йил кутдинг, кечикдим. Энди ол... Азамат акага фақат сен кераксан.

Феруза мактублари бағрига босиб, узоқ йиғлади. Зарина хонадан чиқиб кетганини ҳам сезмади. Сўнг ўрнидан турди-да, Азаматнинг палатаси томон йўл олди...

У мактубларни ўқишни жуда истар, аммо аввал унинг соҳибини кўришга мушток эди.

АЙРИЛИҚҚА АТАЛГАН ВИСОЛ

—Энди бизнинг йўлларимиз айро... Мен барини тушунаман, сиқилманг. Вақт даво дейишади-ку: унутасиз... Ортиқ бу ерга келманг!

—Ҳа, унутамаман... Ўлганимдан сўнггина сени унутамаман. Унгача эса бунақа гапларинг билан мени азоблама! –Камрон қуйилиб келаётган кўз ёшини яшириш учун дераза томон қадам ташлади. –Сен албатга, тузаласан. Бунга ишонаман, Замира! Энди эса овқатингни еб ол, қорнинг ҳам очгандир.

Шу пайтда Замиранинг овқат егиси келармиди? Қизнинг гаплари яна таъсир қилмади. Қанча ҳаракат қилмасин, Камрон ундан воз кечмаяпти. “Тентаккинам”,

-пичирлади Замира йигитга ачиниб боқаркан, “бахт келтириш ўрнига дард обкелдим...”

Мана, касалхонадаги ҳаётига ҳам уч ой тўлди. Эрта-индин уйига рухсат беришармиш. Замира билмайдими? Билади, нега уйда “даволаниши” лозимлигини жуда яхши англайди. Аҳволи кундан кунга оғирлашиб бораяпти. Эсиз, ўзига эмас, яқинларига ачинади: ахир ўлган ўлиб кетаверади, қолганлар эса қон йиғлаб...

Камрон касалхонадан чиқдию, ишига шошилди. Кунда шу: уй-касалхона- ишхона. Йўқ, у бундан сира оғринмайди, фақат Замира хурсанд бўлса бас. Камрон Замирандан фарқли ўлароқ, умидсизликка тушмади. Ким нима деса десину, унинг Замираси ҳали ҳеч нима кўрмагандек бўлиб кетади. Бу гапларини ҳали кулиб эслайди, бахтли ва узоқ ҳаёт кечиради.

...Касалхонадан чиқар куни Замира ўзига қараган ҳамшира Саида билан узоқ хайрлашди. Улар шу вақт ичида қалин дугона бўлиб олишганди. Саида қизни кучди:

—Сиз албатга, соғайиб кетасиз. Ўшанда бирга хиёбон айланамиз, музқаймоқхўрлик қиламиз. Фақат Камрон акадан ортсангиз, бизга ҳам навбат ажратарсиз. Бахтингиздан улашарсиз шунда...

—Қўйинг, менга сира ҳавас қилманг, Саида. Сиз бу кунларни кўрманг.

—Билсангиз, сизга жуда ҳавас қиламан, Замира опа. Тўғри, соғлиқ энг катта бахт, дейишади. Аммо... ҳеч кимга керагинг бўлмагандан кейин бу бахтинг нима берарди? Сиз-чи, Замира опа, сизнинг дунёларга алишмайдиган ёрингиз бор! Камрон акадек инсон бу дунёда кам топилади. Менда эса...

“Бир кам дунё шу эканда”, ўйлади Замира. Кўзига энг бахтли қиз кўриниб келган Саида ўша куни кулгусини кўз ёшга алмаштирди. Дардини тўқди. Айтишича, бир йигитни севган экан. Аммо йигит Саиданинг отаси нуфузли ишидан айрилгунга қадар “севибди”. Куёв томон қудаларнинг бор- будидан айрилганини эшитиб, фотиҳани бузишибди. Саида ҳақида эса маҳаллада бўлмағур гаплар тарқатиб, ўғлини ўн етти яшар қизга уйлантириб қўйишибди. Шу-шу Саида бор дардини ишидан олади, бировга кўнгил қўйиш ҳақида эса гап бўлиши мумкин эмас. У энди ҳеч кимга ишонмайди...

Саидани бир куни шаҳзодаси келиб олиб кетишига ишонтирган Замира уйига кетди. Шу билан улар бошқа учрашишмади...

...Бугун Замиранинг аҳволи ёмонлашиб қолди. Унаштирилганликлари учун Камрон ҳоҳ кун, ҳоҳ тун бўлмасин, Замиранинг уйда ҳозир-нозир эди. Айни дам ҳам онаси билан қизнинг ёнида ўтиришибди. Ўсал ётган бўлсада, қиз бўлажак қайнонаси ёнида чўзилиб ётганидан уялади, туришга интилади.

—Қўй, кўзгалма, қизим, -унинг пешонасини силади Шоҳиста ая, -биз шунчаки сени кўргани, тезроқ уйимизга олиб кетай, деб қудамни кўндиришга келдик...

Синиқ жилмайиб айтилаётган бу ширин сўзлар замирида аччиқ ҳақиқат ҳам бор эди.

—Кечиринг... –Замира шивирлади, -сизга келин, Камрон акамга рафика бўлолмадим. Насиб этмайдиган кўринади... мендан рози бўлинглар.

Шоҳиста ая лабини тишлаб, хонадан чиқиб кетди. “Мунча шўрпешона бўлмасам, -қуйинди аёл, -аввалига Камронжоннинг отасидан ёш айрилдик, ўғлимни не азобларда вояга етказдим, энди эса фарзандим ҳам айрилиқ доғида куйса!”

Ичкарида эса икки дилшикаста бир-бирига термулишдан туйишмасди. Айниқса, Камрон қизнинг кўзлари, қошлари, бурнидаги митти холни ҳам эслаб қолишга уринар, қиз эса Камроннинг нигоҳларидаги ўша азиз меҳрни кўриб, ўзини бахтли ҳис этарди.

—Замир... -Камрон бир сир айтайми, дегандек имлади, -армон ёмон нарса-да,

барча орзулар амалга ошиши шарт! Айниқса, сенинг орзуларинг...

—Камрон ака... энди орзуларимни сиз рўёбга чиқаринг. Ўша ўзимиз истаган болалар касалхонасини очинг, одамларга шифо улашинг...

—Ҳа, ундан аввал бир ширин орзу ҳам бор эди—ку, унутдингми? Бизнинг тўйимиз...
...Замира қанча рад этмасин, ота-оналар бунинг иложи йўқлигини таъкидламасин, дўстлари йигитнинг қароридан қайтаришга уринмасин, Камрон айтганидан қайтмади. Янаги ҳафта —баҳорнинг охириги санаси тўй куни этиб белгиланди!

Замира анча олдин танлаб қўйган келинлик либосини кийди, Камрон қизнинг орзусидаги улов —оқ отли аравада ота уйидан олиб чиқди. Тўйхона эса шодликка тўлди, ҳатто Замира ҳам дардини унутди. Тез чарчаб қолиши туфайли келин кечки базмда бир соатгина ўтирди. Кейин уни мўъжаз гўшанга томон ёр-ёр айтиб кузатишди... “Менга ёр-ёр армон бўлмади, бугун мен дунёдаги энг бахтли келинчакман”, пичирлади Замира ўзига ўзи.

—Менга ваъда берасизми? -Замиранинг турмуш ўртоғига айтган илк гапи шу бўлди, -илтимосимни бажарасизми...

Камрон бош ирғади:

—Ваъда бераман, айтавер, фариштам...

Тонгга яқин Замиранинг жони узилди. Тўй азага уланди...

...Камрон бир йилдан сўнггида рафикасига берган ваъдасини эслади. Уни бажариш ҳар қанча оғир бўлмасин, Замиранинг гаплари унга тинчлик бермасди: “шундагина сиздан рози кетаман...”

Замира ётган касалхонага борганда, Саида исмли ҳамшира бир беморга дори бераётган экан. Камронни кўриб дарҳол таниди:

—Сизмисиз? -у бир зум довираб турди, -вой, эсим курсин, Ассалому алайкум, уйдагилар яхшими, соғ-саломатми? —у тилини тишлади. Замира ҳақида эшитган, ўшанда анча пайтгача ўзига келолмай юрганди.

—Ҳаммалари яхши, раҳмат. Мен... мен бу ерга... Кунлар ҳам исиб кетди, вақтингиз бўлса, ташқарида...

Музқаймоқнинг муздек ороми иккисининг бўғзидаги оловни совутмасада, Замиранинг жилмайган сиймоси дилларига таскин берарди.

ПАЙҚАЛМАГАН МУҲАББАТ

Йигит қизни биринчи марта трамвайда учратганди.

Бир кўргандаёқ бир умр энди шу қиздан ўзгасини дея олмаслигини англаганди. Дугоналари билан шодон суҳбатлашиб кетаётган қизга махлиё бўлганча ортидан бориб уни уйигача “кузатиб” қўйганини ҳам сезмай қолди. Шундан сўнг ҳар куни трамвайда учрашиш бахтига эришди. Аммо қиз уни пайқамасди...

Йигит беш ойдан сўнггина у билан танишишга аҳд қилди. Нима деб сўз бошлашни ҳам билмасди. Ўз туйғуларини қоғозга туширди. Уни қизга тутқазмоқчи бўлган кунда эса... қизни ўзга бир йигитнинг биллагини қўлтиқлаб олганига кўзи тушди. Улар шунчалик бахтиёр эдиларки! Қиз қаршисида унга мактуб тутқазмоқчи бўлган йигитни эса пайқамасди...

Қиз ҳам севарди: фақат бошқа кимсани. У ҳам ўша кимсани бир кун кўрмаса

дунёларга сиғмасди. Қиз кимсадан қўлини сўрашини кутарди... аммо унинг ўрнига “мен чет элга кетаяпман, кут!” деган сўзлар янгради. Қиз кўзёшлар билан уни кузатди. “Келиб тўй қиламиз!” деди кимса унга қўл силкирган. Айрилиқ азобига дучор бўлган қиз ёмғир остида уйга қайтаркан, уни пинҳона кузатиб келаётган ўзи каби қайғуга чўмган йигитни пайқамасди...

Орадан йил ўтди. Қиз кимсадан на мактуб, на хабар ололди. Аммо кутарди. У албатта қайтаман, деган! Уни сўраб келгувчиларни рад этарди. Сўровчилар орасида трамвайдаги нотаниш йигит ҳам бор эди. У ҳамон қизнинг муҳаббатидан умидвор эди. Бир йил ичида қизни бирор кун ҳам назаридан кочирмади. Ёлғизлик соя солган нигоҳларида бахтни кўрмади. Аммо хаёллари олислардаги муҳаббати томон учган қиз унинг интиқ нигоҳларини пайқамасди.

Йигит охири унга дил розини очишга қарор қилди. Трамвайдан тушгач, ортидан етиб олди-да, юраги қинидан чиққудек бўлиб сўзлади: “Сизсиз яшолмайман”. Қиз менга нима, дегандек йўлида давом этди. “Мен сизни бахтиёр этмоқ истайман”. Қиз индамади. “Менга турмушга чиқинг...” Қиз йигитга бепарво нигоҳларини тикиб, севгани борлиги ва уни кутаётганини айтди. Йигит қизнинг дарвозаси олдида соатлаб ёмғирда қолиб кетди. Аммо қиз буни пайқамасди...

Кимсадан дарак бўлмади. Қизнинг падари уни узатишга қарор қилди. Ноилож қолган қиз танловни катталарга топширди. Унга энди фарқи йўқ эди... Ўша кимсанинг ёди билан яшаши, бўлажак умр йўлдошини асло сева олмаслигини биларди. Катталар трамвайдаги йигитни танлашди: у ўқимишли, кўркам, баодоб, меҳрибон эди. Қиз учрашувга чиққач бўлажак умр йўлдоши унга бир неча ой муқаддам севги изҳор қилган ўша йигит эканини ҳатто пайқамасди ҳам...

Йигит-чи? У бахтдан осмонларда учарди. Кўзларини қиздан уза олмайди. Қиз эса олисларга тикилган кўйи жим... Йигит унга озор етказмай охишта сўзларди: “Биламан, кўнглингиз ўзгада. Мен қанча бўлса-да кутаман. Бир куни келиб муҳаббатим тафти дилингизни ёритишига ишонаман...” Тўй ҳам ўтди. Келинчак ёнидаги жуфтининг ширин сўзларини эшитмас, унинг меҳрибонлигини пайқамасди ҳам.

“Бунча меҳрибонлик қиласиз?! Севгингиз учун мендан жавоб кутманг. Сизни севмайман!” Йигит бу жумлани кўп эшитарди жуфтидан. Ҳар бир сўзи юрагига тигдек ботса-да, маънос жиламайиб кўярди. Уни бахтиёр этишдан тўхтамасди барибир. Аммо бир куни... ўша кимса қайтди. Аллақандай ҳаяжон билан кўчага отланган аёлининг кўзларига эски туйғулар акс этди. Йигит уни тўхтатмади. “Боравер... майли, учраш, шунча йиллик саволларингга жавоб ол...” Аёл шунча ой кўнглида асраб келган туйғулар соҳибининг хузурига кетди. Ортидан йиғлаб қолган кўзларни эса пайқамасди...

Кимсанинг уйи қошида хозир бўлди. Аёл унинг чиқишини анча кутди... Бир вақт у кўринди! Қўлида ширингина қизча, ёнида бир малласоч аёл билан чиқиб келди. Сўнгра қимматбаҳо машинасига ўтириб зув ўтиб ёнидан ўтиб кетди. Кимса қизни пайқамасди... Қўшни аёлларнинг “чет элда уйланибди, энди ўша ерда бир умр қолармиш...” деган сўзлари қулоғига чалинди. Қизнинг юрагидан бир нима чирт этиб узилди. У юракка илиниб турган эски туйғулар эди. Қиз эски туйғуларини ўша кўчада қолдириб қайтди. Қиз ўз уйига, ўз соҳибининг кўнгли уйига қайтди.

Остонада ўтирган, ёлғизлик азобига маҳкум йўлдошининг кўзларига илк бора тикилди. Унда акс этган туйғуларни энди пайқасди. Йигитнинг сочларидан силади. Майинлигини сизди. Эрининг қўлларидан тутди. Иссиқлигини англади. Йиғлаганча ўзини умр йўлдошининг бағрига отди. Юрак уришини эшитди. Унинг ҳар бир дукурида

муҳаббат куйи янграрди. Қиз буни пайқади. Пайқадию... энди бир умр унинг ёнидан кетолмаслигини тушунди.

БИР КУНЛИК ТАНИШ

Автобус деярли бўш келди –охирги бекат шу эди. Йигит бир тўп коллеж ўқувчиларидан сўнг автобусга чиқди. Ўриндиклардан бирига чўкди-да, автобус юришини пойлади. Соатига қараб-қараб қўяётганидан қаёққадир шошаётганини сезиш қийин эмасди.

Ниҳоят, автобус жойидан жилиб, бир текис кета бошлади. Уч-тўрт бекатдан сўнг доимгидек қариялар чиқиб кела бошлади. Йигит одатига кўра, ўрнидан туриб у томон келаётган бир аёлга жой беришга тутинди. Бироқ қаршисида ўтириб кетаётган қиз чакқонроқ экан, аёлни кўриб унга жой бўшатди. Йигит эса қизга дархол “ўтираверинг”, деб имо қилди-да, аёлни ўзининг жойига ўтказди. Қиз ҳам жойига ўтирганди ҳамки, яна бир кексароқ кишига кўзи тушди ва унга жой бўшатди. Йигит иккиси бир-бирига қараб кулиб юборишди.

—Қарияларга жой бериш керак! –насихатомуз гапириб қўйди йигит.

—Ҳа... тўғри.

Бир муддат жим кетишди. Автобус тикилинч бўла бошлади. Йигит гапиришни лозим топди:

—Қиш келаяпти... Энди совуқ қотсак, шарт автобусга чиқар эканмиз-да.

Қиз жилмайиб қўйди:

—Лекин ёзда чатоқ-да!

—Ҳар куни шу автобусдан қатнасангиз керак?

—Ҳа, шундай.

—Лекин аввал кўрмаган эканман. Тўрт йилдан бери қатнайман, кўп йўловчилар таниш бўлиб кетган...

—Мен шу йилдан бери қатнаяпман. Ўқишга киргач...

—Биринчи курсман, денг.

—Ҳа. Сиз битирувчисиз, шекилли?

—Ниҳоят! –йигит кулиб қўйди. Бугунги режаси ҳам эсидан чиқиб, қизнинг меҳрли нигоҳлари ва содда сўзларига бойланди-қўйди. Тортинган кўйи сўрашга жазм қилди:

—Исмингиз нима?

Қиз айёрона боқди:

—Исмимни нима қиласиз?

—Ҳамроҳ йўловчимга “танишганимдан хурсандман, меники Саид”, дейиш учун...

—Ўзингиз топинг.

—Эҳ-ҳе, дунёда қанча исм бор? Унгача автобус бир айланиб қайтади-ку!

—Бу осон... гуллар ичидан изланг.

—Ҳм... атиргулмаслиги тайин, хўш.... Нилуфар. Топдимми?

—Йўқ.

—Унда... Настарин? Ё Гулсафсарми?

Қиз кулиб юборди:

—Тополмадингиз.

—Ранги қанақа у гулни?

—Қизил.

—А! Топдим, Лола бўлса керак...

Қиз индамади. Кўзлари билан тасдиқ ишорасини қилди-да, эшик томон юра бошлади.

—Тушасизми? –Саид негадир кадрли нарсасидан айрилаётгандек ҳаяжон билан сўради.

—Ҳа... етиб келдим.

Қизнинг кўзларида маъюслик шарпасини илғаган йигит уни хафа қилиб қўйдим, шекилли, деб ўйлади.

—Унда...-бу гапни айтмасам кейин афсусланиб юраман, аҳд қилди Саид. –Сизни қачон кўра оламан?

Қиз унга янада ғамгин назар ташлади-да, автобусдан тушиб қолди. Саид ҳалигача ўшанда унинг ортидан тушмаганига надомат чекади. Ахир муҳаббат йўлингда бир марта учраб, хоҳласанг тутиб қол ёки бошқа мени кўролмайсан, дер экан-да. Саид буни орадан бир ой ўтгач тушунди. Ўша куни аслида у онаси мўлжаллаган қиз билан учрашувга шошаётганди. Дарсдан чиқиб, уйига бориб, сўнг учрашув манзилига бормоқчийди. Лекин... ўша куни бормади. Уйдагиларини ҳайрон қолдирганча, севгани борлигини тан олди. Аммо фақат исминигина биладиган бу қизни севганим дейиш ғирт аҳмоқлик эканлигини ўзи ҳам биларди. Бироқ Лоланинг сиймоси унинг кўз ўнгидан сира кетмасди. Эртасигаёқ ўша вақтда уни автобусда кутиб кета бошлади. Ҳамма йўловчиларни кўздан кечиранди-да, тополмай ўйга чўмди.

Хуллас, шу тариқа бир ой ҳам ўтиб кетди. Йигит ўзини саҳродаги сувсиз йўловчига қиёсларди. Лоланинг гулгун чехрасисиз сўлиб бораётган йўловчи...

Бир куни у қиз билан ўша учрашганларидаги барча арзимас ҳолатларни хотирлаб чиқди. Шунда бахтига бир нарсани эслади! Ўша куни қизнинг ёнида бир дугонаси ҳам бор эди-ку! Тўғри, йигит эътибор бермаганди, лекин улар бирга автобусдан тушишган ва йўл бўйлаб гаплашиб кетишганди. Саид ўша қизнинг қиёфасини эшлашга уринди ва эслади ҳам. Чунки қизнинг юзида катта холи бор эди. Йигит энди автобусда ўша қизни ҳам излайдиган бўлди. Ниҳоят, бир куни орқа ўриндикда ўтирган ўша холи қизни кўриб қолди. Кўриши билан одамларни турта-турта унинг қошига шошилди.

—Салом! –ҳаяжонлаганидан йигитнинг юзи қизариб кетди, - мен сизни танийман.

—Лекин мен танимайман! –қиз бурнини жийирди.

—Йўқ... мени тушунмадингиз. Сиз Лоланинг дугонасисиз-а?

—Ҳа... нимади?

—Мен унинг танишиман. Уни тополмаяпман, айтолмайсизми, қаерда ўқийди ўзи? Доим шу автобусда юрарди-ку, нега кўринмай қолди?

Холи қиз унга бошдан-оёқ разм солди, сўнг кесатди:

—Қанақа танишишисиз ўзи, қаерда ўқийшини билмасангиз?

—Очиғи, бир кунлик танишиман, -тан олди Саид.

—Бир кунлик танишларга у ҳақда ахборот берадиган одатим йўқ, -у гап тамом дегандек юзини дераза томон буриб олди.

Йигит бироз хаёлга толди.

—Муҳаббат нималигини биласизми, яхши қиз... У ҳақдаги биргина сўз юрагимда олам яратишини биласизми? Неча ойдан бери изларини тополмай уни излаганимда, неча тунларни бедор ўтказганимда унга боғлиқ бирор инсон –сизни учратиб қолишни Худодан ёлвориб сўраганман! –йигитнинг ҳаяжонли гапларидан автобус сало니다гилар

уларга қарай бошлашди.

Бундан ўнғайсизланган холли қиз ҳам овозини пастланиб гапира кетди:

—Жудаям миждов экансиз, унда эшитинг, бир кунлик таниш, у бир ой аввал унаштирилди. Шунинг учун бўлажак куёв уни дарсдан ўзи олиб кетади! Автобусда юрса, рашк қилар экан сиз каби шилқимлардан! Тушундингизми, энди мени тинч қўйинг, уни ҳам ўйламанг. Шу ҳафта тўйи бўлади...

Саид нималарни эшитганини деярли пайқамасди. Фақат биргина сўз юрагига наштадек санчилди: “унаштирилган... тўйи бўлади”. Уйига бордию, пичирлади: “Бир кунлик таниш... менга энди бир умр азоб берасан”.

Орадан бир йил ўтди. Саид нимадир бўлиб яна ўша автобусга ўтирди. Аслида ўша машъум сўзларни эшитгандан буён бу автобусга бошқа чиқмаганди. Нега чиқди яна? Билмайди. Балки бугун уни тушида кўргани учундир... ғалати туш. Тушида Лола унга худди ўша кунгидек маъносиз жилмайибди-да, “исминини топинг”, дебди. Саид “Лола-да исмингиз”, деса, нукул бошини сарак-сарак қилиб, йўқ ишорасини қилармиш. “Унда нима?” деб сўраган эди, қиз “Хазонгул” деб жавоб берибди. Эрталабданок йигитнинг юраги ғаш. Нимадир уни яна шу автобусга етаклаб келди. Охири ҳайдовчи уни саволга тутди:

—Қаерга борасиз ўзи? Адашиб қолдингизми ё?

Йигит ўрнидан туриб, энди тушмоқчи бўлиб турганди ҳамки, унга, ҳа-ҳа, Лолага кўзи тушди! Лоламиди ўзи? Балки кўзига кўринаётгандир? Йўқ, йўқ, ахир ўша-ку? Ана, автобуснинг биринчи эшигидан чиқиб, тутқични ушлаганча, хаёлга кўмилиб кетиб бораяпти. Қўлида бир уюм китоб. Йигитнинг назарида вақт тўхтаб қолди. Нима қиларини билмай, унга тикилганча, тўрт бекатни ўтказиб юборди. Шунда туйқус қизнинг кейинги бекатда тушиши ёдида тушди. Йўқ, нега энди? Ахир турмушга чиққан бўлса ота уйида тушмас? Балки уйини кўргани кетаётгандир? Ҳа, шундай бўлса керак. Лекин худди ўқишдан қайтаётганга ўхшайди: келинлик зеб-зийнатидан, қувончидан асар ҳам йўқ.

“Ё бугун ё ҳеч қачон...” шивирлади йигит ва унинг ёнида пайдо бўлди.

—Салом, гул...

Лола илкис унга тикилди. Анча пайтгача тикилиб турди. Гўё у ҳам Саиднинг ҳолига тушгандек, гўё вақт тўхтаб қолгандек...

—Салом... Саид.

Йигит қиз ҳамон унинг исмини унутмаганидан ҳайратга тушди. Ахир унинг йўлида неча одамлар гап отган, ўзини таништириб дил изҳори қилгани маълум-ку (чунки уни севмай бўлмасди), наҳот шулар ичра йигитнинг исмини унутмапти?!

—Яхшимисиз?

—Раҳмат... —қиз синиқ жилмайди.

—Уйга кетяпсизми? —базўр сўради йигит.

—Ҳа...

—Ота-онангизни кўрганими?

Лола унга хайрон бўлиб тикилди, кейин кўзларини ташқарига —сап-сарик япроқли дарахтларга қадади.

—Шундай.

—Ўқишга ҳам бораяпсиз, шекилли? Иккинчи курсга?

—Ҳа, топдингиз. Ўзингиз... битиргандирсиз?

—Ҳа. Ишлаяпман, —йигитнинг хаёлига тузукроқ гап келмасди. —оилангиз тинчми? —сўрашдан ўзини барибир тиёлмади.

—Оилам?

—Ҳа, айтгандек, турмушга чиққанингизни дугонангиздан эшитгандим.

—Холидаданми?

—Шундай бўлса керак.

—Ҳа... тинч.

Лола яна ўйга чўмди. Қизнинг хомушлигидан у бахтли бўлмаса-чи, деган хаёл келди йигитга.

—Сизни кўп изладим... —йигит ўз сўзларидан сесканиб кетди.

Қиз тушишга тараддудланди.

—Аммо кечикибсиз-да...

У тезда тушиб қолди. Йигит эса унинг гапларини англолмай бироз жим турди. Сўнг шошилиб ёпилаётган автобусдан тушишга интилди: йўқ, бу гал жим қолавермайди...

Амаллаб тушиб олгач, ҳайдовчидан сўқиш эшитган йигит Лоланинг ортидан кета бошлади. Қиз уни сезмади ҳам. Уйигача уни кузйтиб борган йигит бир четда унинг чиқишини пойлади. Кеч туша бошлагач, эртага кетса керак, деган ўй билан уйига кетди. Эрталаб ҳам у шу ерда ҳозир эди. Бироздан сўнг қиз чиқиб келди ва ўқишга йўл олди...

Йигит уни бир ҳафта кузатди: қиз ўқишдан уйига, уйдан ўқишига қатнардди. Балки у турмушга чиқмагандир, деган умид Саиднинг кўнглига кириб келиши билан дарҳол ўша холли қизни қидира бошлади. Факультет ёнида учратди уни.

—Салом, Холида.

Қиз уни танимади.

—Мен бир кунлик таниш...

Шундан сўнг Холида уни эслади ва бу учрашувдан мамнун эмаслигини яширмади ҳам.

—Сизга яна нима керак?

—Агар малол келмаса... Лола ҳақида сўрамоқчийдим. У турмушга чиқдимми?

—Ҳа, чиққан!

—Лекин адашмасам, у ўз уйида яшаяпти, —йигит жавобдан яна умидсизликка тушган бўлсада, бироқ бари саволларига жавоб топмоқ истарди.

—Бунга анча бўлди... у ота-онаси билан яшайди.

—Лекин нега энди?

—Бас қилинг! Яна унинг кўнглини кимдир ранжитишига йўл қўймайман! Уни ўйинчоқ қилмоқчимисиз? Нима қиласиз буларни суриштириб? Ахир эрдан чиққан қизга барибир уйланмайсиз-ку?

—Нима? У...

—Ҳа, тўй кунида ажрашган, тушундингизми? Энди кетинг.

—Кетмайман! Сизга аввал ҳам айтганман, у ҳақдаги биргина сўз... мен учун бир олам! Қайта йўқотишни истамайман.

Холиданинг кўзларида ажабланиш акс этди.

—Ниятингиз жиддийми ўзи? Ахир бир кунлик танишсиз. Уни билмайсиз-ку!

—Мен уни яхши билман. Уни минг йилдан бери билман! Мен уни бир умр кутганман...

—Ундай бўлса... уни бахтли қилинг. Бечора ғамдан бошқасини кўрмади...

—Ўзи... нега ажрашди?

—Эрининг бошқа хотини бор экан. Тўй куни келиб, жанжал қилди. Лоланинг отаси ғурурли киши, тўйни бузиб қизини олиб кетди.

...Саид автобус бекатида уни кутарди. Лола ўзи тушадиган бекатда йигитни кўриб ажабланди.

—Салом, гулларнинг гўзали. Сизни кутаётгандим...

Лола уни кўриб, ним жилмайди, аммо дарров юзига яна жиддийлик тусини кўндирди. Уни кўрмагандек ёнидан ўтиб кетди. Бироқ Саид қизга эргашиди. Гапга тутди...

Улар барг тўшалган йўлак бўйлаб кетиб борардилар...

Ортда қолаётган ожиз хазонлар эса яна баҳор келишидан умидвордек жилмаярдилар...

ҚЎНҒИРОҚ

Ярим тунда жиринглаган телефон овози аёлни чўчитиб уйғотиб юборди. Ким бўлди экан? Ҳеч қайси таниши бунақа пайтда безовта қилмасди. Ё ота-онасимикин? Бирор гап бўлдимикин? У шошиб телефон ёнига борди ва гўшакни кўтарди:

—Алло!

Аммо гўшак ортидан жавоб бўлмади. Аёл бир зум жим турди-да, яна сўради:

—Алло, эшитаман, ким бу?

Қўнғироқ қилган кимсанинг чуқур нафас олгани эшитилди. Сўнгра базўр:

—Алло... -деб жавоб берди.

Бўғиқ ва паст овоз эгасини аёл танимади.

—Кимсиз?

—Бу... мен.

Аёлнинг оёқларини титраб, стулга чўкди. У энди таниганди. Юрак дукури қоронғу хона бўйлаб жаранг сочарди, гўё.

—Сиз?..

—Ҳа, мен. Узр, кеч бўлганда...

Улар бир муддат жим қолишди. Гўшак ортидаги кимса тилини тишлар, аёл эса юрагини ғижимлаётган алланарсадан ғашланарди.

—Нега қўнғироқ қилдингиз? -ниҳоят ўзини босиб олган аёл дадил гап бошлади.

Бундай оҳангни кутмаган кимса довдиради. У аёлдан бунчалар қатъийлик кутмаганди. Ахир у қачонлардир қаттиқ оҳангда гапириш тугул, овоз пардасини сал кўтаришдан ҳам ийманарди.

—Ўзгарибсан, -деди кимса хўрсиниб.

—Ҳа, одамлар ўзгаради. Ҳаёт шунақа экан!

Кимса бу сўзлар ўзига теккизилганини сезиб яна тилини тишлади.

—Гапиринг, менда нима ишингиз бор? -бу сафар аёл тоқатсизланди.

—Ўзим... сендан аҳвол сўрай дедим. Тунлари ухлолмайман, ўтган ишларни эслаб... сени уйғотиб юбордимми?

—Ҳа, қачонлардир менам ухламай чиқардим. Энди эса... ухламай чиқишга арзимайдиган одам учун куйиниб ўтирмайман.

—Шунчаликми? -кимса унинг сўзларидан ҳайратланди. Бир пайтлар у учун жонини беришга тайёр бўлган аёл бошқаю, гўшакдан гапираётган бу аёл бошқа эди.

—Ҳа, нима, қўнғироқ қилишим билан ўзини осмонга отади, деб кутганмидингиз?

Ҳа, кимса ич-ичидан шундай бўлишини истаганди. Ахир охири учрашувда ҳам аёлнинг кўзидаги мунг қайтинг, кутаман, деб ялинарди-ку...

—Кечир...

—Кечир? Нимани кечирай? Муҳаббатимизга оёқ кўйиб ташлаб кетганингизими? Ё оиламизни ўша аёлга алмаштирганингизими? Тўғри... сизга фарзанд туғиб беролмадим. Лекин бунчалик хўрлашингизга лойиқ эмасдим!

—Биламан. Барча айтганларинг ҳақиқат. Айб менда. Хато қилдим...

—Энди бундан нима наф?

—Юрак ютиб сенга буларни айтиш учун анча кутдим. Ниҳоят, қўнғироқ қилишга азм этгандим.

—Кераги йўқ эди. Мен сизни аллақачон унутиб бўлгандим.

—Унутдингми? -кимса шунчалик алам билан айтдики бу сўзни, аёлнинг бўғзидаги оғриқ юмшаб, кўз ёш бўлиб отилди.

—Ҳа, унутдим! -ҳайқирди у.

—Мен эса сени ўйлаб яшайман. Қилган хатойим менга қимматга тушди. Ўша аёл давлатимни севган экан, ишимдан айрилдим, у мени ташлаб кетди.

—Ҳа, қандай бўларкан? Ишонган одамнинг ташлаб кетиши алам қилгандир?

—Илтимос... мени баттар қийнама. Шундоғам...

—Ҳа, қийналган битта сиз. Мен эса тўрт йилдан бери интизор кутган одамимдан садо бўлмагач, севгимни дилимга кўмиб бўлганман.

—Севгини кўммайдилар. Севги йўлида синовлар бўларкан. Шу синовлар бизнинг бошимизга ҳам тушди, -кимса хўрсинди.

—Йўқ! Хиёнат -бу синов эмас. Кўра-била туриб умр йўлдошига ханжар санчиш бу!

—Ундай эмас... ўша пайт кўзларим кўр эди. Мени кечир, илтимос.

Аёл ўтган ҳаётини кўз олдига келтирди. Севишиб турмуш қурган икки ёш... Турмушларига беш йил тўлиб, аммо фарзанд кўриш бахтига муяссар бўлмаган оила... Шу сабабми, эҳтимол, кунда арзимас нарсалардан жанжал чиқарувчи эр... Ахийри бир аёлнинг ишваларига таслим бўлиб, уйдан бош олиб кетган хиёнаткор... “Қайтинг”, дея бўзлаб қолган хотин... Тўрт йил давомида юраги тошга айланган ёлғиз аёл...

—Қани, ёнингга бориб, кўзларингга қараб кечирим сўрай олсам.

—Келманг. Мен барибир кечирмайман!

—Ҳа, истаганимда ҳам бора олмайман.

Аёл қизиксинди:

—Нега?

Кимса жавоб беришга иккиланди:

—Боролмайман.

—Узоқ шаҳардамисиз? -аёл энди унинг аҳволига, ҳаётига қизиқа бошлади.

—Йўқ. Шу ерда, шу шаҳардаман. Ижарада яшайман.

—Ишингиздан нега кетдингиз?

—Ҳм... ўша аёл бойиб кетиш истагида мени ноқонуний йўлларга бошлади. Ўзим ҳам... афсус, ҳалол ризқимни харомга алиштирдим.

—Ёлғизмисиз? -аёл бу сўзни ўйламай айтиб юборди.

Унинг тақдирига бефарқ эмаслиги кимсани дадиллантирди:

—Ҳа. Икки йилдан бери.

—Унда нега... -аёл гапини охиригача етказолмади. Чунки икки йил аввал ҳам у эрини интизор кутаётган, қилган хатосини англаб етиб, кечирим сўраса кечиришга шай эди.

—Ҳа, ёнингга боролмадим. Боришни-ку жуда истардим. Лекин... имконим йўқ,

ҳеч қачон бўлмаса керак.

—Нима бўлди ўзи? -аёл ғазабини босиб олган, ҳудди аввалгидек мулойим оҳангда суҳбат қура бошлаганди.

Кимса айтмаса бўлмаслигини тушунди. Йўқса, у нотўғри тушуниши мумкин.

—Икки йил аввал... у боримни олиб қочиб кетгач, тушкунликка берилдим. Ўша тун... хатоларимни англаб, ёнингга кетаётгандим. Лекин насиб этмаган экан. Йўлни кесиб ўтаётганимда, ҳалокатга учрадим. Машина... мана, ўшандан бери ногиронлар аравасидаман. Икки оёғим ишламайди. Аслида... -аччиқ кулди кимса, -аслида бу гуноҳларим жазоси. Яхшики, кўлимда ҳунарим бор экан. Ўзимга ўхшаган одамлар билан устахонада ишлаб кунимни кўраяман. Шу давр ичида сени соғинмаган, кўришни истамаган куним бўлмади.

Аёл йиғларди. Шу пайтгача уни бахтли, аллақачон ўша аёл билан оила қуриб фарзандлар кўрган, собиқ оиласини эса тамоман унутган, деб ҳисобларди. Энди эса... на далда беришни билади ва на айблашни.

—Мен эса... сизни болалар қуршовида деб тасаввур қилардим.

—Болаларим... уларнинг онаси фақат сенгина бўлишга лойиқсан. Яратганга илтижо қилиб чиқардинг, биламан. Ўн, ўн беш йиллаб кутиб муродига етганлар бор. Мен эса...

—Маيلي, ўтган ишларни гапиришдан фойда йўқ. Ўтган иш ўтди.

—Сенинг ҳаётинг қандай кечди, билмайман ҳам...

—Оддий. Ўша ишимда ишлаб юрибман.

—Ҳаётингда... бошқа инсон учрагандир?

—Йўқ. Эркаклардан кўнглим совуганди.

Кимса енгил тортди.

—Сенга баъзан кўнғироқ қилиб турсам майлими? Агар малол келмаса...

Аёл ўйланди ва жавоб берди:

—Маيلي...

Кимса гўшакни кўйди. Аёл ўрнига ётдию, кўзларига уйқу инмади. Туни билан қачонлардир жонидан ортиқ кўрган, бор муҳаббатини бағишлаган инсонни ўйлаб чиқди. Ўша бахтли оиласини қумсади. Лекин... энди бари ўзгарган. Туйғулар ҳамми? Билмайди...

Тонг отди. Аёл ишга отланаркан, тезроқ уйга қайтишни, унинг яна кўнғироқ қилишини истаётганини ҳис этди...

ТЕЛБА ТАҚДИР

Уй эшигини ўз калити билан очган Рустам ичкаридан онасининг дод солиб йиғлаётганини эшитдию, ичкари хона сари шовди. Аёл тебранма стулнинг пойига чўкканча, ёйилган сочларини юлиб ҳайқирарди. Ўғлини кўриб ёшга тўла кўзлари янада намланди:

—Болам! Отанг... отангдан айрилиб қолдик-ку! Энди қандоқ қиламиз?! Кўнғироқ қилишди. Касалхонадан хабар беришди: даданг бечора автоҳалокатга учраб... ох, болам, Рустамжон!

Рустам онасини бағрига босди.

—Тинчланинг, ойи. Ҳаммаси жойида... бари яхши.

—Сингилларинг-чи? Ишқилиб, улар соғмикин? Бор, сен, уларнинг холидан хабар олгин, -она ўғлини силкиди, -балки отанг машинада эканида бирга бўлишгандир. Ахир... уларни мактабдан олиб келишга кетганди-ку? Сингилларинг ҳамон қайтмади...

—Хўп, ойи, хўп...

—Ёки... уларам ҳалок бўлдими, айт, менга! Ҳеч нимани яширма, ўғлим...

Рустам онасини авайлаб тебранма стулга ўтиргизди. Жавон тортмасидан тинчлантирувчи дорисини олиб ичирди.

—Энди қандоқ қиламиз-а... -ҳамон ҳиқилларди аёл.

—Бари ўтиб кетган, ойижон. Ахир... ахир бунга ўн йил бўлди, -Рустам оҳиста онасининг кўлидан ўпди. -Энди дастурхон ёзай. Қорним жуда оч қолди...

—Ишдан чарчаб келгансан, болам, -она дардини унутиб, дарҳол ўрнидан турди. -Ҳозир овқатланамиз. Анчадан бери палов дамламагандим. Бир ошхўрлик қилайлик...

Аёл ошхонага ўтиб кетди. Рустам эса кийимларини алмаштираркан, кеча ҳам онасининг “кўпдан бери ош қилмадим”, деб палов дамлаганини ўйлаб кулиб кўйди. Рустам бу каби ҳолатларга кўникиб қолган. Аммо... онаси анчадан бери отасининг вафот этганини эслаб фиғон солмаганди. Доим, ҳар доим отасини ишга кетган, ҳисобларди. Туни билан кута-кута ухлаб қоларди. Ўн йилдан бери шу...

Овқатланиб бўлишгач, Рустамнинг телефони куй таратиб қолди. Унинг юраги ғижимланди: суйган кизи. Бугун эшитган нохуш хабари туфайли бу гал телефон тугмачасини бахтга тўлиб эмас, ғамбода алфозда босди. Қизнинг ҳам ҳолати униқидан кам эмасди чоғи, бир-бирига нима деярларини билмай анча вақт жим қолишди. Кейин йигит унга эртага хиёбонда учрашиб гаплашиб олишларини таклиф қилди. Қиз рози бўлди.

Бугун Рустам Нигораникига совчиларини жўнатганди. Холаларини... Биринчи марта эмас. Аввалги сафар «ўйлаб кўрамиз», дейишганди, бу гал эса рад жавоби билан қайтишди. Рустам биларди: қиз тараф албатта номзод куёвни суриштиради. Суриштиргач эса... табиийки, кўнишмайди. Ахир... ахир йигит руҳий ҳаста онаси билан яшайди. Қайси ота-она қизини телба қайнонага топширарди? Йигит жавобини билардию, қиздан кўнглини узолмасди. Унинг обрўли, ўзига тўқ, Рустамлардан анча юқори турадиган оиладан чиққанини билсада, севгисини яшира олмади. Қизнинг ҳам кўнгли фақат унга чопди.

Қиз ўқишни тугатганига кўп бўлмай, ота-онаси уни узатиш ташвишига тушишди. Аввал «ўқияпман», деб баҳона қилиб юрарди, энди бу ҳақда жиддий ўйламасалар бўлмасди. Қиз Рустам билан шундай севишиб юраверишни маъқул биларди. Совчилар ҳақда ўйласа... ота-онаси йигитга бермасликларини жуда яхши биларди. Ўрталаридаги моддий тафовут-ку майли, аммо онаси... телба онаси туфайли ҳам ўлақолишса Рустамга беришмайди.

Охири бўлмади, Нигора Рустамга совчиларини юбориш вақти келганини айтди. Аввал ҳам бир неча марта элчиларини жўнатишга рухсат сўраган йигит бу гапдан ҳам мамнун, ҳам дилгир бўлди. Барибир бир кун шу синов қаршисида туришларини иккиси ҳам биларди... мана, вақти келди. Иккиси кутганидек, совчилар кескин рад этилди.

Нигора ётоқхонасида ёстикни кучганча ота-онаси билан бўлган суҳбатни сўзма сўз ўйлаб ётарди. Эртага Рустам билан учрашади. Унга нима дейди? Ота-онасининг шартини айтадимми? Йўқ, айтолмайди. Айтишнинг иложи ҳам йўқ. Такдир деганлари бунча чигал бўлмаса? Нега айнан унинг севган инсони шу кечмишга йўлиққан? Биринчи гал совчилар келгач, онаси йигитни суриштиришга тушганди. Қизи шу йигитда кўнгли

борлигини шипшигач, суриштирув ишларини чуқур олиб борди. Натижада эса бўлажак куёв оилада ёлғиз фарзанд экани, отаси ўлгани, эси оққан онаси билан каталакдек «дом»да туриши, яшаши ҳам хаминқадар экани маълум бўлди. Кетма кет айтилган “минус” тарафлар отага ҳам етиб борди. Шу асно узил кесил «йўқ» деган жавоб янгради. Совчиларга ҳам «кўрпасига қараб оёқ узатилиши» яхшигина тушунтирилди, шекилли, улар юзлари оқаринқираб бу хонадонни тарк этишди.

—Бунақа жиннилик насл суради, биласанми шуни? -тутоқди онаси, -нима, болаларинг ҳам «анақароқ» туғилишини истайсанми? Йиғиштир, севги -певгингни! Яна била туриб шуни танлагани-чи? Бир умр девона қайнонангнинг хизматини ўтамоқчимисан? Улар билан яшаб, ўзинг ҳам тентак бўлиб қоласан, эй, қиз!

—Касали ирсий эмас, -гапидан қолмади Нигора ҳам. -Турмуш ўртоғи ва қизларининг ҳалокатга учраб, улардан бир вақтда айрилиб қолганидан сўнг шунақа бўлиб қолган экан. Вақти билан даволаниб тураркан... яхши парвариш қилинса, тузалиб ҳам...

—Э, бунақалар тузалмайди, билдингми? Қайси ақл билан жиннининг ўғлини топдинг ўзи?!

Нигора билиб севди-ку? Унга Рустамнинг севгисидан бошқа нарса керак эмас. Бу дунёда уни ҳеч ким Рустамчалик авайламаслиги, бахтли қилолмаслигини ота-онасига қандай исботласин? Йиғлаб сиктади, бўлмади. Жиддийлик билан аҳдини тушунтирди, бўлмади. Охири...

—Рози бўлмасангиз, у билан қочиб кетаман! -дейишдан ўзга чора тополмади. Буни эшитган она анграйиб қолди. Мулойим ва одобли қизини «йўлдан урган» йигитни ичида тоза сўкди. Сўнгра отаси билан маслаҳатлашиб, бирор ножўя ишнинг олдини олиш учун унга ён беришди. Аммо...

—Йигитга айт, -деди онаси дона-дона қилиб, -агар сенга уйланишни истаса, онасини рухий ҳасталар шифохонасига топширсин! Мен сени жинни хотин билан яшашингни истамайман. Қўшнилари айтишди... бир хуружи тутиб қолса, ҳеч кимни танимас эмиш! Сеням келин қилганини эслолмай, супурги билан ҳайдаб солмасин, тағин! Хуллас, шу. Кўнса кўнди, кўнмаса ундан яхши. Баҳонада севгиси чин-ночинлигини билиб оласан. Даданг ҳам шу фикрда: ўзим яхши касалхона, керак бўлса ҳамшира ёллаймак, деяпти. Ҳаражатини ўйламасин... қайтанга шу шарт билан кўнаётганимизга дўпписини осмонга отсин. Қайси ота-она ўқиган, сеп-сарполи, ойдек қизини бунақа оилага топшириб кўяркин?

Нигора жимиб қолди. Ота-онаси нозик жойдан олишди. Йигитни бу гапга кўнмаслигини билишса ҳам керак. Нигора ҳам билади: Рустам онасидан воз кечмайди. Тоға ва холалари аввал ҳам неча марта шу гапни қўзғашган, аммо йигит кўнмаган экан. «Ўзим қарайман, бировга ишонмайман, онам менга суюниб қолган. Менсиз ҳам қолса, қандай чидайдим», дерди у.

Нигора ўйлай-ўйлай эртага йигитга бу ҳақда айтмасликка қарор қилди. Шунчаки яна сабр қилишларини билдиради. Балки вақти келиб ота-онаси уларни тушунишар? Шундай дейдию, ота-онасини норози қилиб оила қуришга ич-ичидан қарши бўлади. Нима қилсин унда?

Рустам белгиланган жойга анча эрта келди. Нигора келгунича фикрини жамлаб, буёғига нима қилишлари ҳақда ўй сурди. Қизнинг ҳам иложсизлигини билади. Шунча йил ўстирган, ўқитган, тарбия берган ота-онага қарши чиқиш осон эмас. Бир йигит туфайли улардан юз ўгириш ҳам ақлсизлик. Рустам буни тўғри тушунади. Ахир ўзи ҳам

онасидан ҳар қандай ҳолатда ҳам кеча олмайди-ку? Онаси совчилик ишларидан беҳабар ҳали. Бари ижобий якун топса, айтаман, деб юрганди. Онаси бундан қувониши аниқ. Сандиқда келинига деб атаб анча-мунча буюм йиққан. Баъзан рухий азоблар гирдобига тушиб қолса, баъзида эс-хуши жойидадек туюлади. Рустам келин тушса, онаси тузалиб кетишига негадир ишонади. Балки набиралар кулгуси унинг дардини фориг этар... Ахир дунёда мўъжизалар бор-ку?

Рустамнинг хаёлини қизнинг нозик овози учуриб юборди:

—Ассалому алайкум...

Сўрашишгач, ўриндиққа чўкишди. Нигора йигитнинг кўзларига тикилди. Агар ҳозир бир оғиз «ойингизни жиннихонага топширинг», десами... Рустамнинг меҳрли кўзларида аввал ҳайрат акс этиши, сўнгра «сендан буни кутмагандим», дегич аламли ёинки қаҳрли нигоҳ пайдо бўлишини тасаввур қилди. Жавобини ҳам билади: Рустам бундай қилмаслигини айтади. Сўнгра шунча йиллик маҳбубасидан бундайин шартни кутмаганини айтиб, уни тарк этади... бир умрга. Кўнглида унутолмаган ёр васли билан қийналиб яшайди. Эҳтимол, вақти келиб қизни унутар ҳам. Бироқ... ўша машъум шартни унута олмайди! Нигора шуни ўйлаб ух тортди.

Хўш, бир амаллаб ота-онасининг шартига йигитни кўндирса-чи? Кўз ёш биланми, маккорлик биланми... Онасини жиннихонага топшириб, ўзлари бахтли яшашармикин? Рустам ҳар куни унга таънали нигоҳларини тикмасмикин? «Онамдан айирдинг», деган сўзларни тилда бўлмасида, дилида такрорламасмикин? Йўқ, бунинг учун ўзини ва Нигорани бир умр айблаб ўтиши аниқ. Яхшиси... энг тўғри йўл бу...

—Рустам ака, -гап бошлади қиз, -туни билан ўйлаб чиқдим. Ота-онам... «агар севгинг чинлигига ишонсанг, майли, розимиз», дейишди. Мен эса... ўртамиздаги муносабатни чуқур таҳлил қилдим. Ўйлаб кўрсам... шунча йил сизга фақат боғланиб қолган эканман. Балки дунёқарашимиз яқинлиги учун шундай бўлгандир. Асл севги бунақа бўлмайди. Юрагимда Сиз деса ёниб тургувчи аланга йўқ. Қисқаси... сизга турмушга чиқолмайман. Менинг шахзодам сиз эмас, ўзга...

Қиз шундай деб ўрнидан турди-да, шахдам кетиб борди. Йигит эшитганлари ҳушимми, тушимми дея унинг ортидан эргашди. Аммо қиз ортига ўгирилиб:

—Изимдан келманг! -дея қатъий буюрди-да, йўл четидаги таксига ўтириб жўнаб кетди. Рустам бир муддат хаёлида ғужғон ўйнаётган сўзларни таҳлил қилишга уринди. Сўнг хардамхаёллик билан уйига кетди. Онаси сандиқ очганча, турфа матоларни тахлаб ўтирган экан.

—Кел, ўғлим. Вақтли қайтибсан? Мен бўлса, бўлажак келинимга, деб энг сара матоларни ажратиб ўтиргандим. Нега маъюссан, болам?

Она ўғлининг ҳолатини тез пайқади. Рустам жилмайишга уринмасин, онасининг тиззасига бош қўйдию, кўзлари намланганини пайқади.

—Келинингиз... келмайди, она, -деди шивирлаб. Сўнг онасига илк марта дардини ёрди:

—Уни жуда севардим... аммо у мени ташлаб кетди. Энди келмайди...

—Келади, болам, келади, -ўғлининг сочларини силади аёл. —Севса, албатта келади. Муҳаббат доғи ёмон. Бу доғда куймаслик учун ҳам келади. Айрилиқ-чи? Айрилиққа чидаш осонми? Осон бўлганда отанг ва сингилларинг дардида куярмидим шунчалик? У ҳам куймаслик учун келади. Сени кўзлаб келади... излаб келади. Йўқса... телба бўлади.

Рустам онасининг айтган теран сўзларидан таъсирланиб унинг кўзларига боқди. Она бўлса нигоҳларини деразадан ташқарига тикканча маҳзун пичирларди:

—Айрилиқ доғида куймаслик учун келади. Бир умр телба бўлмаслик учун келади...

КЎЗЛАРГА НУР СЕВГИ

Светофорнинг қизил чироғи ёнғач, қиз одимлашдан тўхтади. Елдек учаётган машиналарга боқар экан, беихтиёр ёнидаги кимсанинг ихчам, чиройли ҳассасига кўзи тушди. Кўзи ожизлар учун мўлжалланган бу каби асолар унга бегона эмасди. У ялт этиб ўнг тарафга боқди. Бир йигит турарди. Қора кўзойнак таққан ва шунга монанд плаш кийганди. Шивалаётган ёмғир унинг сочларини ҳийла намлаган, аммо у ёмғирни писанд этмай мағрур турарди.

Кўзи ожиз йигитнинг ҳамроҳи йўқ... Лекин у ўзига ишонган шекилли, машина товушларига қулоқ солиб, йўлка четида тўхташ лозимлигини тушунган эди. Қиз ихтиёрсиз равишда унга яқинлашиб соябонини тутди. Йигитдан ёқимли ис келарди... Қизнинг юраги қаттиқ урди. Бу ифор унга жуда-жуда таниш эди... Киприк қоқмай йигитга термулиб қолди. Ҳамроҳи уни пайқади.

—...Кимдир борми ёнимда? Илтимос, яшил чироқ ёнганда айтиб юборсангиз, -деди хиёл бурилиб.

Қизнинг хапқирган юраги тўхтаб қолаёзди. Йиқилиб тушмаслик учун йигитнинг қўлидаги ҳассани ушлади. Қўллари устига теккан иссиқ тафтни пайқаган кимса чап тарафига бурилиб оҳиста сўради.

—Кимсиз? Биз танишмизми? Нега жимсиз?

Қизнинг гапирмоққа тили айланмасди... Ёмғирга қўшилиб кўзларидан оқаётган ёшлар шўри лабларига туташди. Яшил чироқ ёнди. Аммо улар ўша жойда тек қотишганди... Боиси илиқ тафтли қўллар йигитга ҳам таниш туюлди...

Уч йил аввал

—Тўхтанг! Ҳали яшил чироқ ёнгани йўқ, -йигит ёнидаги қизнинг қўлидан ушлаб қолди. У аввалига қизнинг кўзлари ожиз эканини сезмаганди.

—Яшил ёнганда айтиб юборинг, -деди қиз йигитга эмас, аллақайқа маъносиз боққанча кулиб. Йигит яшилтоб кўзларга тикилиб қолди...

—Ёнди. Ўтдик энди... -йигит қизга ёрдам бермоққа шайланди. Аммо ихчамгина ҳасса ёрдамида йўлда бир текис юриб кетаётган қизни кўриб ёрдамга мухтож эмаслигини пайқади. Қиз бу йўлларни чамаси яхши билар, пиёдалар йўлкасидан ўтгач ўнг тарафга бурилди-да, ҳассасини енгил тўқиллатиб юра кетди.

—Қаерга ошиқяпсиз? -деди йигит унинг ортидан қолмай.

—Учрашувим бор эди, биринчи кундан кечикмай дедим, -қиз худди эски танишлардек самимий сўзларди.

—Шундайми? Мен ҳам ишга шошяпман. Йўлимиз бир экан...

Йигит яна нималардир дегиси келдию, тилига арзирли сўз келмади. Бир муддат жим кетишди.

—Сал нарида қўлмак бор экан, -йигит беихтиёр қизнинг қўлидан тутиб тўхтатди. -Келинг, айланиб ўтамиз.

—Майли. Мен кўлмакларни босиб ўрганиб кетганман. Шунинг учун сув ўтмайдиган босоножка кийиб юраман, қаранг, -у оёқларига имо қилди.

—Чиройли оёқ кийим экан,- йигит мулозамат қилган бўлди.

—Чиройлими, йўқми, билмадим. Уни кўрмаганман, -кулиб юборди қиз. -Аммо иссиққина. Баҳорги ёғингарчилик учун қулай.

Йигит хижолат тортиб узр сўради. Қиз ўзидан кўра сўзомоллиги қўл келиб, у ёғига сўзлашиб кетишди.

—Хўш... -қиз бирдан тўхтади. -Мана, эллик қадамча юрдим. Қаранг-чи, шу атрофда «Бахтли инсон» деган маслаҳатхона кўринмайдими?

—Кўриняпти. Мен ўша ерда ишлайман, -хурсанд бўлиб кетди йигит. -Қани, юринг ичкарига кирамиз.

—Раҳмат, сизга. Ишингизга бораверинг. Қолганини ўзим эплайман... -қиз йигитга қўл силкиб хайрлашган бўлди.

Йигит қизни қабулхонада қолдириб, иш кабинетига кирди. Мижозини тезроқ жўнатиб яна қайтиб чиқишни, ўша қиз билан кўришишни истарди. Сал туриб учрашув белгилаган мижоз кириб келди. Бу... ўша қиз эди.

—Кирсам майлими? Кеча қабулингизга ёзилгандим, -иккиланганча эшикдан мўралади у.

—Марҳамат! —уни жилмайиб қарши йигит.

Уни овозини таниган қиз негадир ўйғайсизланди. Йигит уни курсига бошлади.

—Шу ерга ўтириб жойлашиб олинг... Сизни тинглайман. Тортинманг... -деярли барча мижозлари аввалига ийманишини табиий қабул қилган рухшунос йигит ўз курсисига ўтирди.

Қизнинг айтар дардлари кўп эди... Лекин ичидагиларни бутунлай нотаниш инсонга айтиб енгил тортишни истарди. Бир муддат суҳбатга киришган бу инсон билан у энди таниш эди.

—Ҳолатингизни тушуниб турибман, -йигит касбига кўра унга далда бўлувчи сўзлардан топиб гапирди. -Кўнглингизни бўшатиш... Мен рухшуносман. Кўчадаги йигит эса оддий йўловчи эди. Уни унутинг.

—Мен ёруғ дунёни кўрмаганман, -тилга кирди мижоз, -Бунга кўникиб ҳам кетганман. Ҳамма нарсанинг исига, овозига қараб ажратаман. Ушлаб кўраман, эшитаман, ҳис этаман... Кўзларим туғма ожиз. Мен шу кунгача бундан нолимаганман. Бирок... -қизнинг кўзларида ёш халқаланди. -Яқинда олийгоҳ талабаси бўлдим. Шу вақтгача кўзи ожизлар мактабида ўқиганим учун ўзимни бировдан кам ҳис этмасдим. Олийгоҳда ҳамма соғлом инсонлар ўқиркан. Ота-онам фикримдан қайтаришга уринсада, ҳаётда ўз ўрнимни топиш учун, келажакда устозлик мақомига эришиш, ўзимга ўхшаган кўзи ожиз болажонларни ўқитиш учун шу йўлни танладим. Адашган кўринаман... ўқишнинг илк кунларидаёқ кўнглим чўкиб қолди. Ҳамма мендан ўзини нари оляпти. Нима қилай, доктор? Бу тушкунликдан қандай қутулай? Менга ёрдам беринг...

Йигит шу тоб унинг кўзларига маҳлиё бўлганча тек қотганди... Айтадиган сўзини ҳам унутди. Бундай пайтда руҳиятни кўтарувчи жумлалар ёдидан чиқди. Ундан далда кутаётган қиз олдида ўзини ожиз сезди.

—Мен... -деди ниҳоят тилга кириб. -Сизга ёрдам бераман. Қаерда ўқийсиз?

Олий таълим муассаси номини билиб олгач, қиз билан хайрлашди. Эртага ўша ерда учрашишга келишишди. Йигит барча мижозлари билан учрашувларни тўхтатиб, бир неча ой шу қиз билан шуғулланишга қарор қилганди. Эртасига олийгоҳ маъмурияти билан учрашди. Биринчи курсда таҳсил олаётган ногирон қизга жамиятга киришиб кетиш учун рухшунос сифатида ёрдам беришига шароит яратиб беришларини сўради.

Бунинг учун қиз билан барча дарсларда қатнашиши керак эди.

Аудиторияга секин кириб келган қиз доимий жойига ўтирди. Бошини ҳам қилиб сумкасидан диктофонини чиқарди. У домлаларнинг маърузасини диктофонга ёзиб олиб уйда тинглар ва ёдда сақлашга уринарди.

—Салом, -деди унинг партадоши.

—Сиз? -қиз унинг унинг овозини дарҳол таниди. -Бу ерда нима қиляпсиз?

—Энди вақтинча курсдошингизман. Сизга ёрдам бераман, дедим-ку...

Қиз жилмайди. Сабаби шу вақтгача ҳеч ким унга партадош бўлмаганди.

Ўтган вақт мобайнида йигит унга кўлидан келганча янги муҳитга кўникишига ёрдам берди. Курсдошлари билан мулоқотга киришиш, семинарларда бемалол фикрини ифода этиш, домлаларга ўзини қизиқтирган саволларни беришни ўрганди қиз. Йигит бу йўлда интернетдан кўзи ожизлар билан ишлаш ҳақдаги психологик китобларни ҳам ўрганиб чиқди. У бу ишни нафақат касбий тарафдан, балки инсонийлик... ва яна қандайдир ички ҳиссиётлар оғушида бажарар, кун сари миждозиде кечаётган ижобий ўзгаришлар уни руҳлантирарди. Кўп ўтмай қиз ўзини шу аутирориянинг бир бўлагидек ҳис этди.

Бир куни йигит келмади. Қиз бир муддат ўзини ёлғиздек ҳис этди. Аммо руҳшунос айтганидек, ўзидаги ишончни йўқотмади. Чунки йигит «бир куни ёнингда йўқ бўлиб қолсам ҳам ўзингга ишон ва йўлингга давом эт», деганди. Қиз синовдан яхши ўтди...

У йигитни бошқа кўрмайманми, деб кўрққанди. Йўқ, у дарсдан сўнг ташқарида қизни қарши олди.

—Бу сизга, -деди кўлидаги гулларни қизнинг кўлига тутқазиб. -Менимча, дарс яхши ўтган.

—Раҳмат... -қиз кўлидаги гулдастани ҳидлади. -Настарин... шу ифорни жуда яхши кўраман. Баҳорнинг иси...

—Унда юринг... сизни гуллар тўла боққа олиб бораман, -йигит ниҳоят қизни учрашувга таклиф этди. Қиз шу заҳоти рад этади, деб ўйлаганди, аммо... қиз жилмайди. Хиёбон бўйлаб бир текис терилган ўрик қийғос гуллабди. Унинг ифори чиндан ҳам одамни маст қиларди.

—Баҳорни яхши кўраман, -аста қадам босиб кетишар экан қиз бахтдан энтикди. -Чунки баҳордан муаттар бўй таралади.

—Мен ҳам... -йигит кўнглида туғён ураётган ҳисларни ниҳоят қизга билдиришга қарор қилди. -Сизни яхши кўраман...

Қиз бунга эшитмаганга олдимми ё йигитнинг овози паст чиқдимми, жавоб бўлмади. Қиз ҳамон жилмайганча, ҳудди боғнинг гўзаллигини кўриб унга маҳлиё бўлгандек кетиб борарди.

—Сиздан ёқимли ис келади, -деди қиз бир оздан сўнг. Шу кўйи индамади. Йигит ҳам ўзига керакли сўзларни эшитганди. Бахтдан масрур ошиқларнинг фақат диллари сўзлашарди, чоғи.

Кунлар ўтди. Вақт уларни янада боғлади. Қиз кўрмасада севиб қолди. Йигитнинг қалбини суйди.

—Сизни кўргим келяпти, -қиз кўллари билан йигитнинг юзига илк бора тегинди. -Ҳали шу пайтгача кимнидир бунчалар кўргим келмаганди.

—Кўрасиз... Шифокорлар айтди, албатта кўра оларкансиз!

—Шу вақтгача умрбод шундай ўтаман, деб ўйлагандим. Сиз... умид бердингиз.

Бир неча кун олдин йигит чет эллик шифокорлар билан интернет орқали суҳбат

куриб, қизнинг тиббий таҳлилларини юборганди. Донор топилса қизни операция қилиш учун бемалол олиб келишларини айтишди. Аммо... ўша донор сира топилмасди. Навбатга турганлар умр бўйи донор кутиб ўтиб кетишини англагач йигит хаёлчан бўлиб қолди. У қизни тингламас, бир нуқтага тикилганча ўй сурарди. Бу қизнинг назаридан четда қолмади.

—Мендан узоқлардасиз... -деди сокин товушда.

—Ҳа... -йигит ўрнидан турди. -Асли узоқ бўлганим маъқул экан.

У кетди. Доимий ўриндиқларида ёлғиз қолган қиз уни қайтиб кўрмади. Фақат кўл телефонига овозли хабар келди, холос. “Мени унут. Мен умрбод кўра олмайдиган инсон билан ҳаётимни боғлолмайман.” Шундан сўнг қизнинг ҳаёти чин маънода зулматга чўмди.

«Донор топилди!» Кўп ўтмай қиз қаршилаган бу хушxabар зулматни ҳам парчалай олмади. Ота-онаси топганини йиғиб, қувонганча уни чет элга олиб боришди. Бу кунни узоқ кутган қиз кўнглида қувонч йўқ эди, аммо. Операциядан сўнг кўзларини очиб атрофдагиларга хайрат билан тикилди. Шундай эканда дунё? Онаси, отаси... уларни кўл тафтидан таниди. Қиз кўзлари орқали олам билан танишар экан, бир муддат йигит ҳақдаги оғрикли хаёлларидан чекинди... Вақт ўтиб у бевафони ўйлаб йиғламай кўйди. Шунчаки барини тақдирга йўйди.

...Мана ўшал бевафо унинг ёнида турибди.

—Сиз... сизни танийман, -деди қиз унга қараб. -Сизни аввал кўрмаганман. Аммо бу ифор, бу овоз менга бегона эмас.

Йигит қалқиб кетди. Қизнинг овозини эшитиб дарҳол йўлни кесиб ўтишга, ундан йироқлашишга интилди. Қизил чироқ ёнганига қарамай жадал олдинга интилди. Машиналар сигналига эътибор бермай ундан қочди. Юра юра анча олислади. Нафасини ростлаб, атрофга кулоқ тутди. Фақат ёмғир шивири эшитиларди. «Ҳайрият», пичирлади йигит. Сўнг оҳиста йўлида давом этди. У бугун ҳам ўзи каби кўзи ожизлар билан йиғилиб, ҳунар ўрганмоқда. Ҳарна, ҳаётида ширин хотиралар бор... унга далда бўляпти.

Йигитнинг ёнида эса қиз сас чиқармай у билан одимларди. У ҳам беихтиёр кўзларини юмиб олган, эски хотиралар оғушида дадил қадам ташларди. У энди донор кимлигини билганди... Билиши билан юрагида чексиз азоб пайдо бўлди. Аммо бу азоб бирдан ечилди. Чунки нафратига лойиқ инсон асли ҳақиқий вафодори эканидан дили таскин топганди. Яна у ўша инсонни учратганидан чексиз бахтиёр эди.

—Сиздан ёқимли ис келади, -деди ҳавони чуқур симираркан қиз.

Йигит бир қур тўхтаб қолди. Овоз эгасидан юзини четга бурди.

—Айтганман-ку... Ёнингда йўқ бўлиб қолсам ҳам ўзингга ишон ва йўлингга давом эт, - у икки ўт орасида қолгандек бир муддат иккиланди-да, олдинга юрди.

—Мен ўз йўлимдаман, -йигитга эргашди қиз.

Улар гуллаётган бодом остидан ўтишар экан, тўкилаётган майин гул япроқлари юзларини ялаб ўтар, бу ҳис эса ҳар иккисининг қалбида ўчмаган муҳаббатларини аланга олдиранди. Қиз ҳеч қачон унинг ёнидан жилмасликка аҳд қилди. Йигит эса бу бахтидан ҳали беxabар эди...

КЎК ГАЛСТУКЛИ ЙИГИТ

—Шоҳида, сенга зўр янгилигим бор, -шўх-шаддод Гули тонг сахардан дугонасига сим қокди. -Бугун учрашувга чиқаман!

Ҳеч бахти очилмаётган ўртоғининг бундай хушxabари Шоҳидани ҳам хурсанд қилди. Чин дилдан қутлади.

—Совчилар ота-онангга ҳам маъқул келдими? -сўради у уйғониб кетган ўғлини овулар экан.

—Ҳали совчи-повчини кўя тур. Аввал кўришайлик-чи... У билан Интернетда танишиб қолдик. Ўзиям уч ойдан бери пинҳона ёзишамиз. Ниҳоят, бугун учрашувга кўндирди. Гаплари ақлли-ақлли, яхши йигитга ўхшайди.

—Суратини кўрганмисан ишқилиб? -Шоҳида ёқасини ушлади. -Ховлиқиб розилик бериб кўйма тағин, аввал яхшилаб сина...

—Учрашайлик-чи, турк-таровати маъқул келса, кейин синашаверамиз-да. Сенга кўнғироқ қилганим боиси, менга шерик бўлсанг. Ўзим тортинаяпман...

—Ҳай, майли, поччангга бирор баҳона топармиз. Ахир минг йиллик дугонамсан...

Шу тариқа икки дугона учрашув вақти ва жойини белгилашди. Шоҳида турмуш ўртоғини ишга кузатиб, ўғлини боғчага топширди-да, уйларни бир қатор тартибга келтириб, ўзи ҳам кийинди. Баҳонада бир неча ойдан бери кўришмаган дугонаси билан маза қилиб чақчақлашишади. Шу боис учрашувдан ярим соат аввал дугоналар учрашишга келишиб олишганди.

Шоҳида эски синфдош дугонаси ҳақда йўл бўйи ўйлаб кетди. Нақадар қалин ўртоқ бўлишганди. Шоҳида ва Акбар мактабда бир-бирини яхши кўриб юришганда шу Гули ўртада воситачилик қиларди. Болаликдаги соф туйғулар ниҳолдек нозик бўларкан. Шоҳиданинг дадаси мактабни тугатиши билан дўстининг ўғлига унашиб қўйди. Аммо коллежни битиришини кутишди. Сўнг тўй ҳам бўлди. Қиз Акбар ҳақда ҳеч кимга лом лим деёлмади. Гулига осилиб йиғлади...

Гули эса ўқишга кираман, деб шаҳарга кетди. Мана, битирувчи курс, яқинда диплом олади. Лекин қишлоқда яшашни истамай совчиларни рад этиб келарди. Мана, энди бахтини топди, шекилли. Шоҳида ҳам тўйидан сўнг турмуш ўртоғи билан шаҳарга кўчиб келишди. Эри яхши жойда ишлайди. Карьера қиламан, деб шу ерларда юрибди. Шоҳида ҳам мусофирчиликка кўникди. Оилани муқаддас санаб Акбар ҳақда ўйлашга ҳам чўчийди.

Гули Шоҳидани қаҳвахонада кутиб олди. Қарама қарши стулларга чўкиб, шарбат буюришди. Узоқ ҳол-аҳвол сўрашишди.

—Шунақа гаплар, дугон... Биласан-ку, ҳам ўқидим, ҳам ишладим, шаҳарда қоламан, деб ҳамма совчиларни қайтардим. Эҳтимол... шу инсон чин бахтимдир. У кўнглимга жуда яқиндек. Дунёқарашимиз ҳам ўхшайди.

—Илойим... -Шоҳида дугонасининг кўлига кафтини қўйди. -Мана, мен ҳам турмушга чикқач оила нималигини англадим. Тўғри, совчилар орқали бир-биримизни таниб улгурмай турмуш курдик. Ҳаёт шу эканда... Нолимайман.

—Хўш, поччам сени севадимми?

Шоҳида ўйланиб қолди. У бу саволни аввал ҳам ўзига кўп бора берган, бироқ жавоб тополмаганди.

—Қайдам...

Унинг маҳзунлашганини пайқаган Гули гапни бошқа ёққа бурди.

—Майли, муҳими, сизлар бир оиласизлар! Ширин фарзандингиз бор! Э, ҳозир тузук-курук эр топиш қийин. Шунинг учун айрим енгилтабиат қизлар бой ва обрўли эркакларга осилишяпти. Ҳатто хотини, бола-чақасини ташлаб ўшанақаларга илакишиб кетаётганлар қанча! Эҳтиёт бўл, азизам. Поччамнинг кўнглига қара. Гўзаллик салонларига бор, чиройли кийимлар кий! Ахир аввал қандай хурлиқо эдинг!

Шоҳида тортиниб шарбатдан хўплади. Ҳа, чиндан ҳам фарзандли бўлиб, уйда ўтириб қолгач ўзига тузукроқ разм солмапти. Бугунги учрашувга ҳам кўзига қалам суриб, сочини орқага танғиб, одми либосига келаверибди. Гули эса қошларини ингичка тердириб олган, икки ёноғи қизилга бўялган, сочлари эса жингалакланган. Шоҳиданинг назаридан пушти рангга бўялган узун тирноқлар ҳам четда қолмади.

Шоҳида жилмайди:

—Кўринишини билмасанг, қандай бир-бирингизни таниб оласизлар?

—Айтганман... пушти шляпада бўламан деб, -Гули бош кийимига ишора қилди. -Ўзи таниб келаверади ёнимга. У ҳам кўк галстукда бўлармиш... Имижидан ишбилармонга ўхшайди. Вой... -Гули тўғрига қараб жилмайиб қўйди. -Мовий галстукли кимдир келаяпти...

У шундай деб бошини эгди. Шоҳида ўгирилиб қарашга ийманди-да, бошини дераза тарафга бурди.

—Куттириб кўйганга ўхшайман? -ўнг тарафдан янграган овоз Шоҳиданинг юрагини тўхтатиб кўйгандек бўлди. Шаҳд билан ўгирилди.

Бир Гулига, бир Шоҳидага анграйган йигит талмовсираганча бўйнидаги галстукни бўшатди. Шоҳида бўлса эрталаб ўз қўллари билан тақиб кўйган галстукка тикилиб қолганди...

МУҲАББАТ СИНОВИ

—Тўйимиздан сўнг яшайдиган уйимизни кўргим келаяпти! -деди Лазиза йигитга эркаланиб. -Совчи юборишдан аввал суратга олиб келинг! Баҳонада ойимга ҳам кўрсатаман, оилавий суратингиз бўлса яна яхши.

Бобур бу гапдан кулди.

—Тўйдан кейин сюрприз бўлгани яхши эмасми? Нон синдирилиши билан хоналаримизни таъмирлашни бошлайман. Ўзимиз истагандек барчаси оппоқ рангда бўлади!

Лазиза барибир кўймади.

—Йўқ, йўқ, Бобур ака! Аввал кўришим керак!

Йигитга бу гап «совчиларга розилик билдиришдан аввал қандай шароитда, қанақа уйда яшашимга амин бўлишим шарт», дегандек эшитилди. Истар истамас рози бўлди. Кўнглининг қаеридир хижил тортиди.

—Майли, эртага электрон почтангга юбораман.

Суратларни жўнатгач, Лазизадан хабар кутди. Куни билан беш-олти марта СМС ёзиб йигитдан ҳол сўрайдиган қиз негадир узоқ куттирди. Ўзи кўнғироқ қилса рақам ўчирилган. Эртасига эса дарсдан сўнг Бобур уни факультет хиёбонида кутиб ўтирди.

Лазиза ўқув биносидан чиқдию, дугоналари куршовида бино қаршисидаги тамаддихонага кириб кетишди. Бобур шунча қиз орасидан “Лазиза” деб чақиришга ийманди. Яхшики, Лазизанинг яқин дугонаси Диёра уни кўриб қолди.

—Вой, Лази, қара. Бобур! Ёнига бормайсанми?

Лазиза уни эшитмагандек қўл силтади.

—Йўқ, -сўнг дугонасининг қулоғига пичирлади. -Бир иш қил, ўртоқ. Ёнига боргинда, мени ортиқ безовта қилмаслигини тушунтириб қўй. Кўргим келмаяпти уни!

—Нега? -хайрон бўлди Диёра. -Ахир олти ойдан буён Бобур акам, деб тилингдан бол томарди. Ё урушиб қолдингми?

Тамаддихонага кириб, икки қиз четдаги алоҳида столга ўтиришдида, дил дафтарини очишди.

—Уни кўринишидан туппа тузук оила боласи, деб ўйлардим. Кеча дегин, уйининг расмларини юборибди. Кўрсатишга уяламан сенга, ҳатто! Уйми бу харобами? Нураб, йиқилай деб турибди. Бирам тор-танқис, ўзимни ўша уйда тасаввур қилсам бўғилиб ўляпман! Шунга... гаплашишга тоқатим ҳам йўқ.

Диёра кўзларини ойна ташқарисига тикиб, ҳамон уларни кутаётган йигитга қаради. Бобур... юқори курсдаги бу йигит айна Диёранинг орзусидаги инсон эди. Бироқ бахт дугонасига кулиб боқди. Йигит илк марта Диёрага мактуб тутқазди. Юраги аллақандай ҳаяжонга тўлганида, Бобурнинг сўзлари қалбини парчалади.

—Бунинг дугонангиз Лазизага бериб қўйсангиз...

Шу-шу орада бир неча марта хат элтувчи бўлгач, иккиси топишиб олди. Яқин кунларда Бобур совчи юбориш дардида юрган эди. Мана, охири нима билан тугабди. Диёра дугонасининг қўлидан тутди.

—Лазижон, у сени севади-ку? Бобур ақли, ишбилармон йигит, келажакда ўз уйингизни қуриб, бахтли яшайсизлар. Нега муҳаббатингдан юз ўгирияпсан?

Лазиза дугонасининг китобий сўзларидан энсаси қотиб, ўрnidан турди.

—Бўлди. Мен қизларнинг ёнида ўтираман. Сен эса унга айт! Ортимдан бошқа юрмасин. Илтимос, Диёш! Хўп дегин.

Қиз кетгач Диёра ҳам мажбур ўрnidан турди. Ташқарига чиқиб, ўйчан йигит қаршисида тўхтади.

—Ассалому алайкум.

—Яхшимисиз, Диёра? Лазиза чиқмадимми? Уни кутиб тургандим.

—Ҳа, раҳмат. Биласизми, унинг вақт йўқ шекилли. Ҳалиги... кайфиятиям йўқроқ. Балки бошқа кун келарсиз.

Бобур мийиғида кулди.

—Кайфиятига мободо кечаги суратлар сабаб эмасми?

Диёра жавоб беролмай мум тишлади.

—Ундай бўлса, дугонангизга айтиб қўйинг. Мени ортиқ безовта қилмасин. Ҳаммасини тушундим.

Бобур кетди. Диёра унинг ортидан тасалли бермоқчи бўлдию, тилига сўз келмади. Ўртада сарсон муҳаббатга ачинди, холос. Шу билан орадан бир ой ўтгач Бобур ўқишни тамомлаб кетди. Қизлар ҳам таътилга чиқишди. Лазиза эса ўша ёз турмушга чиқди. Диёра дугонаси аллақачон Бобурни унутиб, бошқаси билан топишганидан беҳабар қолди. Дугоналик хурмати тўйда унга чиройли тилаклар билдирди.

Бир йил ўтиб Диёрани ҳам узатиш ташвишига тушишди.

—Совчилар қўймаяпти, қизим. У аёл билан бирга ишлаймиз. Нега марта ишхонамга

борганинга сени кўриб ёктирибди ҳамкасбим. “Ўғлим билан бир марта учрашсин”, деб ҳар кун сўрайди... Бир кўргин, болам. Ёқмаса, рад этаверасан.

Диёрани кўндиришди. Учрашув эса кутилмаган танишув бўлди.

—Сиз? -иккиси ҳам бир бирига қараб қолишди.

Диёра қаршисида Бобурни кўраман, деб сира ўйламаганди.

Йигит ўнғайсизланди.

—Очиғи... ойим топган қиз сиз эканингизни билмагандим. Узр, Диёра. Ҳижолатдаман.

Бир муддат жим бўлиб қолишди.

—Келинг, бироз ўтирамыз, -қизни ўриндиққа таклиф қилди йигит. -Талабалик йилларини эслашамиз.

Шундай дедию, Лазизага шама қилгандек туюлиб, тилини тишлади.

—Ҳижолат бўлманг... Лазизани сўрасангиз, ҳозир оилали.

—Йўқ, мени нотўғри тушундингиз. У ҳақда сира билишни истамайман. Ўзингиз... яхшимисиз?

—Раҳмат... -шу билан суҳбатлари уланиб, у ёқдан бу ёқдан сўзлашдилар. Учрашув сўнггида Бобур унга ичидагини айтди.

—Кўнглимдан хабардорсиз, рад қилсангиз хафа бўлмайман. Дугонасини севган йигитга турмушга чиқиш... биламан, бунинг истамайсиз. Майли. Соғ бўлинг, Диёра.

Диёра ҳам хайрлашиб уйи сари кетди.

Эртасига қиз тараф рози бўлганини эшитган Бобурнинг кўнгли аллақандай бўлди. Шунда эрталабдан бери қўли ишга борма қизнинг жавобини кутаётганини пайқайди. Лекин... кўнглига туккан саволини Диёрага СМС тарзида иккиланганча жўнатди.

“Уйимнинг суратларини юборайми?”

Жавоб кўп куттирмади: “Йўқ. Кўнгил уйининг сурати бўлмайди”.

Диёра келинлик либосида янги уйига қадам босди. Кенг ҳовли, нақшинкор дарзова, зийнатли хоналарни кутмагани учунми, турмуш ўртоғига ажабланиб боқар, аммо дилидаги савол беролмасди. Эрта тонгда уйғонгач, Бобур унинг қўлларидан тутиб, гап бошлади.

—Ҳаётимиз боғланар экан, сенга бир гап айтаман. Икки жуфт аввало, бир-бирининг юрагида яшайди. Мен ҳамиша қалбим уйининг маликасини изладим. Уни топдим ҳам. Чин муҳаббат эгалари ҳаёт синовларини енгиб биргина соябон остида умр ўтказсалар ҳам қоша бўлиб кўринади. Мен ўшанда дугонангизга... ўз уйимни эмас, маҳалламиз четидаги овлоқ уй суратларини жўнатгандим. Бу бир синов эди. Синовимдан ўтмаганлар кўнглим уйига бегона. Энди эса... энди бахтлиман. Кўнгил уйингдан менгаям жой берасанми?

Келинчак табассумидан нур томгандек бўлди...

ВИРТУАЛ СЕВГИ

Эндигина ишдан келган янги куёв ошхонага мўралади:

—Бугун нима овқат экан?

—Мастава, -қўлидаги телефонини чиқирлатиб қозон кавлаётган келин бепарво жавоб берди.

—Яна маставами? -эр уф тортиб, иш кабинетига йўл олди, -бугун қорним тўқ.

Чала ишларим бор, шуларни тугатиб олай...

—Ўзингиз биласиз, -аёл ҳам қозонга сув солиб, бамайлихотир диванга ўтириб телефон экранига тикилди.

Эркак нетбукни ёқиши билан кетма кет хабар келди.

Daisy: Салом, Тигер. Ишдан келдингизми? Нега жимсиз ё бандмисиз?

Tiger: Узр, ишдан эндигина келдим.

Daisy: Унда овқатланиб олинг. Онангиз нима овқат тайёрлабдилар?

Tiger: Палов.

Daisy: О, ёқимли иштаха.

Tiger: Раҳмат. Овқат қочмас, ўзингиз қалайсиз? Ўқишларингиз-чи?

Daisy: Ҳаммаси жойида. Яқинда дипломни ҳам оламан.

Tiger: Табриклайман! Ўқиш тугагач, турмушга ҳам чиқсангиз керак...

Daisy: Балки... Ҳозир келаман.

Дейзи шундай деб чатдан вақтинча чиқиб кетди. Эркак шу баҳона кийимларини ечгани ётоққа ўтди. Хотини овқатга гуруч солаётган экан.

—Намунча қовоғинг солиқ? -сўради эркак.

—Ўзим...

Уч ойдирки, янги келиннинг тумшайиб юришидан зериккан эр ҳам охири унга гапиргиси келмай қолганди. Ота-онаси тўйдан кейиноқ алоҳида чиқариб бекор қилишган, шекилли. Бунақа камгап ва ичимдагини топ хилидан эканини билганида, учрашувдан сўнг катталарга йўқ деган бўларди. Аммо келин онасига ёқиб қолдию, тезда тўйни ўтказиб юборишди. Мана энди... бир уйда икки бегона яшаб келмоқда. Яхшиямки, ҳаётида Дейзи бор. Аввалроқ шу қиз билан танишганида бахти кулиб кетармиди...

Аёл эрига зимдан тикилди. Хаёллари аллақарларда. Онасига қанча ялинди: уни севмайман, рози бўлманглар... “Ундан кимни севасан?” Бу саволга жавоб бера олмади. Чунки севган инсони “виртуал одам” эди. Икки йилдан бери ижтимоий тармоқда ўзаро суҳбатлашиб қиз уни ёқтириб қолганди. Бироқ йигитдан учрашайлик, деган садо бўлмади... Умрида кўрмаган одамани деб курашишдан фойда бўлмасди. Хуллас, тўйи бўлди. Аммо... тўйдан кейин ҳам келинчак виртуал одамани унута олмади. Кунда кунора гаплашишдан ўзини тўхтатолмайди. Унга турмушга чиққанини айтолмади ҳам...

Эркакнинг қорни оч эди, барибир овқатни эди. Кейин хотинига:

—Керакли хужжатларни тахлашим керак, безовта қилма, -дедию яна хос хонасига йўл олди. Аёл ҳам идишларни ювгач, ётоқхонага кириб кетди. Эри доимгидек икки соатсиз бўшамаслиги аниқ. Унгача эса...

Tiger: Қаранг, шунча йилдан бери гаплашар эканмиз, на суратимизни кўрганмиз, на ҳақиқий исмишимизни айтганмиз.

Daisy: Ўзингиз бошида шунга кўнгандингиз-ку?

Tiger: Энди кўргим келяпти... Ҳеч бўлмаса исмингизни айтдинг?

Daisy: Бундан нима фойда?

Эркак ҳам бундан нима фойдалигини ўйлаб важ тополмади.

Tiger: Ундай бўлса бир бора суратингизни юборинг!

Daisy: Сиздан бўлсин...

Tiger: Майли! Фақат мендан сўнг сиз ҳам албатта, жўнатасиз.

Daisy: Келишдик.

Эркак нима бўлса бўлди, деди-да унга суратини жўнатди...

Беш дақиқа ўтди ҳамки, ундан дарак йўқ.

Tiger: Кўрқиб кетдингизми, дейман? -охири ўзи ёзди.

Алоов...

Шу ердасиз?

Чат ўчди. Эркак у мени умуман бошқача тасаввур қилган бўлса керак, деган ўй билан нетбукни ёпди. Секин ётоққа кирди. Қараса... хотини йиғлаб ўтирибди.

—Сенга нима бўлди?

Аёл тура солиб эрининг бағрига отилди.

—Тинчликми?

—Тигер... Ўзимнинг тигерим.

Аввалига ҳеч нимани тушунмай турган эркакнинг шув этиб онгига етиб борган ҳақиқат зарбаси баданини музлатиб юборди.

—Сен... Дейзимисан?

Иккиси бир-бирига қараганча жим қолишди. Бир-бирини топган муҳаббат соҳиблари ўртасида Хиёнат деган катта девор ҳам пайдо бўлганди. Энди буёғига бир нима дейишга ҳар иккиси ҳам ожиз эдилар...

ТУШДАГИ МУҲАББАТ

Уни биринчи марта тушимда кўргандим.

Ўшанда шамоллаб қолдим. Тушимда алаҳлаб кўрқиб чиқибман. Қоронғу тун, жала куйяпти. Ортимдан бир гала итлар қувармишу мен эса чополмасмишман. Оёқларим ўзимга бўйсунмас экан. Бир ит ириллаб менга хамла қилар чоғ шарпа пайдо бўлди. У кўлидаги хивчин билан итларни ҳайдади. Кун ёришиб кетгандек бўлди. Қуёш нурлари остида ҳалоскоримга боқибман. Алпқомат йигит жингалак сочлари тушиб турган меҳрли кўзларини менга тикдида, “хайр” деганча йўқолди.

Ҳеч сўз деёлмай уйғониб кетдим. Кўрган тушим таъсирида тонггача мижжа қоқмадим. Хаёлимда қотиб қолган нурли чехрани неча ойки унутолмадим. Кўп ўйладимми... ё илоҳий инъомми, уни яна кўрдим. Тушимда. Бу сафар биз бир оз суҳбатлашдик.

—Ўша куни раҳмат, дея олмадим. Қутқарганингиз учун ташаккур, -дебман негадир ўша тушимни эслаб.

—Арзимади, қарасам, оғир аҳволдасиз. Ташлаб қўйгим келмади. Асли... сизни кўпдан кузатиб келардим. Аммо... сизга кўринишим, гаплашишим мумкин эмас.

—Нима учун? -хайрон бўлдим. -Сиз инсон эмасмисиз? Рухмисиз?

—Йўқ, -кулди йигит. -Тушлар оламида яшовчи одамман. Ахир одам уйқуга кетгач, руҳи танидан чиқиб тушлар оламига киради. Меники ҳам шундай. Ухлаганимда кезаман бу оламда, худди сиз каби.

—Демак... сиз асли ҳаётда ҳам бор экансизда? Аммо таниш эмасмиз.

—Тўғри. Афсуски, уйғонимдан сўнг сира тушларимни эслолмайман. Сиз эса эслар экансиз!

—Мен барини хотирлайман. Сиз уйғонгач мени унутар экансизда, -маъюсландим мен.

—Афсус, шундай. Агар имкони бўлса, мени топинг... Балки шунда тушларим ёдимга тушар!

Уйғониб кетдим! Гапирмоқ учун анча сўзларим, сўраш учун саволларим қолиб кетди. Ҳайриятки, кейинги тунлар ҳам у ёнимда ҳозир бўлди. Ҳар кун! Ҳар куни биз тушларимда учрашардик... Мен реалликда эмас, тушларимда бахтли умр кечира бошладим. Тезроқ тун кириши, ухлашни кута бошладим. Мен чалкашиб кетдим... тушимни ўнг, ўнгимни туш санай бошладим.

Мен уни севиб қолдим...

У ҳам мени суярди.

Бир йил. Биз бир йилни бирга ўтказдик. Фақат тушларимда.

Биз хаёлимиз истаган боғларда, сўлим тоғларда, шошқин денгиз тўлқинларида, мовий булутлар бағрида туни билан суҳбат қурадик. Бир неча дақиқалик тушларим гўё соатларга чўзиларди.

—Ўнгимда сенсиз қандоқ яшайман? -сочларимни силарди у. -Сенинг хаёлларингиз. Мени топ, илтимос... мен, мен уйғоқ вақтимни негадир эслолмаяпман. Мен нечундир фақат ухляпман.

—Қаердан излай сизни, азизим? Мени... танирмикинсиз?

—Қалбим, албатта танийди.

У манзилини айтди. Эслаб қолишни тиришдим. Тонгда уйғонишим билан манзилни хотирладим. Ҳайрият, бари аниқ тиниқ ёдимда эди. Дам олиш кун бўлсада, уни кўзлаб уйдан чиқдим. Айтилган манзил биздан олис эмасди. Ярим соатда етиб бордим. Айтилган уй: 118чи хонадон. Андиша устунлик қилди. Ақлсизликдек кўринди. Ортга қайтмоқчи ҳам бўлдим... “Мени топ, илтимос...”. Унинг сўзлари қулоғимдан кетмади. Бор кучим билан эшикни қоқдим.

Хиёл ўтмай дарвоза ортидан бир қиз кўринди.

—Ассалому алайкум, келинг...

Тутилиб қолдим. Мен тушларимда ҳатто унинг исмини ҳам сўрамаган эдим.

—Ҳалиги... бу ерда бир йигит яшайдими? -тилга кирдим.

—Исми нима?

—Афсуски, билмайман...

—Агар акамни излаётган бўлсангиз... -қиз лабларини тишлади, -ҳозир касалхонада.

—Нима учун?! -юрагим титраб кетди.

—Бир ой аввал автоҳалокатга учрадилар.

Шифохона манзилини олиб у томон учдим. Жасур исмли йигитни иккинчи қаватдаги палатадан топдим.

Ҳовлиққанча кириб бордим. Унинг юз-кўзлари дока билан ўралган, танини игналар эгаллаб олган абгор ҳолда тасаввур этиб кўрққан эдим... Йўқ, қаршимдаги йигит кроватда газета ўқиб ётганди.

—Сизга ким керак?

Ўша сурат, ўша овоз, ўша нигоҳлар... мени танимади.

—Узр... соғайиб кетдингизми?

—Шукур, яхшиман. Кечирасиз, танимаган бўлсам. Шифокорлар бир муддат хотирамда муаммолар бўлишини айтишганди.

—Ҳа... мени эслолмаслигингиз табиий.

—Нима учун?

—Чунки биз фақат тушларимизда учрашганмиз... -шундай дея эшикни ёпиб чиқиб кетдим.

Ўша тун ухлолмадим. Ухлолмадимми, демак, у билан кўришолмадим.

Эртасига дарсдан сўнг уйга қайтдим, чарчоқ туфайли кўзларимни тош босгандек уйқуга чўмдим.

—Кечир... -тилга кирди у туш кўришим билан ёнимда ҳозир бўлиб, -сени ўнгимда танимаган кўринаман...

—Буни билган эдим. Илтимос, мени тарк этинг... тушларимда мени ўзингизга боғламанг. Бунақада телба бўлиб қолишим...

Йиғлаб уйғониб кетдим. Ха, чиндан ҳам телбага ўхшаб йиғладим.

Шундан сўнг уни кўрмадим. Тушларимда ҳам, ўнгимда ҳам.

Анча вақт ўтди. Онам уйга совчилар келганини, мени узатмоқ ниятини билдирди. Менга барибир эди: рози бўлдим. Учрашувга чиқардилар.

—Сиз?! -дедим ҳайратланиб. Қаршимда тушларимдаги махбубим турарди.

—Танишмизми? -жилмайди у, -менинг кўзимга ҳам иссиқ кўриняпсиз.

Музлаб қолгандек эдим. У ҳолатимни пайқаб қахвага таклиф этди. Ўтирдик. Фақат у гапирди, мен тингладим. Менинг сўзлаш учун тилларим қотиб қолганди. Унга ўғринча тикилар, хаёлларимни йиғолмасдим.

—Шундай қилиб, энди қачон кўришамиз? -учрашув сўнгида кўзларимга тикилди у. Сўнг яқинроқ келиб қулоғимга пичирлади, -бугун тушларингизда кутинг мени... мен барини эсладим.

СИНФДОШЛАР УЧРАШУВИДА

Ниҳоят, ўн йил деганда синфдошлар учрашадиган бўлдик!

Синфдошларингни ўзгача меҳр билан, соғинч билан эслайсан. Учрашувга қадар ўзгача ҳаяжон билан интиқиб кутасан шу кунни. Мана, белгиланган ерга барча йиғилди. Шинам ресторанда йигирма чоғли собиқ синфдошлар жам бўлгач, учрашувни ташкил қилган йигитимиз Аваз даврани очик деб эълон қилди.

Авазга тикилган барча нигоҳлар кўп ўтмай столнинг нарёғида ўтирган Анорага ҳам бир қур боқиб қўйишди. Шу жумладан мен ҳам. Анора қимтинганча ўтирар, гарчи ҳамма сезиб турсада Аваздан кўзларини ололмасди. Барча шу тоб эски хотира вароқларини титган бўлса ажабмас.

...Анора синфимизнинг энг чиройли, энг ақли ва энг одобли қизи эди. Шунга бўлса керак, ўғил болалар унга юрак ютиб бир нима дейишга иккиланарди. Биз қизлар эса унга дугона бўлишга уринар, чиройли қизнинг ёнида биз ҳам кўзга кўриниб туришни истардик-да. Аммо камгап Аноранинг яқин дўсти йўқ эди. Ўзи ёнига одам йўлатишни истамасди. Дарсдан ташқари вақти фақат китоб ўқиб ўтирар, танаффусда ҳам қизларга қўшилиб ташқарига чиқмасди.

Ўнинчи синфдалигимизда бизга янги бола келди. Қишлоқдан оиласи билан шахримизга кўчиб келишган экан. Тўпори қорамағиз бу болани шахарликлар аввалига менсимади. Аммо тез орада мард ва дилкашлиги билан барчада илиқлик уйғотди ва синфнинг энг олди йигитларидан бирига айланди. Лекин ўқиши суст эди. Қишлоқ мактабида “беш”га ўқиган бўлсада, у ердаги билимлари бизнинг мактабда “уч” баҳога тенг бўлди. Хуллас, шу шўх йигитнинг исми Аваз эди.

Ҳаммасидан қизиғи, Аваз синфимизга келганидан бир ой ўтиб содир бўлди. Танаффусга қўнғироқ чалиниб, ўқитувчимиз хонадан чиқиб кетиши билан шарт ўрнидан туриб стул устига чиқди-да:

—Анора, мен сени яхши кўраман! -деб эълон қилди.

Ҳамма ярқ этиб Анорага қаради. Сўнг йигитлар қийқиришди, қизлар эса пичир-пичир... Анора бўлса пинагини бузмай китоб ўқиш билан банд эди. Ўшандан кейин Аноранинг партасида ҳар эрталаб бир даста гулми, шоколадми пайдо бўладиган бўлди. Албатта, ким қилаётганини ҳаммамиз билардик. Анора бўлса ширинликни қизларга улашар, гулларни ўқитувчи столига қўйиб кўярди. Синф раҳбаримиз эса ҳар куни ўқувчилари гул тортиқ этаётганидан шод...

Хуллас, Анора Авазга рўйхушлик бермади. Дарсдан сўнг орқасидан эланиб изма из юрадиган Авазга бир қиё боқиб қўймас, боши ҳамиша тик эди. Энди унга ҳавас қиладиган қизлар сони ортиб кетди. Чунки Авазнинг самимий муҳаббати барчамизнинг кўнглимизни жиз эттирганди.

Бир куни водийдан қариндошларим келишди. Кечки пайт уларни ёнимиздаги Боғи Эрам хиёбонига олиб чиқдим. Чархпалакка чиқиб атрофни мароқ билан кузатиш асносида, кўзларим сал наридаги анҳор бўйида ўтирган икки ёшга тушди. Чархпалак пастлаган сари улар менга таниш туюла бошлади. Қизнинг сочлари орқадан худди Анораникига ўхшарди. Қизиқишим барибир устун келди. Чархпалакдан тушгач, қариндошларимни бирров анҳор бўйида дам олишга кўндирдим. Жуфтликка яқинроқ келгач, унинг чиндан ҳам Анора, ёнидаги ошиқ эса... Аваз эканига амин бўлдим. Улар мени кўришмади. Бахтдан кўзлари кўр бўлган синфдошларим бир бирининг кўлидан тутганча нималарнидир ҳаяжон билан сўзлашардилар. Анорани умримда бунчалик шодон кўрмаган эдим. Аваз бўлса, Аноранинг шамолда енгил учган сочларини авайлаб тараб кўярди...

Кўрганларимни ҳеч кимга айтмай кўя қолдим. Анора ҳар кунгидек мактабда Авазни менсимас, гулларини олмасди. Аваз бўлса унинг ортидан юраверарди... Бу қандай томоша, мақсадлари нима, сира тушунмадим. Ҳаммамизнинг кўз олдида Анора Авазни ёмон кўради, бошқа ерда эса... Қисқаси, ажаб бир ҳол.

...Мактабни тамомлаб, барчамиз олийгоҳга ҳужжат топширдик. Аваз Анора кирмоқчи бўлган ўқишга унинг орқасидан кузатиб бориб, шу йўналишга ҳужжат топширганини айтиб кулишди қизлар. Имтиҳон жавоблари ҳам чиқди. Талаба бўлгандим! Ҳаммамиз учрашдик. Ким талабалик бахтига эришган, кимдир эса йиқилган... Анора ҳам омадлилар қатори эди. Бироқ Аваз... вақти суйган ёри кетидан юриш билан ўтгани учун сира ўқишга имкони бўлмаган, шекилли. Йиқилибди.

Ўқиш бошланиб кетгач, ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб кетди. Биринчи курсни тамомлаганимиздан сўнг қизлар таклифнома олдик. Унда синфдошимиз Аноранинг тўйи ҳақда хабар айтилган эди. Шошилиб куёв бола исмига боқдим: бегона. Аваз эмас. Нега энди Аваз эмас? Ёки айрилиб кетишганмикин? Қизлар Авазни ҳалиям Аноранинг ортидан юрибди, дейишарди. Анора-чи? Унинг кўнглидагини биров билмасди.

Тўйга бордик. Қизлар ял-ял ясаниб ўтирган Аноранинг ёнидаги Аваз бўлишини истасакда, буни тилимизга чиқармадик. Ўйнаб-кулиб ўтирдик. Бир вақт тўйнинг қоқ ярмида мусиқа ўчди. Кимдир микрофонни олиб шарт ўртага чиқди. Не кўзимиз билан қарайликки, бу Аваз эди! Худди мактаб давридек, барчани ўзига қаратиб, Анорага сўз қотди:

—Агар бугун шу одамга турмушга чиқсанг, эртага ўзимни ўлдираман!

Давра жим бўлиб қолди. Зум ўтмай бошловчи микрофонни юлқиб олдида, қўшиқ қўйиб юборди. Бир неча йигитлар Авазни тўйхонадан судраб олиб чиқиб кетишди. Анора бўлса доимгидек ҳеч нимани эшитмагандек, билмагандек бошини баланд тутиб

ўтираверарди...

Йўқ, Аваз ўзини ўлдирмади. Тўй ҳам ўтди, Анорани ўшандан кейин кўрмадик ҳам. Аваз бўлса ўша йили қаттиқ тайёрланиб нуфузли олийгоҳ талабаси бўлди. Балки омадсиз муҳаббатдан кўра билим олиш фойдали эканини тушунгандир. Шу билан улар ҳақда бошқа эшитмадим...

...Мана, бугунги учрашувимизда сўзга чиққан Аваз барчага бахт тилаб қўлига шарбат олди. Барчамиз унга жўр бўлиб тилак билдирдик. Ёнимдаги қизлар бўлса шивир-шивир қилишди.

—Тушмагур Аваз, атай Аноранинг кўзини куйдиргани чақирган, шекилли...

—Ўзи магистратурани чет элда ўқиётган эмиш, таътилга келибди...

—Ҳалиям уйланмапти, демак...

Мен эса зимдан Анорани кузатаман. Унинг кўзлари аввалгидек мағрур, киборли эмас. Аммо дилида нималар кечаётганини англаш мушкул. Сездирмайди. Унинг нигоҳлари қалб кечинмаларини сира билдирмайди. Балки қачонлардир тенги бўлмаган Авазнинг муҳаббатини ўйинчоқ қилганига афсуслаётгандир? Эҳтимол, ҳозир усиз ҳам бахтлидир. Балки ота -онаси уни ўқимаган, қишлоқи, таги паст деб баҳолагани учун воз кечишга мажбур бўлгандир? Ким билади?

Учрашув охирида Аваз барчага таклифнома тутқазди. Бир ойдан сўнг тўйи бўлаётган экан. Қизиқиб келиннинг исмига қарадим: Анора.

—Қизиқ, наҳотки, атайин унинг адашига уйланаётган бўлса? Ёки ҳазиллашаяптимикин? -хайрон бўлдик биз.

Таклифномани олган Анора даврамизни тарк этди. Зум ўтмай Аваз ҳам кўринмай қолди. Биз ҳам бирор соат ўтиргач, тарқалдик. Бу таклифнома ҳазил эмаслиги кўп ўтмай маълум бўлди. Ҳаммамиз Авазнинг рафиқаси ким эканини билиш учун ҳам тўйга бордик. Кўзларимизни катта-катта очиб қарамайлик, келинчак шу ўзимизнинг Анора эканига ишоналмасдик. Наҳотки, қандай қилиб?

—Ахир Анора эрли аёл-ку? -сўрадим синфдошлардан.

—Эшитмаган эканмиз, ажрашган экан, -деди бир дугонам. —Ота-онасининг раъйини қайтармай турмушга чиққан экан, аммо яшолмапти. Эри бошқаси билан юраркан. Анорани ташлаб кетибди... Қайтар дунё-да.

—Ўша учрашувни ҳам Анорани кўриш ва гаплашиш учун уюштирган экан Аваз, -бидирлади яна бири, -аслида таклифнома сохта экан. Барчамизни уйланапман, деб алдабди. Анорани турмушга чиқишга кўндиргач, чинданам шу кунда тўй белгилашибди!

Тўй хайратларимиз ичра ширингина ўтди. Барча келин ва куёвга ажойиб тилаклар билдирди. Балки Анора чин муҳаббатининг қадрига энди етар, уни қадрлар? Ўн йилки, уни унутмаган экан, Аваз ҳам бошқасини деёлмасди. Тўғриси, Анора ва Авазнинг охир оқибат бирга бахтли бўлганидан хурсанд эдим. Ўша хиёбонда кўрганим —иккисининг юзидаги қувонч энди улар билан бир умр бирга бўлади.

ЙИЛЛАР АРМОНИ

Вокзал. Ўриндикда хаёлларга чўмганча маҳзун, аммо қачонлардир не-не йигитларни ақлдан оздиришга-да кодир бўлган, ҳозир эса куз хазонларини ёдга солувчи сийрат акс этган қора кўзлар... узоқларга тикилади. Ҳа, у ҳам бошқа йўловчилар каби ўз поездини кутяпти. Бироқ бунга ишонқирамагандек бот-бот хўрсинади. Аслида кутишдан оғринмайди у. Фақат... шу пайтгача кутгани негадир келмаган. Эҳтимол, Севинч кутишни билмадимикин... Ким билади? Билгани бир нарса: Сардор ҳам уни қаердадир интизор кутмоқда. Севинчнинг бугун узоқ йўлга отланишига ҳам сабаб шу...

Саккиз йил олдин худди шу кун эди - Сардор ҳарбий хизматга жўнади. «Қайтаман, Севинч. Мени кут». Севинчнинг суюклисидан эшитган илк ва сўнгги юрак сўзлари эди бу. Хотиралар қулфи яна очилди...

—Ҳой, қиз! Ён қўшнинг ҳарбий хизматга жўнаяпти-а? Наҳотки бир оғиз «хайр» деб қўйишга ярамасанг.

Дугонаси Дурдонни кўриб, Севинч кизарди.

—Сардор менгамас, сенга қариндош бўлади. Сен турганда менга йўл бўлсин, кўзи учиб тургани йўқдир?- кесатди у.

—Тинчликми ўзи? Бугун тўнингни тескари кийибсан? Ҳойнахой бунга Сардор акамнинг алоқаси йўқдир-а?- муғомбирона сўради дугонаси.

—Ҳеч-да! Сардор акажонингни сираям алоқаси йўқ. Бировлар кўнглини нигоҳ билан эгаллаб, кейин бошқаларга яшириб хат тутқазсин экан-да...

Дурдоннинг шарақлаб кулганидан Севинч чўчиб тушди.

—Эй, бор-ей. Биров ўламан, деса, биров...

—Сенқаёқданкўрақолдингменгахатберганини?Ёдеворданунипойлаётганмидинг? – Дурдон “кўлга тушдингми”, дегандай дугонасига тикилди.

—Ҳа майли, акамдан хафа бўлма. Сени кўрса, гапиролмай қолади. Шунинг учун мактубини ўзи беролмай, мени элчи қилиб юборди. Ушла-ей, омонатини бергунимча, бурнимдан булоқ қилиб чиқараркансан-у...

Севинч мактубни қандай авайлаб очганини ҳалигача яхши эслайди.

Ҳозир ҳам негадир уни ўқигиси келди ва сумкаси очди. Хизматдан юборилган кўп хатлар бор эди бу ерда. Аммо биринчиси барибир юракка яқин бўларкан. Шоша-пиша ёзилган, ҳалигача беғубор туйғунинг ифори кетмаган мактуб...

«Салом, Севинч. Қара, бугун сенга ўхшаб осмоннинг ҳам қовоғи солиқ. Ундай қилма... Биласан-ку, ёмғирни яхши кўраман. Худди сен каби... Янаги йил шундай маъсум кунларнинг бирида мен қайтаман. Севинч, фақат ёмғир ёғса, сен ҳам унга қўшилиб ёш тўкма. Бахтли кунларингга асраб қўй. Мени кутолсанг асрагин фақат...»

Неча баҳор ўтди. Қайтмади. Фақат энлиқкина қоғоз келди:

«...да истиқомат қилувчи Сардор Камолов тунгги навбатчилик вазифасини ўтаётган пайтда... техник носозлик..... қурол-яроғ омборига ўт кетган..... навбатчи ўша ерда бўлган ... қахрамонларча халок бўлди» ва яна қандайдир тушунарсиз жумлалар. Севинчнинг анлагани, тасаввур қилгани олов ичра ёнаётган Сардори... Қизик, қанча уринишмасин, хокини топа олишмади.

Севинч қалбига яна умид тушди. Кутишда давом этди. «Қайтаман дегандилар...» Бекорга юраги сезмасди. Кечагина дарагини эшитди. Орадан саккиз йил ўтибгина, интиқ кутган сўзларини... Сардорнинг яқин хизматдош дўстидан.

—Ҳеч кимга айтмайман, деб дўстимга сўз бергандим. Лекин сизнинг кутаётганингизни кўра-била туриб... Сардор тирик. Юраги уради. Ақли теран. Фақат кўллари, оёқлари... йўқ. Ёнингизга бу аҳволда қайтишни истамади.

Севинчнинг севинчи... Севинчнинг хайрати... Севинчнинг кўз ёшлари... бахтдан ё армонданми, ўзи ҳам билмасди.

—Қаерда у? Қаерларда...

...Мана, бугун у йўлда. Олис қишлоқни кўзлаб кетаяпти. Билади, излагани ҳам дераза ташқарисига кўзларини тикиб кимнидир кутмоқда. Поезди кўринди. Қиз энтиқиб ўрнидан турди-да, вагонга чиқишга тутинди. Ниҳоят, у кетди. Унга интиқ дил сари гўёки учиб кетди...

СЕВГИЛИМ ТОМОН ЙЎЛ

Бу йил ҳам доимгидек кеч қолдим. Уйқучилигим ҳеч қолмади-қолмадида, Севгилим. Мана, бугун кечикканим учун тоза абадимни берасан, сезиб турибман. Ўтган йили ҳам кечикканимда уришсанг керак, деб кўрққанимда, индамагандинг...

Аммо бу йил, майли, хуморингдан чикқунча араз қил, уриш, хафа бўл, барига розиман. Ахир бу каби гапларингни эшитмаганимга ҳам анча бўлиб кетди. Соғинтирди курғур...

Бисотимдан сенга ёқадиган кўк футболкам ва жинси шимимни танладим. Эсингдами, бирга харид қилгандик. Ҳа, бугун сени туғилган кунингда менам бир ясанай! Сенга эса доимгидек севимли атиргулларингни совға қиламан. Яна-чи, дейсанми? Эҳ, талаба севгилингни ҳам ўйлада...

Кўчага чиқдим. “Дом”имнинг ёнидаги таниш аёлдан гул харид қилдим. Кутиб қолмагин, дея шахдам-шахдам юриб кетаётсам, скамейкада пик-пик йиғлаётган қизга кўзим тушди. Биласану, қизларнинг кўз ёшига тоқатим йўқ. Жим ўтиб кетишга кўнглим бўлмади. Кўрсанг рашкинг кўзишини билсам-да, “Бир инсон қалбига таскин бўлиш –энг катта бахт”, деган сўзларинг эсимга тушди. Қизнинг ёнига ўтиришга бетламай, туриб сўз қотдим:

—Синглим, ёрдам керак эмасми?

Қиз йиғидан қизарган кўзларини беркитди.

—Кетинг, ўзи сиз етмай турувдингиз!

—Эҳ, қизлар-а, бир йигит дилингизни хуфтон қилса, ҳаммадан аламингизни оласизлар-а?

—Ҳеч ким хуфтон қилмабди! Билиб-билмай гапирманг.

—Мен психологман, -бўёғига ҳали битирмаган бўлсам ҳам севимли касбимни тилга олишга мажбур бўлдим, –ёрдамим тегиши мумкин.

Қизнинг кўзларида умид порлади.

—Ростданми, унда сиздан маслаҳат олсам бўладими?

—Албатта.

—Биласизми, ота-онам мени узатишмоқчи. Аммо кўнглим бошқа инсонда. Биз икки йилдан бери... Хуллас, онам “бу севгинг ўткинчи”, деб дилимга ғулғула солган. Курашай, десам, кейин афсусланишдан кўрқаяпман... Йигитим ўзи яхши одам, аммо уни чиндан севармикинман, деган саволга жавоб топа олмаяпман.

—Унда нега йиғлаяпсиз?

—...

—Севгининг белгиси иккита: висолгача йиғи ҳамроҳинг, висолдан сўнг шодонлик. Хўш, сизда қайғу элментлари топиладими? Ғам-чи, азоб-чи? Айни пайт кимни кўришни, кимдан таскин топишни истайсиз? Севмасангиз, кимни деб йиғлаяпсиз? Муҳаббат кураш талаб қилишини билсангиз керак... Ёки бахтга осон етаман, деб ўйлаганмидингиз?

Қиз ҳижолатлик билан ерга боқди.

—Раҳмат сизга, барини тушундим...

Йўлимда давом этдим. Негадир кайфиятим чоғ эди. Сен тўғри айтасан, Севгилим. Ўзинг ҳам доим дилим вайрон бўлганида ёнимдасан, таскин берасан. Оҳ, Сени севиш нақадар бахт! Сени севдиргани учун Оллоҳдан мингдан-минг розиман.

Гул дўкони ёнидан ўтиб кетаётсам, бир йигит нуқул дўконни тутқичини пайпаслаб ичкарига мўралайди. Дўкон қулфлиги аён-ку, ёки ўғримикин, деган фикр ўтди хаёлимдан.

—Ҳа, укам, тинчликми? Оёғи куйган товукдай...

—Э, ака, гул дўкони қачон очади, билмайсизми? —у соатига қараб тўнғиллади, -бугун биринчи учрашувим эди-я?

—Саҳар мардонлаб-а?

—Ҳа, киз тушмагур атай шундай қилди-да. Маъсулиятимни текширмоқчимиз, нима?

—Афсус, дўкон ярим соатдан кейин очилади, —ачиниб бир йигитга, бир қўлимдаги гулларга қарадим. —У киз сенга ёқадими ўзи?

—Э, сўраманг. Бир йил орқасидан юриб, совчи қўйиб, зўрға учрашувга кўндиргандим.

—Унда манави гулни ол, унга ёқса керак, -қўлимдаги унга тутқаздим.

Йигит раҳмат айтганча, таксига ўтириб жўнади.

Севгилим, биламан, қўлларим бўм-бўш ёнингга борсам, мендан ранжийсан. Аммо начора... биз-ку бахтлимиз, манави иккиси ҳам бахтли бўлсин. Қиз тушмагури ҳам сенга ўхшаган бўлса, гулсиз келган йигитни қошини чимириб кутиб олмасин, дедим-да. Сенга гул ўрнига, мана бу уриб турган юрагимни тортиқ қиламан. Ўзинг доим шуни сўрардинг-ку...

Мана, пиёда юрганча, кўзлаган манзилимга ҳам етиб келдим. Интизор нигоҳларингни ҳис қилиб, ичкарига қадам босдим. Бу ер кимсасиз, ҳа, ота- онанг балки келиб кетишгандир, аллақачон. Айни муддао, сен билан ҳоли гаплашиб олишга фурсат туғилди. Ана, сенга кўзим тушди.

—Салом, Севгилим, илҳақ қилмадимми? Бугун йўлимда учраган ходисаларни сенга айтсам... Тўхта, аввал гапни шоирона тилақдан бошлай! Ахир севгилим бугун 20 баҳорни қаршилайди! Сенга не тилақ тиласам экан... —шу пайт бўғзимга аламли бир нарса тикилди. Сенга доим узоқ умр тилардим. Бугун эса... хатто нима тилақ билдиришни тополмай мулзам тортдим. Фақатгина биз сўз айта оламан, -Жойинг Жаннатда бўлсин, Севгилим... Сени маҳшаргача севиб қоламан!

Қулоғимга қистириб қўйган митти атиргул шохчасини олиб, қабринга қўйдим. Бу гал ҳам кечикканим учун менга ёзғирмадинг...

ТУРМУШ ВА СЕВГИ

“Турмушимизнинг беш йиллигига келиб, тушуниб етдимки, севгимиз чин эмас экан. Аниқроғи, сизнинг севгингиз. Ахир сиз қандай эдингиз? Икки йил куйимда адо бўлиб, ортимдан юрдингиз. Мени севишингизни такрорлаб, юрагимни эгалладингиз. Тўйдан олдин жуда бахтли эдик. Тўйимиз куни ҳам то кексайгунча бир-биримизни севиб ўтамыз, деб ўзаро ваъдалашдик. Ҳа, бошида ҳаммаси яхши эди. Аммо... кейин оила, рўзғор, фарзандлар, иш... Мен ва Сизнинг йўлимиз бирлашдию, айрилди. Мен энди уй-рўзғор, бола-чақа тарбияси билан, сиз эса ишхонангиз, касбингиз, карьерангиз билан ўралашиб қолдик. Сизни эрталаб бир, кечда бир кўраман, холос. Дам олиш куни эса болалар билан ўйнайсиз. Болалар бувисиникига кетдию, ёлғизлигим сезилди. Шуми севги? Қани аввалгидек романтик учрашувлар, бетакрор гуллар? Қани севги изҳорлар, тинимсиз СМСлар... Сиз саволларимга жавоб беролмайсиз, чунки мени севмай қўйгансиз. Мен... сизни бошқа кўришни истамайман.”

Эркак бу мактубни ўқидию, юрагида санчиқ турди. Қўлидаги гуллар тушиб кетди. Рафикаси ёзганми буни чиндан? Нега, нима учун? Чиндан ҳам шунчаликка бориб еттикми ё? У хотини сингари адоғсиз саволларга жавоб истаб уйни айланиб чиқди. Хотини йўқ. Мактуб уйга кираверишдаги кўзгули жавонга қистириб қўйилганди. Эркак ётоқхонага кириб, кийим жавонни очди, аёлининг буюмлари йўқ!

У ўтган беш йиллик ҳаётини кўз олдига келтирди. Ахир улар бахтли эди. Ёки чиндан ҳам хотинига эътибор бермай қўйдими? Гуллар, учрашувлар... гарчи камайган, эҳтимол йўқолган бўлсада, юрагидаги севги ҳамон ўша кунлардек жўшқин, соф.

Шаҳар кўчаларига қоронғулик тушган бўлса-да, чироклар туфайли нурафшон. Аёл ўзларининг қадрли скамейкаларида ўтирганча, қилган ишини таҳлил қиларди. Нима қилиб қўйди? Эрини, оиласини ташлаб кетдимми? Биров сабабини сўраса, нима дейди? “Эрим романтик бўлмай қолди” дейдимми?

Кулгули жавоб.

Лекин... аёл ҳаммаша меҳр-муҳаббатни биринчи ўринга қўйиб яшаган, қизлигида оқ отдаги шахзодасини интизор кутганлардан. Жўнгина айтсак, романтик олам вакили. Ҳа, эри уни чиндан ҳам севмай қўйган. Йўқса, бугун уларнинг танишганларига етти йил тўлганини билмасмиди? Бу санани қанчалар қадрларди эри? Энди эса кун бўйи ишидан ортиб бир бора кўнғироқ қилиб табрикламади, эсламади ҳам.

Йўқ, қайтиши керак. Майли, эри унга эътибор бермаса бермасин, лекин аёл уни қаттиқ севади. Севгилари учун курашиб, ота-оналаридан оқ фотиҳа олгунларича қанчалар қийналишди. Энди барига қўл силтаб кетолмайди. Соатига қаради, эрининг келишига ярим соат бор. Улгуради. Хатни ташлаб юборишга, ҳеч нима бўлмагандек уни кулиб кутиб олишга...

Эшикни калити билан шоша-пиша очди. Ҳайрият, хат жойида турибди. Дарҳол уни олиб, ёқиб юборишга тутинди. Бироқ ичидан кўриниб турган ёзув —эрининг ёзувини таниди, танидию, юраги шув этди.

“Эътирозларинг ўринли. Бу гапларни айтмаганингда эҳтимол, хатоларимни сезмай яшайверардим. Юрагимдаги сенга бўлган севгимни сездириб туриш хаёлимга келмапти. Биз эркаклар шунақа эканмиз: “Тўйим куни унга севишимни айтганман, бу унга бир умр етади”, деган хаёлда юраверарканмиз. Лекин... гуллар, учрашувлар, изҳорларсиз ҳаёт —бу севгисиз ҳаёт дегани эмас. Мен учун шундай. Сени севишимни нималарда

англардим, буни қандай исботлардим? Сен қоронғу лифтдан кўрқасан, биламан. Шунинг учун лифтимиз доим чароғон. Унга ҳар ойда куйиб қолиш эҳтимолини ўйлаб, янги лампочка ўрнатаман, сен кўрқмагин деб. Баҳорда дарахт гулларига аллергиянг бор, деразамизга тўрпарда қоқаман, шамол гулларни очик деразага учирмасин деб. Болалар сени толиқтиради. Якшанба куни уларни ўйнатаман, сен бироз дам олгин деб. Чиройли либосларни яхши кўрасан. Бунинг учун янада кўпроқ ишлашга, касбимда омад топишга интиламан, оилам бекаму кўст бўлсин деб. Бу сенга сезилмасди. Чунки бу ҳолатлар романтик эмас-да. Аммо турмушнинг романтикаси шу экан. Турмушдаги севги бу бир-бирини аяш, эҳтиётлаш, тинч-тотув яшаб, фарзандлар камолини кўришдир. Шундай бўлса-да, мени кечир. Севгимни гуллар билан безашга интилмапман. Қайтишингни билардим... Ҳозир эса, эшикни оч, кўлимда гул, сени кутаяпман. Ахир бугун сени топганимга етти йил тўлди!”

Аёл кўзларида ёш билан эшикка отилди...

ДЕВОР ОРТИДАГИ ҚИЗ

Мактабимиз шундоққина маҳалланинг қўйнида жойлашган. Баҳорнинг март ойида синфхоналаримизни хонадонлардан таралаётган гуллар иси, қалдирғочлар чуғури, янги ёпилган нонлар ҳиди тутиб кетарди. Катта танаффусга кўнғироқ чалиниши билан биз битирувчи ўн биринчи “А” синфи, ёш болалардек ташқарига юрурардик. Қорин таталаб кетган: уйга бориб, тушлик қилиб қайтамиз. Дардан сўнг эса футбол! Футболни менчалик севадиган ўқувчи йўқ мактабда. Ўйнашда ҳам тенгсизман: икки жамоа нукул мени талашади. Ўша кун ҳам ҳар галгидек тўп тепаётгандик. Қуёш чарақлаб кетган, фарқ терга ботгандим. Энди дарвозага тўпни киритаман, деб тургандим, ортикча ғайрат қилиб юбордимов, тўп катта девор ошиб, нарёғдаги маҳалла кўчасига бориб тушди. Эссиз... у маҳаллага бориш учун мактабни айланиб ўтиш керак. Эриниб тургандим, девор ортидан кўнғироқдек бир овоз:

—Коптогингизни отайми? -деб сўраб қолди.

—Агар малол келмаса, -дедим сеҳрли овоздан сеҳрланиб.

Тап этиб ёнимга тушди тўпим. Ўртоқларим яна қийқиришиб ўйинга киришиб кетишди. Мен эса... ўша овозни яна бир бор эшитиш илинжида эдим. Ўйинга ҳам қарамай, деворга яқинлашдим:

—Раҳмат! Яхшиям, сиз бор экан. Бўлмаса анча овора бўлардим.

—Арзимаиди. Ҳар кун шу ердан, бемалол тепаверинг.

—Ҳар кун?

—Ҳа, мен миттигина столчамда болаларга қурт, писта, сақич сотаман, -қувнок оҳангда давом этди қиз, -сизларнинг «гол!» деган ҳайқириқларингизни тинглаб...

—Шунақами? Билмаган эканман шу пайтгача. Исмингиз нима?

—Шоҳиста. Сизники эса Нозим, топдимми?

—Ие, қаердан билдингиз? -девор ортидаги шўхгина, бунинг устига топқир қиз мени қизиқтириб қўйганди. Ўртоқларимга “мен чиқдим” деб ишора қилганча, деворга суяниб олдим.

—Синфдошларингиз «Нозим, менга узат», «Нозим, ошир», деган гапларидан қулоғим қоматга келганда! Овозингиздан танидим: ахир гол деган сўзни сиздан бошқаси

айтмайди.

Қиз қийқириб кулди. Мен ҳам кўшилдим. Кайфиятим кўтарилиб, кўнглим баҳор тонгидек соф туйғуларга дўнди.

—Шоҳиста, футболни ёқтирмайсизми, сизни безор қилган бўлсак узр.

—Э, ёқтирмасам, ана маҳалла тўла кўча, атай шу ерга ўтирардим. Сизларни эшитиб, ўзимам футбол ўйнагандек бўламан. Болалигимда футбол жинниси эдим, ўғил болаларга кўшилиб ўйнайверганимдан онамдан гап эшитардим нукул. Энди эса...

—Ҳа, тушунаман. Улғайгач, қизларга рухсат йўқ, яхшиям ўғил боламан, -кулдим мен, -йўқса, футболсиз қандай яшардим? Ҳа, майли, сизам мактабда ўқийсизми?

Шу пайтгача унинг овозига сеҳрланиб, ўзимдан каттами, кичикми сўрамаганимни қаранг.

—Мен ўтган йил тўққизни тугатиб, кейин ўқимадим.

—Нега? Коллежга киролмадингизми?

—Йўў... -қизнинг шаддодлиги йўқолиб, негадир ийманди. -Имкони йўқ.

Эҳтимол шароити етмагандир, уни ҳижолатга қўймаслик учун гапни бошқа ёққа бурдим...

Ўша куни ўртада девор бўлсада, мириқиб суҳбатлашдик. Кўрмаган, танимаган инсон билан гаплашиш ғалати бўларкан, ҳам сирли, ҳам ҳаққоний. Уйга базўр кетдим. У билан хайрлашишни истамасдим. Эртасига ҳам худди ўша пайт футбол ўрнига Шоҳиста билан суҳбатлашдик. Ҳар куни бир ярим соатлик ўйин вақтим ўрнини дилкаш суҳбатдош эгаллади. У шўх бўлгани билан, анча ақлли ва билимли ҳам эди. Истаган мавзудан сўз очманг, барига жавоби, мулоҳазаси бор. Лекин барибир футбол соҳасида у билан баҳслашиш мароқли эди. Ҳали бундайин қизни ҳаётимда учратмаганим учунми, ё бўлмаса, муҳаббат номли туйғу юрагимга кўнганини англолмай, ҳалак бўлганим учунми, ундан айрилгим келмасди. Орадан бир ой ўтиб, унга ниҳоят, учрашиш таклифини билдирдим:

—Шоҳиста, сен билан анча иноқ дўстларга айландик. Тўғрими? Бир илтимос қилсам майлими?

—Албатта. Сиздек дўстим бўладию, йўқ дейманми? Бемалол.

—Девор орқали суҳбатларга яқун ясаб, юзма-юз бўлажак суҳбатларимизни бошласак... сени ёнингга бормоқчиман, ахир бир биримизни кўрмаганмиз. Бу жуда қизиқ-ку, тўғрими? Сенам мени кўришни истасанг керак. Мен сени жудаям кўргим келяпти...

Шоҳиста жимиб қолди.

—Нега индамайсан?

—Унда дўстлигимиз бузилади. Мени сизга ягона шартим: ёнимга келманг. Шу тахлит гаплашайлик. Мен истайман. То ўзим айтмагунимча келманг.

Энди мен жимиб қолдим. Сабабини тушунмасдим.

—Майли, нима десанг, ўзинг биласан.

Шу кун маҳзун хайрлашдик, суҳбатимиз ҳам қовушмади.

Эртасига дардан сўнг девор орқасидан уни чақирганимда овоз бермади. Менимча, келмаган эди. Уч кун кутдим. Ниҳоят, тўртинчи куни ночор овозимга жон киргизувчи сас таралди:

—Салом, Нозим.

—Шоҳиста!

Шаддод дўстим билан яна аввалгидек гаплаша кетдик.

—Орзийинг нима, Нозим? -сўради у.

—Футболчи бўлиш! Катта стадионда тўп тепсам, сен эса келиб табрикласанг... зўр бўларди-я? Ўзингникичи?

—Меникими... қани мен ҳам бир мартагина копток тепсам.

—Демак, орзуларимиз бир хил экан! Кел, дўстлигимиз гувоҳи сифатида сенга шу туморни берсам. Уни ўзим ясаганман, дунёда бошқа бунақаси йўқ деявер.

Шундай деб туморни девордан ирғитдим.

—Вой, бунча чиройли? Ҳали заргарликни ҳам биламан, денг?

—Ҳа, отам заргар. Улардан анча-мунча ўрганганман. Ўтган уч кун ичида қадринг билиниб, соғинч номли шу туморни ясадим.

—Раҳмат... уни сира бўйнимдан ечмайман.

Кунларнинг эса адоғи кўринмасди. Хаш-паш дегунча, май охирлаб, мактабдан учирма бўладиган кунимиз ҳам келди. Сўнгги кўнғироқ якунлангач, қўлимда бир даста гул билан деворга яқинлашдим ва уни отдим:

—Илиб ол, Шоҳи, сенга об келдим.

—Раҳмат, бирам хушбўйки...

—Мана, мактаб ҳам тугади. Энди... бу ерга келмайман. Балки ёнингга боришимга рухсат берарсан?

—Ахир келишгандик-ку...

—Қачонгача, Шоҳи? Бир умр девор орқали суҳбат кураимизми? Ахир дилимда... -ниҳоят, кўнглимдаги туйғулар ўзим билмаган ҳолда отилиб чиқди -сенга нисбатан бефарқ эмасман. Дийдорингга тўйишга, қўлларингдан тутиб, қалбимни тутқизишга интиқман...

Шоҳиста индамади. Уни ёқтиришимни, уям мени ёқтиришини сезардик. Шарт ортимга ўгирилдим, мактабдан чиқдим. Йўлимни ўша маҳаллага бурдим. Югурдим, шошдим. Ёрим рухсорини кўриш учун чопдим. Етиб келганимда эса... девор ортидаги ўша манзилда у йўқ эди. Кичкина столчада майда-чуйдалар терилиб турар, уларнинг устида эса бир мактуб.

“Келманг, дегандим-ку, Нозим. Дўстлигимиз шартини буздингиз. Мени севишингизга арзимайман, ишонаверинг. Энди бошқа кўришмаймиз.” Қўлларим титраб кетди...

У бу ерга бошқа келмади. Уни қанча кутдим, суриштирдим. Унинг “ҳаридорлари” -мактаб болақайлари Шоҳистани бошқа бир маҳалладан келарди, дейишди. Хуллас, унинг изини йўқотдим. Севгини тугул, дўстликни ҳам асролмадим. Ҳа, шошилдим. Қиз кўнглини билмай туриб, уни синдириб қўйдим.

Орзуйим машҳур футболчи бўлиш эди. Тумандаги спорт мусобақаларида қатнашиб юрардим. Устозимнинг даъвати билан пойтахтга йўл олдим. Кўнглим шу ерда қолган, гўё суратим кетаётгандек эди...

Орадан беш йил ўтди. Мен пойтахтдаги олийгоҳни тамомлаб, ўзим истаганимдек, номдор жамоада тўп сурадим. Жамоам пойтахтда эди, шу сабабли, қишлоққа кам келардим. Турли мусобақалар, чемпионатлар туфайли кўплаб шаҳарларда бўлардик. Лекин ўша девор ортида қолиб кетган кўнглим соғинчи мени сира тарк этмади. Шоҳистани кўп эслардим. Ҳар гал қишлоққа борганимда, ўша маҳаллага юзимни бурардим. Аммо у ердан Шоҳистани тополмасдим. Уни бир кун кўришимга бўлган ишонч мен илдам ҳаракат қилишга ундарди. Бир куни...

Пойтахтдаги муҳим ғалабамиздан сўнг мухлислар стадион атрофида бизни

куршаб олишди. Ўсмирлар, йигитлар биздан дастхат олишарди. Бирдан нигоҳим сал четда, ногиронлар аравачасида ўтирган гўзал қизга тушди. У қўлида гулдаста билан бизларни жилмайганча кузатарди. Беихтиёр яқинлашдим.

—Гуллар бизгами? Қизларнинг ҳам мухлислик қилиши бизга куч бағишлайди, -дедим қиз индайвермагач.

У индамай гулларни тутқазди. Сўнг аравасини орқага буриб кета бошлади. Аравадалигига унда ич-ичимдан ачиндим. Шу пайт... ортимга ўгирилдим, ҳозиргина унинг бўйнида кўрган тумор ёдимда тушди! Бу ўша мен берган тумор-ку? Шоҳистага берган туморим!

Югуриб ёнига бордим. Аравача қаршисида чўкдим: ҳа, ўша тумор. Соғинч деб ном қўйган туморим.

—Шоҳиста!

У кўзларини катта-катта очганча саросималанди.

—Йўқ, адашяпсиз, -деди шоша-пиша.

Ўша овоз, ўша кўнғироқдек жарангдор овоз.

—Бу сенсан! Танимаслигим мумкин эмас.

—Йўқ! Мени ўтказворинг, кетай...

—Шоҳи! Ахир нега? Нега мендан қочдинг? Шу... шунинг учунмиди?

У йиғлаб юборди. Бечорагинам... аравага михлангани учун ҳам мен билан юзлашишни истамаган. Ахир билмаганда... мен уни қандай бўлса ҳам, севаверишимни.

—Сизга қандай кўринишим мумкин эди? Шу аҳволимда... истамадим. Эҳтимол, бир умр юра олмасман. Ўн беш ёшлигимдан... ишламай қолди оёқларим. Шифокорлар кут, дейишди. Кутдим. То сиз билан юзлашгунимча, юриб кетай, деб нолалар қилдим. Мана, беш йилки... умид ҳам қолмади. Фақатгина, сизнинг истагингиз амалга ошсин, деб гуллар келтирдим. Энди мени...

—Тинч қўймайман, Шоҳиста! Дилингда алам, ғам бўла туриб, мўъжиза қандай содир бўлсин ахир? Оёқларинг юрсин учун муҳаббат керак, меҳр керак-ку... сенга беражак меҳримни ирқитма. Илтимос...

Сўзларим уни бефарқ қолдирмади. У муҳаббат тўла нигоҳларини менга тикди. Кўз ёшларини артдим. Орадан вақт ўтиб у юриб кетишини, футбол майдонида мени доим қўллаб-қувватлаб туришини, гуллар келтиришини ҳозирча билмасди... мен эса бунга ишонардим.

Ишонч бир кун ҳақиқатга айланади...

НАСТАРИН ИФОРИ

Эрта тонг насими олиб келган ифор Насибани уйғотди. Қиз ёстикдан бошини бироз кўтарди-да, оромбахм ифорни тўйиб ҳидлади. Ниманинг ҳиди бу... Насиба бир лаҳза кўзларини юмди, сўнг лаблари кулимсиради: настарин. Ҳа, ўша юракларга ажиб ҳисларни олиб киргувчи, муаттар исли настарин бу. Ҳар баҳор бошида қўшни кампирнинг боғидаги настаринлар гуркираб, бўйи уларнинг уйигача етиб келади. Насиба ҳар йилги одатидек, ўрнидан туриб, гулзор томон чопгиси, кампирдан рухсат сўраб сара гулдаста тузгиси ва хонасидаги гулдонга солиб қўйгиси келди... Лекин чорасиз. Мана, саккиз

ойки, тўшакка михланган.

Насиба гавдасини тутиб базўр ўтирди. Негадир оёқларини кимирлатиб кўришга уринди. Бўлмади. Юзини дераза тарафга буриб, яна ҳаётбахш ифорни излади. Шабода ифорни бошқа ёқларга олиб кетган, чоғи. Қани эди кимдир унинг севимли гулларини олиб келса... Қиз тўйиб-тўйиб хидласа.

Баъзан шунақа бўлади. Кўнглингдан ўтиб турган истак ажиб бир ҳолатда амалга ошади. Бугун дам олиш куни бўлгани учун уни синфдошлари йўқлаб келишди. Баҳор уларга таъсир қилибди: ҳаммасининг юзида аллақандай шодлик, либослари ранг-баранг, лабларида табассум. Насиба тўшакка ётиб қолганидан бери кўп марта кўргани келишди. Аммо бу сафаргиси қизни чинданам қувонтирди. Сабаби синфдоши Равшаннинг кўлларида бир даста оч сиёҳ рангдаги настарин гуллари худди бир нимадан уялгандек эгилиб турарди...

Хонани яна ўша муаттар бўй тутиб кетди. Йигитча унга гулдастани тутқазар экан, ҳар доимгидек тезроқ тузалиб уларнинг сафига қўшилишга ундади. Насиба ҳам ҳар сафаргидек хўп, деб бошини эгди. Синфдошлар чуғур-чуғури анча вақт давом этди. Бу орада Насибанинг онаси уларга чой ва ширинлик киргизди.

Йигит-қизлар Насиба билан хайрлашиб хонадан чиқа бошлашди. Доимгидек энг охирида Равшаннинг ўзи қолди.

– Мактабни тугатишимизгача ҳали икки ой бор, – деди у қизга. – Битирув кечада иштирок этишга сўз бер, Насиба. Кейин бирга коллежга ҳужжат топширамиз. Доим шундай дердик-ку!

– Насиб этган бўлса... – маъюс кулди қиз. У сўнгги вақтларда онасининг кўзларидаги умидсизлик, шифокорларнинг сўзсиз ташрифлари, отасининг уйқусиз тунлари туфайли анча чўкиб қолганди. Аввалги ишончи, ғайрати, мақсадлари йўқ... – Сен мени кутмай коллежга кирар.

Равшан бу гапдан ранжиди.

– Йўқ. Ундай дема. Жиллакурса, отамнинг ёнида ҳунар ўрганаман. Келаси йил бирга топширамиз. Мен сенсиз ўқимайман.

Насиба кўзадаги гулларга боқди. Настарин шодалари энкайиб майин япроқларини дастурхонга тўкишга улгурибди. Қиз ўзини шу гулга қиёслади. Бирдан гуллаб атрофни муаттар бўйига буркайди-да, сўнг сўлади. Қисқа умр кўришидан уялгандан бўлса керак, эгилиб олади. Атиргул-у чиннигулларга ўхшаб гулбозорларда йил бўйи ўзини кўз-кўзлаб турмайди. Уни топиш ҳам қийин. Овоқ ва кимсасиз ўт-ўланлар бағрида кўриб қоласиз...

– Нималарни ўйлаяпсан?

– Ўзим... Энди орзуларинг учун бошқа дўст топ, Равшан. Мен орзу қилишга ярамай қолдим.

Равшан бу гапдан астойдил хафа бўлди.

– Яна шундай десанг бошқа келмайман! Энди чинданам кўргани келмайман. Ўзинг излаб бор мени... Қўшиқда айтди-ку... “Севсанг ўзинг бир кун топиб келарсан, Мени излаб Насибам, мени излаб...”

Насиба уялиб бошини бурди. Сўнг “борақол”, деди пичирлаб.

Синфдошлари кетгач, Насиба ёстикни кучоқлаб ўйга чўмди. Настарин ифори уни оёққа туриб юриб кетишга ундаса-да, лекин қани ўша мўъжиза? Қиз уф тортиб яна қаддини тиклади. Каравоти дераза ёнида эди, пардани суриб, секин жойидан силжиб деразадан ташқарига боқди. Қизик, баҳор келганига анча бўлди-ю, ҳеч қизиқиб

ташқарига боқмапти. Ўрик гулларини тўкиб барг ёзибди. Гулзорга укалари райҳонлар ўтқазибди. Қизнинг кўзлари ерда ризқини тераётган чумолиларга тушди. Митти жуссасига оғирлик қилсаям ҳаёт ташвишида емиш ғамлашяпти. Ҳатто шу хашаротлар ҳам баҳор келганини билиб, инларидан чиқишибди. Насиба қачон уясидан чиқаркин?

– Оёққа туришим керак... – ўзига ўзи пичирлади қиз дадил оҳангда. – Қачонгача бунақа ётмоқчисан? Яқинларингни қийнаб қўйдинг-ку? Ўзинг истамасанг, шифокорлар ҳам не қила олсин? Бирор марта яшаш учун курашдингми? Ё сен учун бошқалар курашишини кутиб ётибсанми? Равшан-чи? У доим сени кўргани келади, ҳатто ўқишдан қолиб кетяпсан, деб неча марта дарсликларни олиб келиб берди. Ўқиб кўрдингми уларни? Сенга яна нима керак? Барча сендан кутяпти... Юришингни кутишяпти. Тузаласан! Албатта, оёққа турасан, Насиба. Настариндек бўй таратасан, аммо сўлмайсан!

У баҳор каби уйғонди. Қалбида гуллар униб чиқди, ҳаётбахш насим елди, орзулари барг ёзди. Настарин бутоғини олиб қулоқларига қистириб олди. Ташқарида эса қушча сайради... Насиба қайси коллежда ўқиш борасида ўй сура бошлади.

Мундарижа

1. Ёмғир остида
2. Қайтиб берилган бахт
3. Муҳаббат ва савдо
4. Ёнингдаги бахт
5. Ишқнинг илиқ тафти
6. Йўловчи
7. Видо
8. Самодаги муҳаббат
9. Ўн йил кутилган мактуб
10. Айрилиққа аталган висол
11. Пайқалмаган муҳаббат
12. Бир кунлик таниш
13. Қўнғирок
14. Телба тақдир
15. Кўзларга нур севги
16. Кўк галстукли йигит
17. Муҳаббат синови
18. Виртуал севги
19. Тушдаги муҳаббат
20. Синфдошлар учрашувида
21. Йиллар армони
22. Севгилим томон йўл
23. Турмуш ва севги
24. Девог ортидаги қиз
25. Нагарин ифори

Муаллиф ҳақида

Нодирабегим Иброҳимова 1989-йил 18-июлда Фарғона вилояти Олтиариқ туманида туғилган. 2007-2011 йилларда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультетида таҳсил олган. Ёзувчилар уюшмасининг 2016 йилги “Истеъдод мактаби” VIII ёш ижодкорлар семинари иштирокчиси. “Ёнингдаги бахт” ва “Жодугар ёхуд минг йиллик ҳаёт” номли насрий ҳамда “Дунёдаги энг бахтли одам ” номли таржима китоблари нашр этилган. 2017 йил Швеция давлатида ўтказилган Европа очиқ адабиёт фестивали ва китоб форумида проза йўналишида финалчилар қаторидан жой олган. 2017 йилда наср бўйича “Йилнинг энг яхши ёш ижодкори” мукофоти билан тақдирланган.